

ЧЗ2
3-85

детектив-саргузашт қиссалар



Утқып сюжет

Кизиқарлы воксалар

Ечимини кутаёттган жұмбок

Энди унинг құлида түл бор,
лекин у бошқа одамға айланған,
бутунлай бошқа одамға...

Хиенат

Тохир Малик мактаган китоб

АБРОР ЗОХИДОВ

Детектив-саргузашт қиссалар

АБРОР ЗОХИДОВ



Ўткир сюжет

Қизикарли вожеалар

Ечимини кутаётган жумбок

“

Энди унинг қўлида тул бор,
лекин у бошқа одамга айланган,
бутуулай бошқа одамга...

Хиенат

Тохир Малик мактаган китоб

A.NAVOIY NOMIDA
SIRDARYO VILOYATI AKM

INV №

14528 98

Тошкент
«Янги китоб»
2017

**УЎК: 821.512.133-312.4
КБК: 84(5Ў)6
3-85**

3-85 Зоҳидов, Аброр.

Хиёнат [Матн]: детектив-саргузашт қиссалар / А.Зоҳидов. – Тошкент: Yangi kitob, 2017. – 128 б.

ISBN 978-9943-4804-9-0

**УЎК: 821.512.133-312.4
КБК: 84(5Ў)6**

Детектив китоб ўқишга нима етсин! Боши берк кўчага кириб қолган қаҳрамонларнинг тақдиридаги чигалликлар саргузашт ишқибозларини қизиқтирмай қолмайди. Кескин воқеалар, кутилмаган ходисалар китобхонни ўзига жалб этади. Айниқса, зиддиятли, тўқнашувларга бой сюжет китобга бўлган қизиқишини янада кучайтиради. Устоз адаб Тоҳир Малик айтганидек, сюжет топиш мумкин, лекин уни ишонарли қилиб баён этиш муҳимроқ. Мазкур асарларда ана шу икки жиҳат ҳам мужассам. Буни китобни ўқиб чиқиб ўзингиз амин бўласиз.

Истеъодли қаламкаш Аброр Зоҳидовнинг саргузаштбоп ва ма-роқли китоби сизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Китобни чоп этишда ёрдамини аямаган дўстим Отабек Чориев-га ўз миннадорчилигимни билдираман.

Муаллиф

ISBN 978-9943-4804-9-0

© Аброр Зоҳидов.

«Хиёнат»

© «Янги китоб» МЧЖ, 2017



МУНДАРИЖА

Бутун умр 4

Азамат эски кийимларини ахлат кутисига ташлаб янгиларини кийди. Сумканинг тагидаги бир боғлам АҚШ долларини олди-да, узок вақт ўйланниб қолди. Энди қўлида пул бор, лекин Азамат бошқа одамга айланган, бутунлай бошқа одамга айланган...

Хиёнат 75

У қишлоққа қандай етиб борди, билмайди. Ўсар сариқни қандай топди, билмайди. Билгани етиб боргунича Ўсарни хаёлан минг бор ўлдирди... Ўсар ҳам шу онларни кутиб юргандек «нега унақа қиляпсан?» демади... Факат ўткир тиф бўйнига қадалганда хириллаб гапирди...

Устомон детектив 87

«Сен у болакай билан қонуний никоҳдан ўтишинг, бу оила ичига кириб боришинг керак. Акциялар! Мана бизнинг максадимиз! Отахоннинг бойлиги кўп, улар эртами-кечми ўғлига қолади. Мухими, ўша оила аъзоси бўлсанг бас, қолгани хамирдан қил сутургандек битади. Ҳаммасини ўйлаб қўйганман».

БУТУН УМР

Узоқ юришди. Азамат совуқ рус ўлкасининг бепоёнлигини яна бир бор хис қилди. Унинг икки ёнида жипслашиб ўтирган икки милиционернинг юзидаги ифодани зонадаги энг ваҳший зэкларда ҳам кўрмаган эди. Ваҳшийлик қилмайди, лекин қарашлари шунчалар совуқки... Кишан қўлни буришга имкон бермайди. Ҳаракатсизликдан суяклар оғрийди. Ҳамма томони жипс ёпилган бўлса-да, темирлардан сингиб ўтиб этни жунжиктираётган совуқ забтига олади.

Қаергадир етганларида Азаматнинг кўзини боғлашди. Бу чоранинг сабабини у кейин билди: маҳбус йўлни эслаб қолиши учун ҳеч қанака имконият қолмаслиги шарт. Лекин кўз очиқ бўлганда ҳам автозак (маҳбуслар ташиладиган маҳсус машина) бортининг темир деворларидан бошқа ниманиям кўриш мумкин бўларди? Мантиқсизлик сабабини кўп ўтмай билиб олди, бу масалаларда қоидаларга бўйсуниш ҳамма нарсадан устун туради.

Турманинг маҳсус қисмига киргунларига қадар Азаматнинг кўзини ечмадилар. Ечганларида эди, Азамат «Қора дельфин»га хуш келибсиз», деган ёзувни ўқиб яна энсаси қотган бўларди. Сенинг хуш келишингни кутганлар-у мулозамат қиласиганлар, шундай Худо қарғаган жойга беозор бир ҳайвоннинг номини кўйғанлар ҳам бор экан... Яна Азамат ўзларига қадрдон бўлиб қолган совуқдан танаси-ю шохлари бўй қизларнинг билакла-

ридек тирсиллаб турган руснинг чексиз ўрмонидаги минглаб оқкайинларни, шамол уйиб ташлаган қор тоғларни кўрмади.

Азамат бетон ўриндиқда бир соатча ўтирди. Эшик шарақлаб очилди. Кимдир Азаматнинг кўзларини ечди. Тўладан келган кўккўз киши икки аскар қуршовида кириб келган эди. У Азаматнинг кўзига тикилди. Афтидан кўккўз Азаматнинг ички дунёсини ўрганишга ҳаракат қиласади. Ўн сонияча ўриснинг кўк ва ўзбекнинг қора кўзлари уришиш ўйнаганидан сўнг ҳарбий ундан кўзларини узмай гапирди:

– Мен майор Никитинман. Ҳозир қўлларингни ечамиш. Сен кафтингни юқорига қилиб деворга тирайсан, тушунарлимиси?!

– Тушунарли...

– Лагердаги итдан тортиб лагерь бошлиғигача мурожаат қилганда «гражданин начальник» деб мурожаат қилиниши шарт, тушунарлимиси?!

– Тушунарли... гражданин начальник.

– Энди ҳуқуқларинг ва умумий қоидалар билан таништираман.

Азаматнинг яна энсаси қотди. Бундай жазога ҳукм қилингандарда қандай ҳуқуклар бўлиши мумкин? Йўқ, бор экан. Никитин йигирматача ўқиди. Азаматнинг эсида қолганлари этни жунжиктиради:

«Ҳар куни ярим соатдан радио эшлиш имконияти берилади. Лекин назоратчи бу имкониятни бермаса эътиroz билдирилмайди...»

«Ўн йил давомида намунали хулқ кўрсатсанг, ўн йилдан кейин ҳар куни ярим соатдан телевизор кўриш ҳуқуки берилади...»

«Йигирма беш йилдан сўнг оқлашларини сўраб ариза беринг мумкин...»

Ииллар Никитиннинг оғзининг бир чеккасидан худди ёш болага тушгача ўйнаб тур, кейин онанг келиб сени олиб кетади, дегандек чиқиб кетарди. Ўн, йигирма беш...

Ҳуқуқлар арзимасдай туюлгани билан тартиб-қоидалар анчагина экан. Никитин умумий қоидаларнинг ўзини ўн дақиқача ўқиди:

«Назоратчи туйнукни очиши билан кафт тескари қилиниб, деворга тиralади ва исми шариф айтилиб, «шу ердаман, гражданин начальник» дейилади. Назоратчи ҳар беш дақиқада туйнукни очган тақдирда ҳам...»

«Ҳеч қандай шароитда, ҳеч ким билан учрашувга рухсат берилмайди...»

«Савол бор-йўқлиги сўралмагунча савол бериш тақиқланади...»

«Ҳар қандай кичик айб ҳам лагерь микёсида энг оғир жазога ҳукм қилиниши мумкин...»

Азаматнинг кўзлари тиниб кетди. Очлик ва совуқдан силласи қуриди. Унга кийимлар беришиди. Махсус кийимнинг елка қисмига отнинг калласидек қилиб «ПЗ» деб ёзилганди. Бу ҳарфларнинг маъноси чақилганда «Пожизненно заключенный», яъни «Бутун умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинган маҳбус» деган маъно келиб чиқарди...

* * *

Азамат бир кишилик камерада уч кун ётди. Ҳар куни ўз вақтида овқат беришар, куннинг аниқ бир пайтида майор Никитин у билан сухбат ўтказарди. Бунинг сабабини ҳам кейин билди. Маҳбуснинг руҳий ҳолатига қўра келгуси тақдирини белгилайдиган майор уни обдон ўрганаётганди. Учинчи куни майор Азаматни бутунлай лол қолдириб ўзбекча салом берди. Кейин анграйиб турган Азаматга қараб яна русча гапира кетди:

– Ҳайрон бўляпсан-а?! Сенинг ўзбек эканлигингни эшитиб ишингни ўзим олдим. Ўзбеклар менинг қадрдонларим. Менинг отам Термиз гарнizonida хизмат қилган. Бағрикенг юртдошларинг орасида эсимни танидим. Ўзбекнинг сенинг ҳолингга тушиши мени жуда ажаблантиряпти. Миллатингга ҳурматим ба-ландлиги сабаби сени қизиктирса, сўзлаб бераман.

Никитин Азаматнинг жавобини ҳам эшиitmай хўрсиниб давом эттириди:

– Етти ёшимда ота-онам автоҳалокатда ҳалок бўлишди. Бизнинг у томонларда ҳеч қандай қариндошимиз йўқ эди. Мен кўшни ўзбек кампирнинг қўлида қолдим. Сора хола фарзандсиз эди, ёлғиз яшарди. У бор меҳрини менга берди. Болалар уйига олиб кетишларига йўл қўймади. Лекин тақдир менга бу меҳрибонни ҳам кўп кўрди. Сора хола кўз олдимда тўсатдан вафот этганида ўн яшарлик бола эдим. Ҳеч ким йўқ уйда кампирни кучиб ярим кун йиғлаб ётавергандман... Кейин воқеадан хабар

топган қўшнилар киришди. Менга ўзбекча чопонча кийдиришиди ва бошимга дўппи кўндириб, белимни боғлашди. Сора холани кўмиб келдигу қайтиб уйга киролмадим. Ота-онамнинг ва Сора холанинг расмини қучиб йиглаб кетавердим. Москва поездига осилиб катта шаҳарга келиб қолдим. Тақдиримга барини бир болалар уйида тарбияланиш ёзилган экан. Мактабни битираётганимда ота касбига қизиқишимни ҳисобга олиб, ҳарбий билим юртга йўлланма беришди. Мана, ўзбекчасига айтганда, шу томонларга ҳам ризқимиз сочишган экан, териб юрибмиз...

Бу маскандаги энг даҳшатли жазо шафқатсиз ўтаётган вақт экан. Лекин уни ҳисоблашда мантиқ йўқ эди. Хўш, бир йил ўтар, ўн йил ўтар, лекин нима ўзгаради? Ўлимингни кутишдан ортиқ азоб борми?!

Россия дунёning ривожланган давлатлари тажрибасидан келиб чиқиб ўлим жазосини бекор қилганидан сўнг энг олий жазо (бу соҳа тили билан айтганда – вишк) бутун умрлик қамоқ жазосига алмаштирилди. Лекин бу алмаштириш кимга енгиллик берди, буниси энди гўё қатор мантиқиззикларнинг каттаси! Бундай маҳбуслар сақланадиган тўртта қамоқхона ичida энг машхури бўлган «Қора дельфин»даги маҳбусларнинг аксарияти ўлимни орзу қилади, сўрайди, илтимос қилади, илтижо қилади... Лекин қўплар номини эшитгандаёқ даҳшатга тушадиган ажал ҳар қадамда бу маҳбусларни кузатиб турса-да, «ўз марҳамати»ни раво кўрмайди. Бунда маҳбуснинг ўлимини маҳбус ҳам, назоратчилар ҳам хоҳлашади. Лекин иложи йўқ, хукм шунаقا, қонун бор...

Мазкур қонуннинг асл сабабини бунда ётганлар ҳам, уларни қўриклиётганлар ҳам тўла англаб етавермайдилар. Бегуноҳ инсонга имконият берувчи ушбу қонун Азаматга ҳам нажот бўлиши мумкинлигини ўзи тушунмайди. Зоро бу каби ва бундан ҳам оғирроқ жазоларга лойик инсонларнинг энг довруклиси, одамхўр Чикатило қўлга олингунга қадар тўққиз нафар begunoҳ инсон унинг жиноятларида айбланиб, суд ҳукми билан отиб ташланган... Ва ҳар сафар орган ходимлари шунча хунрезликларни амалга ошираётган айнан «Ўша» қотилни қўлга тушириб жазолашаётганларига амин бўлишган...

Азаматни уч кишилик камерага киргизишганда дастлаб бу хонадаги тартиб, шароит уни лол қолдирди. Зонада уч кишилик камерага камида ўн кишини тикишар, битта матрас, яримта ёстик учун ўзаро муштлашув бўлиб кетарди. Ҳожат учун мўлжалланган хона бурчагига яқинлашиб бўлмайди, ўта ёқимсиз тер иси, пайтавалардан келган «тароват» билан аралашиб кўзни ачитади. Бу ердаги учта каравотнинг иккитасига оппоқ чойшаблар, ёстик-матраслар шундай тахланганки, қирраси нон кесадигандек. Бироз зах бўйини айтмаса ёқимсиз хид ҳам сезилмайди. Эшик очилиши билан ичкаридаги икки нафар маҳбус сакраб туриб, қўлларнинг кафтини юқорилатиб деворга тирадилар ва навбат билан баланд овозда гапирдилар:

- Маҳбус Николай Иванович Козак шу ерда.
- Маҳбус Леонид Петрович Свиридов шу ерда.

Азаматнинг икки қўлини қайириб бошини эгиб келаётган аскарлардан бири унинг қўлини ечди, лекин бошини кўтаришга рухсат бермади. Иккинчи аскар хонага кўз югуртириди ва эълон қилди:

– Сизларга янги ҳамхона олиб келдик. Азамат Сагатов. Саволлар борми?

Икки маҳбус баравар қичқиришди:

- Йўқ, гражданин начальник.
- Яхши.

Эшикдан кирган учинчи аскар матрас, чойшаб ва кўрпа-ёстик келтириб, бўш каравотга ташлади. Кейин учовлашиб чиқиб кетишиди. Эшик ёпилиб туйнук беркитилгандан сўнг маҳбуслар кўз қири билан яна бир бор назоратчилар чиқиб кетганига ишонч хосил қилгач, қадларни ростлашди. Азамат бошини кўтартганида биринчи маҳбус ерда тиззасини қучоқлаб ўтиради, иккинчиси унга тикилиб туради. Азамат қўл узатиб ўзини танишитирди:

- Азамат.
- Лёня.

Азамат деворга суюниб ўтирган маҳбуснинг ёнига борди ва унга ҳам қўл узатди:

- Азамат.

Маҳбус ўгирилиб қаради. Азамат умри бино бўлиб бу қадар фалати нигоҳга дуч келмаганди. Ҳиссиз, совук, жон аломати йўқ.

Лекин нимасидир борки, одамга қаттиқ таъсир қиласди. Махбус деярли пичирлаб гапирди:

– Начальник таништирди-ку, яна нима дейсан?!

Азамат ўсал бўлиб қўлини туширди. Уларни кузатиб турган Леонид Азаматга қаради:

– Кўявер, ўзи бугун файласуфнинг кайфияти йўқ.

Азамат каравотга жой солди ва унинг четига ўтирган ҳам эдикى деворга тикилиб турган «файласуф» ўзига-ўзи гапиргандай деди:

– Рухсат йўқ.

Азамат унга ўгирилиб қаради.

– Нима?

– Уйқу вақти эълон қилинмагунча каравотдан фойдаланишга рухсат йўқ. Бунинг устига ёстиғингни бундай тахлаганинг учун уч кун «мехмонхона»да ётасан. Камига бизни ҳам балога қолдиришинг мумкин.

Азамат шериклариникидек учли қилиб тахланган ёстиғига тикилди. Унинг чоки кўринадиган томонга қилиб қўйилган экан. Азамат тескари қилиб бошқатдан тахлади. Уни кузатиб турган Лёня оёғи билан ёғоч курсини сурди.

– Мановинга ўтири.

Азамат келиб ўтириди. Лёня унинг қаршисига курсисини қўйди ва ўтириб деди:

– Бошла.

Азамат ҳайрон бўлиб сўради:

– Нимани бошлай?

Лёнянинг кўзлари совуқ чақнади. У Азаматнинг тиззасига кафтини қўйиб ғижимлади ва секин жавоб берди:

– Ҳаммасини! Ҳаммасини бир бошдан бошла!

«Талабларига биноан» ўз тақдирини сўзлаб бераётган Азамат кираётганида қадди эгик бўлганлиги учун эшик ташкарисига ёпиширилган қофоздаги матнни кўрмаганди. Унда куйидаги қисқа маълумотлар битилган эди:

1. «Махбус Леонид Петрович Свиридов. Лақаби «Бубон». 1993 – 1996 йилларда ўн бир нафар нафар кишининг жонига қасд қилган. Ваҳшийликка мойил».

2. «Махбус Николай Иванович Козак. Лақаби «Файласуф». Умумий қотилларли сони номаълум. Еттитаси исботланган. 2000 йилда келтирилган. Қочишга ва одамхўрликка мойил».

Бир ойдаёқ Азамат даҳшатли ҳақиқатни англаб етади. Ҳуқуклар зифирдек, коидалар ҳумидан маҳбус итдек эди. Итларни хафа қилмайлик, қайси ит бу маҳбуслар қилган ишни қилибди?!. «Файласуф» деганлари Николай Козак навбати билан етти аёлни зўрлаб ўлдирган, учтасининг этини...

Ит ҳам ўзи каби жонзотнинг этини ер, лекин очликдан ўлмаслик учун ейди. Ўзи каби жонзот ўлиб ётган бўлса гўшидан бир парча ейди ва тўйса қаноат қиласди. Тиригини ўлдирмайди. «Файласуф»га ўхшаганларни инсонга минг йиллар давомида садоқат билан хизмат қилиб келаётган итдек бир жониворга ўхшатиш бўлмас. Лекин бир жиҳатдан бу маҳбуслар ва итларнинг ўхшаш томони бор эди. Бу назоратчиларга бўйсунишда яқол намоён бўларди. Буйруқни бажаришда ит ҳам, манови маҳбуслар ҳам бирдек. Буйруқ сўзсиз адo этилмоғи шарт. Ёт деса ётасан, тур деса, турасан. Лекин бунда ҳам итларнинг ҳукуқлари кўпроқ. Буйруқни бажармаса нари борса тепки ейди. Лекин маҳбуснинг буйруқдан бўйин товлаши бу «зона»да ақл бовар килмас ҳодиса...

Бу маҳбусларнинг йўқотадиган ҳеч нарсаси йўқ. Азамат эшитгани Сунгоркин деган маҳбуснинг қизиқ тақдири бўлди. Аллақачон ўлимни бўйнига олган Сунгоркин назоратчининг милтиқ қўндоғи билан тутишига қўл-оёғи кишанланганлиги боис тиши билан жавоб беришга ҳаракат қилди. Қўзлари ёниб, сўйлок тишлар назоратчининг гарданига чанг согланида лагерда тўполнон бўлиб кетди. Тўрт нафар соқчи югуриб келиб, Сунгоркинга ташланишди ва уни ерга ётқизиши. Шу ондаёқ жазо тури ўйлаб топилди. Қўл-оёқлар бақувват кирза этиклар билан босиб турildи ва автомат қўндоғи билан Сунгоркиннинг тишлари қоқиб ташланди. Шундан кейин маҳбусни канализациянинг мустаҳкам кувурига боғлаб қўйиши. Сунгоркин дастлаб оғриқдан азобланди. Иккинчи куни очлик оғриқни енгди-ю тунука товоқда олиб келинган ёвғонга ташланди. Шу жойда яна итга ўхшади. Сунгоркин қўли боғлиқлиги боис юзини идишга босди. Лаблари куйса ҳам шўрвани хўриллатиб ича бошлади. Идиш ағдарилиб, шўрва оқиб кета бошлади. Бетон полни ялаётган Сунгоркин маҳбусларнинг ёдидан чиқмас бир сабоқ бўлди...

Бу воқеани ўз қўзи билан кўрган ёки ҳеч бўлмаганда эшитган маҳбуслар ҳар қанча ботир бўлишмасин попуклари паса-

йиб қоларди. Ҳали Азамат бу гаплардан бехабар. Уни ҳозир бир савол қийнайди. Кўзлари совуқ чақнаб саволига жавоб кутиб турган Лёняга нима десин? Бор гапни айтса, бу азобларга бегуноҳ ҳукм қилинганини сўзлаб берса ишонармикан? Ёки борига барака деб бўйнига қўйилган айбларни тасдиқлаб тураверсинми? Лекин вакти келиб бир куни унга қуйилган айбловдаги жиноятларга қодир эмаслиги, бегуноҳлиги-ю ёлғон гапиргани билиниб қолса, зонанинг темир қонунларига қатъий бўйсунадиган ҳамхонаси уни тинч қўярмикан? Қамоққа илк бор тушган маҳбусларнинг аксарияти ўзининг бегуноҳлигини таъкидлайди. Янги маҳбус келгунига қадар унинг қайси жиноятга кўл урганлиги-ю қандай жазога ҳукм қилинганилиги бўйича аниқ маълумотга эга бўладиган, бу маълумотлар бўлмаган тақдирда ҳам кўзга бир қараб инсоннинг ички дунёсини-ю унинг нималарга қодир эканлигини аниқ биладиган зонанинг «маҳаллий фуқаро»лари бегуноҳларнинг сафсалаларини эшишиб энсалари қотади. Янги маҳбус эса шунча босқичларда бўйнига «жиноятчи» деган тамға илинверганда тополмаган «ҳақиқат»ини келиб-келиб турмада топадигандек айбсиз қамалганини айтиб тиришаверади...

Шуларни ўйлаган Азамат бор гапни айтиб беришга қарор қилди...

* * *

Онасининг ёлғиз ўғли, отасининг ёдгори Азаматни ҳарбийдан қайтиши билан кўп ўтмай уйлантириб ҳам қўйишиди. Бегонага эмас, ўзларига яқин шифохонада ишлайдиган оп-поқкина ҳамшира қиз Зарифага. Азамат Зарифани зимдан кузатиб, ёқтириб юрарди. Йигитдаги ҳисларни ҳам, қизнинг жилмайиб қўйишини ҳам катталардан кимдир сезган эканми, кўнгиллар очилмаёқ тўй бошланиб кетди. Ширингина оила курилди. Азамат тўйдан кейин ҳам қизни ёқтиришини айтмади. Зарифа ҳам кўплаб келинлар каби янги оиласининг хизматига киришиб кетди. Йил ўтмай ҳаммани кувончга тўлдириб ўғилли бўлишди. Азизбек тетапоя бўла бошлаганида Зарифа боласини қайнонасига ташлаб ишга чиқиб кетди. Оддий кунларнинг бирида Азаматнинг ҳаётида туб бурилиш ясаган воқеа содир бўлди.

Азамат ўзларининг яқинидаги пойафзал фабрикасига ишга кирганди. Қизик-қизик замонлар эди. Давр ўтган, лекин ундан ёдгор «план»лар қолган. Азамат ишлайдиган фабрика нима бўлганда ҳам режани бажаришга тиришар, тайёр маҳсулот кимга кераклиги билан ҳеч кимнинг иши бўлмасди. Бу услуб кўп ўтмай ўз натижаларини бера бошлади. Маош олмаганларининг учинчи ойида ташкилот раҳбарияти маош аниқ бериладиган кунни белгилади. Шу куни Азамат яхши кайфиятда ўйғонди. Ишга кетиш олдидан ширингина ухлаб ётган Азизбекни ўпид ўйғотди. Кейин оғзини тўлдириб ваъда берди:

– Ўғлим, бугун сенга шоколад олиб келаман!

Болакайнинг катта кўзлари чақнади. У анчадан буён ўйлаб юрган орзусига эришаётган эди.

– Вуй, соколадми, кани?

– Ҳозирмас, кечкурун ишдан қайтаётганимда олиб келаман, Яна-чи, яна сенга ўйинчоқлар ҳам олиб келаман.

Азизбек дадасининг бўйнига осилди. Ишхонага етиб келганида ҳали маош тўғрисида ҳеч гап йўқ, ҳамма ўзининг кундалик юмушини бошлаётган эди. Кечгача кутишди, кутилган янгилик бўлмади. Лекин раҳбарият ўз ишчиларини алдамади. Ўша куни, тўғрироғи, тунда, ишчиларга маош ўрнига йигирма жуфтдан ўзлари тиккан пойафзал тарқатилди. Азамат ҳамма кетганидан кейин ҳам узоқ ўтирди. Қўлидаги тумшуғи катта ботинкани, ҳатто биттагина шоколадга алмаштиришига кўзи етмай хўрлиги келди. Кейин «маош»ини қопга тикиб, четга иргитди-да, хотини ишлайдиган шифохона томон йўл олди.

Ўша куни Зарифа навбатчи эди. Азамат шифохонада хотини билан дардлашиш, рўзғор тебратишнинг йўлларини маслаҳатлашишни ният қилганди. У ҳамширалар хонасига томон йўл олди. Йўлак охиридаги хона эшиги ёпиқ, лекин қулфланмаган экан. Азамат эшикни очиб кирди. Киришдаги хонада ҳеч ким йўқ. Азамат ёндаги хонада атрофи тиббий мато пардадек қилиб ўралган каравотдаги ғичирлаш овозини эшитди. Гарчи ҳаққи ҳам, хоҳиши ҳам бўлмаса-да, Азамат беихтиёр унга яқинлашиб пардани сурди. Сурди-ю кўрди... Зарифани яқинда ишга келган ёш шифокорнинг кучоғида кўрди... Иккисининг барайган кўзларини кўрди...

Азаматни сочларининг учидан бошлаб товонигача куйдириб келган тўлқин яна қайтиб боши томон ўрмалаганида у гўёки энг тўғри қарорга келиб бўлганди. Фазабдан ёнаётган бўлса-да, ўзини тута билди. Қаҳр отини жиловлади. Одатда бундай вазиятларда келиб чиқадиган оғир жанжаллардан қочди. Орияти бунга йўл қўймади. У Зарифанинг социдан тортиб пастга судради ва худди бирор эшитиб қолишидан кўрккандек кулоғига шивирлади:

– Агар... агар Азизбекка яқинлашсанг сўйиб ташлайман! Ҳозироқ манови ҳароминг билан йўқоласан! Сир сирлигича қолсин, сен ифлосни деб болам айбордек вояга етмасин!

Азамат йигитга юзланди.

– Сен ёки манови ифлоснинг қораси шу атрофда кўринган куни икковинг ҳам ит ўлимини топасанлар. Буни олу кўзимдан йўқол! Тез йўқол!..

Азамат уйига қандай етиб келганини билмайди. Сокин тунда бувисининг қучоғида ухлаб ётган Азизбек дадасининг устма-уст ўпишидан чўчиб ўйғонди. Бемаҳалда қайтган ўғлининг бу қилиғидан ҳайрон бўлган Сабоҳат хола пайпаслаб топган рўмолини ўрашга улгурмади. Ёлғиз фарзандининг сўнгги сўзлари уни буткул ҳайрат ва даҳшатга ботириб ташлади.

– Азизбекни ҳеч кимга, мутлақо ҳеч кимга берманг, ая. Айниқса Зарифага... Келса, дадаси олиб кетди, денг. Нимагалигини сўраманг, мен ҳам айтмай... Болани эҳтиёт қилинг. Мени кутманглар.

Азамат Сабоҳат холанинг ҳай-ҳайлашига ҳам, қоп-қора катта-катта кўзларидан шашқатор ёш оқизиб йиглаётган ўғлининг кўл чўзиб талпинишига ҳам қарамай кўчага отилди. Дуч келган машинага ўтириб дуч келган томонга кетди. Унинг учун ҳозир шу ерлардан узоқроқ кетса бас эди.

Ўн беш республика, юздан ортиқ ҳалқнинг бошини бирлаширишга роса уринган ССР деган давлат парчаланиб, мажбуран қовуштирилган оға-инилар бир-бирлари билан деярли юз кўрмас бўлиб кетган пайтлар эди. Уйини, оиласини тарк этган Азамат ҳарбийда орттирган дўстларини эслади. Гўё ща оғайниларнинг олдига бориш ҳаммасини эсдан чиқарадигандек, барча муаммоларини ҳал қилиб юборадигандек туюлди. Азамат ҳам қарз-қавола қилиб бепоён юрт сари йўл олди...

Ҳарбийда алпқомат бўлиб юрган, Азамат худди десантда хизмат қилган пайтлардагидай тасаввур қилиб келган рус йигитларини ўтган йиллар билан ароқ анча тўкиб қўйган экан. Яқин дўсти, куролдош биродари Олег уни кутиб олиб уйига бошлади. Олег ундан оиласини сўрамади, нима ташвиш бу ерларга бошлаб келгани билан қизиқмади. Ўттизга етмаёқ сариқ соchlари тўкилиб, пешанаси яланғочланиб қолган Олегнинг семиз хотини бизнинг ёвғонга қиёс карам шўрва пишириди. Азамат ароқни қайтармай ичарди. Лекин унинг ичиши Олег ва узоқдан келган мөхмон шарафига кирган икки ўриснинг ичиши олдида татиб кўришдай бир гап экан.

Азамат уйғонганида соат ўнга яқинлашган, лекин ҳали уй эгалари туриш тўғрисида хаёлларига келтирмай ухлаб ётишарди. У шаҳар яқинидаги Олегнинг қайнонасига қарашли ёғоч уйдан ташқарига чиқиб керишди. Посёлкадаги одамлар энди-энди ғимирлаб чиқа бошлаган эдилар. Азамат атрофни айланди. Бир уй наридаги ҳовлидан болтанинг овози эшилтиди. Ёғоч панжара ортида ёшгина рус жувони қарсиллатиб ўтин ёради. Жувон Азаматга томон ўгирилиб жилмайиб қўйди. Завқи келган Азамат биринчи бўлиб гап бошлади:

– Ёрдам берайми?

Жувон саволга савол билан жавоб қайтарди:

– Мехмонмисиз?

– Ҳа, Ўзбекистондан келганман. Қўшнингиз Олегнинг дўстиман.

– Ўзбекистон узок бўлса кераг-а?..

Азамат жувоннинг қўлидаги болтани олиб жавоб берди:

– Ҳа, анчагина йўл. Азамат.

– Лена. Танишганимдан хурсандман.

Олег уйғониб, Азаматни топиб келгунча ўтин ёриб бўлинган, Лена ёлғиз қизалофини боғчага жўнатиб, Азаматни бир кружка сут билан сийлашга ҳам улгурган эди. Шу куниёқ Азамат Лена-никида қолди. Икки боласи, хотини-ю қайнонаси билан уйчасида қисилиб яшаётган Олег ҳам, умуман қишлоқдагилар ҳам буни айб қилишмади. Азамат шу яқин атрофдаги чўчқа фермасига ишга жойлашди. Маҳаллий шароитга кўнишиб, киришиб кетди. Энди аввалги Азамат кун сайин йўқолиб бораётганди.

Тайёр уй, тайёр хотин бўлгандан кейин ҳужжатларни тўғрилаш ҳам қийин кечмади. У тўла-тўкис фуқарога айланиб олди. Бу кунларнинг тамал тоши ўша пайтларда қўйилди. Чўчқалар билан ўтаётган оддий кунларининг бирида ишдан қайтган Азамат оstonада турган эски ҳарбий ботинкани кўриб хайрон бўлди. Ичкарига кираётганида Лена қуйиб-пишиб гапираётганди:

– Степан! Ҳаммаси тамом бўлган. Ирина энди сени ота ўрнида кўрмайди. Кет!

Стол муштланди. Ортидан хириллоқ овоз чиқди:

– Мен қизимни келгиндининг қўлида қолдирмайман!

Азамат фарзандига меҳри бунчалар кучли валломат отани кўришга қизиқиб эшикни очганида димоfiga ароқ ва тамакининг ҳиди гуп этиб урилди. Телпагининг иплари осилиб ётган, эски пахталигининг яғири чиқиб кетган рус мужиги эшик томонга ўгирилди. Тикандек соқоллар заҳил тортган юзни қоплаб кетган, ўsic қошлар остидаги кўзлар «Сенмисан менинг ўрнимни эгаллаган?» дегандек тикилиб турарди. Тил кўзларни кувватлади:

– Ўзлари экан-да қаҳрамон?!.. Таракандек босиб кетдиларинг, ҳаммангни қириш керак!..

Қиришни Азаматдан бошлишини ният килиб ўрнидан турган Степан биринчи бўлиб қўл кўтарди. Жисмонан бақувват Азамат қизишиб кетиб унинг таъзирини бериб қўйди. Оғир жароҳатлар билан Степан касалхонага, Азамат патруль машинасида милицияга олиб кетилди. Кейин ҳаммаси одатдагидек прокуратура, суд... Азамат ҳамма босқичда айбдор деб топилди. Безорилик ёнига миллатлараро зиддиятни келтириб чиқаришга уриниш деган айблов қўшилиб ҳукм анча жонланди ва Азамат тўрт йилга кесилиб кетди. Уч йилда қайтиб чиққанида у ўз юртини, боласини эмас, шу кунларга тушишига сабаб бўлган Ленанинг қишлоғини қоралаб келди. Бу пайтда Азамат билан Степан талашган ўринни бир грузин эгаллаган, хотини билан ажрашган Олег номаълум жойларга равона бўлган эди.

* * *

Азаматнинг ҳикоясини тинглаётган Бубонни биргина жиҳат қизиқтиради. Янги ҳамхонанинг қайси қаҳрамонликлари «Қора дельфин»га етаклаб келган? Умуман, бу одамдан нима-

ни кутиш мумкин? Зонадаги ҳар бир маҳбус ўзича бир олам. Девдек-девдек зэклар жимитдек маҳбуснинг пойини ўшишга тайёр туриши, соқоли кўксини қоплаган чоллар бунда ёшгина бўлса-да, озодликда ҳамманинг этини жунжиктириб қамоққа тушиш баҳтига мусассар бўлган йигитчаларнинг хизматини қилиши оддий хол. Битта лагерда, ҳатто битта бинода бирга бўлган, аммо бир-бирини умуман кўрмаган маҳбуслар бу ерда ғойибдан бўлса-да бир-бирларига бўйсунади, ўша кўрмаган, лекин қилган ишлари довруғи темир панжаралар орқали етиб келган маҳбусларни ўзларига пирдай қабул қиласидилар. Азамат ҳамманинг оғзидан тушмайдиган, «Грозный» лақабли маҳбусни кўриб энсаси қотганди. Жиккаккина «Грозный»ни Азаматларнинг хонасини шамоллатиш мақсадида панжара қолдирилиб, эшик очиб қўйилганда соқчилар бурнини ерга теккизгудай қилиб олиб ўтиб кетишганди. Кўрган одамга бу манзара ҳатто кулгили ҳам кўринади. Тўрт нафар бақувват соқчилар бир бурда маҳбусни худди йўлбарсни тутиб олиб кетаётгандек ва жоҳат билан судраб олиб ўтишди. Кейинчалик «Грозный»нинг жиноятларини эшишган Азаматнинг баданлари жунжикиб кетди. Хотинини хиёнат устида ушлаб олган «Грозный» унга кўшиб ўзининг икки қизини ҳам чаваклаб ташлаган, кейин уйини ёқиб юбориб, қўлга тушгунга қадар яна тўққиз аёлни ваҳшийларча ўлдириб юборган экан. Бу ерда қилинган жиноятга кўра ҳам соқчиларнинг, ҳам маҳбусларнинг муомаласи белгиланади. Соқчилар қанчалар эҳтиёт бўлсалар, маҳбуслар шунчалик кўка кўтарадилар. Ҳали Бубон Азаматни бу ерга нима етаклаб келганини яхши билмайди. Азаматнинг ўзи ҳам қилган жиноятини тўла-тўқис англаб етмаган...

* * *

Ленанинг қишлоғидаги ўрнини буткул йўқотган Азамат шаҳарга кетди. Дуч келган ишни қилиб кун кўриб юрди. Юртига қайтиш хаёлига ҳам келмас, келганида ҳам унда на орият, на имконият бор эди.

Шундай кунларнинг бирида Азаматга яхши одамлар учради. Кўчада 600 рақамли «Мерседес»ининг балони қўйиб юбориб, нима қилишни ўйлаб турган, бу юртларда «Новый русский» деб улуғланадиган рус йигитга Азамат ёрдам берди. Бойвачча уни

дала ҳовлисига олиб кетди. Азамат Юраникida ҳам иссиқ ўринга, ҳам тўрт-беш тангага эга бўлди. Унинг вазифаси жуда осон, жуда оддий эди. Дачани қўриқлаш, кечаси қўйиб юбориладиган иккита немис овчаркасини боқиш, вассалом. Юра ҳафтада бир марта дачага қадам ранжида қиласарди. Келганда ҳам ўзига ўхшаган икки-учта бадавлат ўртоқлари билан ёш-ёш қизларни етаклаб келишарди. Тонг отгунча базми жамшид давом этар, кейин тушгача ухлашарди. Бундай пайтларда Азамат Юранинг буйруғига қўра ҳовлига ҳеч кимни киргизмас, эшикларни тамбалаб ташларди. Юранинг яна бир қизик буйруғи бор эди: кетаётган пайтида Азаматга хонасига кириб туришни буюрарди. Машиналар чиқиб кетганидан кейингина Азамат ҳовлини супуриб қўяр, лекин уй ичига кирмасди. Уйни кейинроқ Юра юборган бир йигит келиб йиғишириб кетарди. Миллион, ҳаттоқи миллиардлаб ғофил бандалар сингари Азамат ҳам мана шу иссиқ ўрнини йўқотиб қўйишдан қўрқиб, келажагини ўйламай юрарди. Лекин бу дала ҳовлида бўлаётган ишлар бир куни уни шу куйларга солишини билганидами эди...


* * *

Ўша куни ҳам Юра тикандек соchlарини тикка қилиб, бошининг марказига қирра қилиб уйилган икки йигит билан бир қизни бошлаб келди. Қиз ҳали жуда ёш, нари борса ўн етти-ўн саккизга кирган. Азамат дарвозани ёпиб хонасига кириб кетди. Бугун bemalol ухласа ҳам бўлади, уй ичида одам бор, қаттиқ қўриқлашга ҳожат йўқ. Азамат буржуйканинг иссиғидан уйқу элитиб пинакка кетди. Тун ярмидан оққанда Юра уни туртиб уйғотди.

– Азик, тур. Қани юр, бугун менинг саҳиyllигим тутган кун. Сени бир меҳмон қилай. Баҳонада дўстларим билан ҳам танишириб қўяман.

Азамат Юранинг бу ғалати, кутилмаган таклифини мастиликдаги тантлилкка йўйди. Таклиф ўзига ҳам ёқиб тушди. Тайёр зиёфатни аҳмоқларгина рад этадилар. Баҳонада ўзи қўриқлаётган уйнинг ичини ҳам кўриб олади.

Мұхташам залнинг дастурхон тузалган стол ўрнатилган қисми театр саҳнасини эслатарди. Баҳмал пардалар тутилган хона бурчаги кучли проҷекторлар билан ёритилганди. Азамат



нима мақсадда бундай қилинганини ўйлаб ҳам кўрмади. Уни кўпроқ каттакон товуқ бутунича пишириб қўйилган, узун-узун шишалар жой олган дастурхон қизиқтиради. Азамат ойнаванд мебель ичига усталик билан ўрнатилган камераларни ҳам кўрмади. Юранинг бутун баданларини татиуровкалар босиб кетган икки дўсти дастурхон атрофида ўтиришар, «Гавана» деб аталмиш баҳайбат сигараларнинг тутунига тўлиб кетган хонада боя келган қиз кўринмасди. Юра қадаҳларга тўлатиб ароқ куйди. Ичдилар. Учинчи ё тўртинчи қадаҳдан сўнг Юра стол остидан битта шиша чиқарди ва Азаматнинг рюмкасига тўлатиб ароқ куйди ва шундай деди:

– Бу «особый»си, даврамизга кеч қўшилганинг учун штрафной.

Азамат уни ҳам ичиб юборганидан сўнг Юра қинга солинган, дастаси чиқиб турган пичоқни узатди.

– Қани, Азик, олмани арч.

Азамат пичоқни чарм қинидан чиқарди. Бу икки тифи ялтираб турган ростакам ханжар эди. Олмани иккинчи қўлига олган Азамат кўз олди қоронғилашиб гурсиллаб йиқилди.

* * *

У даҳшатли оғриқдан ўзига келди. Кўзига тушган кучли ёруғлик, бутун танаси бўйлаб тараалган ғалати ҳисдан боши айланди. Оғриқ қўлидан тарқалаётганди. Азамат қўлини бўшатмокчи бўлди. Лекин қайириб турганлардан бири оёғидан чалиб йиқитди ва устига миниб олди. Кимдир унинг пешанасига тўппонча тиради:

– Қимирлама!

Азамат ўзининг қаердалиги, булар кимлар эканлигини англашга уринди. Жимиirlаётган кўзларига деразадан тараалаётган күёш нурлари уриларди. Бир лаҳза воқеликни англолмай караҳт ахволда турди. Кейин англағани бутун умр ёдидан чиқмайди... Бу даҳшатли манзара тушларига киради, ваҳимадан кўзлари чақчайиб сакраб туриб кетади...

* * *

Тақиқланганига қарамай кунда янги-янги номлар билан интернет сайпларида пайдо бўлаётган, кўча-кўйда ёмғирдан ке-

йинги қўзиқоринлардек бош кўтараётган кичик дўконлардан тарқалаётган бу тахлит қисқа метражли фильмларга қарши бутун дунё афкор оммаси билан бир қаторда Россия хукумати ҳам курашмоқда эди. Аксариятининг сюжети бир хил: бир неча дақиқа мобайнида кўз кўриб қулоқ эшитмаган шафқатсизлик шаҳвоний кўринишда суратта олинади, ниҳоясида кимдир, одатда ҳеч гапдан бехабар қиз ваҳшийларча ўлдирилади. Нон берма, томоша кўрсат дегувчилар истаганча топилади. Шундай экан, бундай фильмларга ҳам истаганча томошабин бор. Ҳафта ўтмай шундай «санъат асари» ишқибозларнинг компьютерлари-ю уяли телефонларини эгаллайди. Бу томошанинг орқасида минглаб-миллионлаб пул ўйнайди, бу йўналишдаги ижодкорларнинг ҳам ижодлари минг тақиқларга қарамай гуллаб яшнайверади.

Шаҳарларда назорат кучайиб, бу каби фильмларни суратга олувчиларнинг анчаси фош этилиши ва жазога тортилиши муаммога тўла-тўкис барҳам бера олмади. Жихозлаш ва керакли қаҳрамонларни топиш айтарли харажат ва ҳаракат талаб қилинмайдиган бу каби студияларнинг бири айнан Азамат кўриқлаётган дала ҳовлига усталик билан жойлаштирилган, «келгиндининг меҳрибони» Юра эса бу каби хунрезликлар ортидан дунё-дунё пул тўплаб, яна худди шу йўлдан қайтишини хаёлига ҳам келтирмаган инсон эди. Охирги фильмлари катта нархларда сотилиб, янги-янги буюртмалар туша бошлаганида унинг изидан тушишди. Лекин қисиб олиши мумкин бўлган ҳалқа торая борганида Юра ваҳимага тушмай ҳаммасини совуқконлик билан ҳал қилди. Воситачилар орқали ижарага олинган ҳовлига Азамат келтирилди...

* * *

Азаматнинг кўзлари ерда қип-яланғочлиги етмагандай бадани тилингандек кечаги қизга тушганида сесканиб кетди. Энг даҳшатлиси, қизнинг бўйнида ғажилган каби из қолган эди. Азаматнинг тишилари ғижирлади, оғзидан ғалати таъм келди. Беихтиёр туфлаб юборганида оғзидан қотиб қолган қон лахталари тўкилди. Қон ўзиники эмаслигини билганида кўнгли ағдарилиб ўқчиб кетди. Унинг икки қўлини қайириб кўтаришаётганида кимдир қизнинг олдида ётган, тунги зиёфат чоғида Азамат олма артган ханжарни пакетга эҳтиётлик билан солаётганди...

* * *

Ҳаммаси Юра кутганидан ҳам силлиқ кечди. Азаматнинг муқаддам қамалганлиги, қолаверса, далилларнинг мутлақ рад қилиб бўлмас даражада эканлиги туфайли иш «муваффақият»ли якун ясалётганида Юра аллақайси денгизнинг кумли кирғокларида офтобда тобланиб ётарди. Ҳамтоворклари чўнтақ телефонига кўнғироқ қилиб, ҳаммаси силлиқ кечётганини айтишганида у мамнуният билан кўлларини бир-бирига ишқаб кўйди. Энди дам олишни кўнгилдагидек маромига етказиб, янги лойиҳага қўл уравериш мумкин...

* * *

Азамат дунё воқеаларига унчалик қизиқмасди. Лекин бутун дунёнинг оғзига тушган воқеалар унинг ҳам кулоғига кирмай қолмади. Тақдир шу масканни рано кўрганида Азамат даҳшат билан бирга ҳайрат ҳиссини тыйди. Ҳайрат қандай инсонлар билан бир том остидалигига. Ҳар куни узун тор йўлак бўйлаб қисқа муддатли сайдига олиб чиқиб кетаёттандарида у имкон қадар атрофни ўрганишга ҳаракат қиласарди. Билганлари лол қолдиради. Ўзларининг хонасидан кейинги учинчи хона эшигига ёзилган маълумотни ўқиш учун бир ҳафта вақт керак бўлди. Чунки соқчилар уни эшиклар олдидан жуда қисқа муддатда олиб ўтиб кетишар, яна ўгирилишга рухсат беришмасди. Бир ҳафтада ҳар куни ўқиб ўтилган икки-уч сўздан тугал маълумот ҳосил бўлди. «Андрей Чикатило. 30 кишининг қотиллигига айланган. Ўзи 53 кишини ўлдирганлигини тан олган».

Азаматнинг этлари жимиirlаб кетди. Кечкурун ҳамхоналари билан ёлғиз қолганида у Лёнядан секин сўради:

– Наҳотки ўша машхур Чикатило ҳам шу ерда бўлса?

Лёня ғалати кулди.

– Машхурлигини билибсану вишкани эшитмабсан-да. У бу ерда жуда қисқа вақт бўлган. Адашмасам ўн йилча бўлдиёв отиб ташлашганига. Эшикдаги маълумотни ўқибсан, шекилли. Уни нега олиб ташламаганларини ҳеч ким билмайди. Балки бизга қаратса «шу ифлос билан бир гўрсанлар» дегандек тегишмагандир.

Лёня бир лаҳза ўйга толиб секин кўшиб қўйди:

– Ўзи ҳаммамизнинг давомиз вишка. Лекин энди бунинг иложи йўқ...

Шу куни Лёня Азаматга ўзининг тақдирини, бу ерга тушиш тарихини сўзлаб берди.

* * *

Леонид Машага уйланиш ниятида эди. Маша ҳам кўзойнак тақиб юрадиган сал бадковоқ, одамови йигитнинг ниятини билар, келтирган совға-саломларини олар, лекин тўйни орқага сурар, бу масалада сира гаплашгиси келмасди. Йигитнинг муҳаббати самимий, у оила қуриш, кўп-кўп фарзандаларга ота бўлишни ният қиласарди. Лекин қиз ҳали бундай нарсаларни ўйламас, уни кўпроқ тўкин зиёфатлару майшат қизиқтиради. Шундай зиёфатлардан бирида қиз анча чегарадан чиқиб кетди. Ичкилик билан мусиқадан маст бўлиб, унга кўзини сузаётган келишган йигитни уйига судради. Лёня ҳам айнан шу куни қўлида гул билан Машанинг уйи олдида қизни кутаётганди. Бегона йигит билан қўлтиқлашиб кириб кетаётган Маша йигитни кўриб кўрмасликка олди. Лёня бир лаҳза қотиб қолиб, қўлидаги гул пастга тушиб сочилиб кетганида улар икковлашиб тўртингчи қаватдаги уйга кириб кетишга улгуришганди. Балки Леонид кўпчилик ошиқлар сингари бу вазиятда муҳаббатидан воз кечиб жўнаб қолганида тақдири миллионлаб инсонлар сингари кечармиди?.. Лекин Лёня бутунлай бошқа хulosага келди. Қиз адашган, ҳаммасига қизни судраб кетаётган анови йигит айбдор, Машани унинг қўлидан кутқариш лозим!

Эшик очик эди. Лёня ичкарига кирганида улар аллақачон ичкиликни бошлаб юборишган, қиз қиқирлаб куларди. Йигитнинг овози келди:

- Анови сўтакмиди кавалеринг?
- Ҳа. Лекин ўртамиизда ҳеч нарса бўлмаган. Уйланармиш.
- Ва-ая! Қара-я, ҳалиям шундай яхши йигитлар бор экан.

Лёня уларнинг устига бостириб борди. Лекин кутилганидек у иккиси саросимада сакраб ўринларидан туриб кетишмади. Аксинча, Маша пинагини ҳам бузмай унга гапирди:

- Кет, Лёня.

Леонид қотиб қолди. Унинг бақрайиб қараб туришидан забланган йигит ўрнидан туриб елкасидан итариб эшик томон сурга бошлади. Фазабланган Лёня йигитга қўл кўтарди. Лекин бир муштига бақувват йигит ўнта жавоб қайтарди. Кейин су-

лайиб қолган Леонидни судраб подъездга улоқтириди ва қайтиб келиб ҳаммасини бамайлихотир кузатиб турган қизнинг пинжига отилди.

Лёня бошини чанглаб узок ўтириди. Ўрнидан турганида унинг вужудида ўйғонган нимадир туфайли қатъий қарорга келиб бўлганди...

Қўшнилар бир неча кун ўтиб бу квартирадан келаётган бадбўй хид туфайли милицияни чақиришганида Лёня бу юртлардан минглаб чақирим узоқлашиб кетган, энди у бутунлай бошқа одамга айланган эди. Йиллар ўтиб кўлга тушганида милиция фақат ўша иккисининг ўлимидаги Леониднинг қотиллигини тўлиқ исботлади. Далил сифатида кўрсатилган кичик ломга қараб Лёня ғалати кулиб қўйди. Бошқа қотилликларни ўзи тан олди. Бу қотилликларда марҳумларнинг зигирдек ҳам айблари йўқ эди. Улар фақат кераксиз вақтда кераксиз жойда бўлган эдилар, холос.

* * *

Азамат бешинчи эшиқдаги маълумотни ҳам бир ҳафтада ўқиб тугатди. «Салман Радуев. Чеченистонда ҳукуматга қарши тузилган экстремистик гурух етакчиси. Унинг буйруғи билан миллий адоват асосида юзлаб одамлар ўлдирилган».

Лёня машхур экстремистнинг тақдирини ҳам сўзлаб берди. Радуев бу ерда бор-йўғи уч ой бўлган. Уни маҳбуслар уриб ўлдиришган.

Икки ой ичиде Азамат деярли барча тўғрисида эшилди. Бошқалар ҳам унинг тарихини билиб олишди. Лекин Азамат «Қора дельфин» шароитига сира кўника олмади. Гарчи ҳеч ким унга зуғум ўтказмаса-да, шароит ҳам қанчалик ғалати туғулмасин, оддий қамоқхоналардан анча яхши бўлса-да, кимдир унинг бўғзига пичноқ тираб тургандек эди. Энг ёмони, бу пичноқ на санчила қолади, на олинади. Ўйқусиз тунларда Азамат юртини, боласини жуда кўп эслайдиган бўлди. Лекин бу хаёллар энди факат ва факат руҳий азоб берарди. У кетаётганида бўйнига осилиб йиглаган ўғилчаси ҳозир катта бола бўлиб қолгандир. Дадасини эслармикан?! Онаси-чи? Ўтган йиллар унинг бардошига қанчалик таъсир қилган экан?..

* * *

Инсоният қизиқ. Ҳар қандай шароитда ҳам күнгил билан нафснинг тизгинидан чиқиб кета олмайди. Ҳар доим ҳам ўзиға эрмак топишга интилади. Деярли бир йил ўтди. Бу орада Азамат чиқиб кетишдан буткул умидини узиб, бир хил ҳаётдан зерика бошлаганди. Бу ерда анчадан бери туткунда бўлганлар ҳам бу босқичдан аллақачон ўтганлари сабабли ўзларига турили хил эрмаклар топиб олган эдилар. Шулардан энг машҳури, зэклар тили билан айтганда, «сайр» деб номланарди. Азамат тез орада сайрнинг маъносини билиб олди. Бунда деярли ҳамма маҳбуслар атрофи баланд қилиб ўралган сайр майдонига олиб чиқилади. Деворининг усти қалин панжарадан том қилиб ёпилган, унинг устида соқчилар милтиқларини шай қилиб ўёқдан-буёққа юрганларича пастни диққат билан кузатадилар. Сайргоҳнинг ёнида жойлашган, турма раҳбарияти ўтирадиган баланд бинонинг ҳам деразалари шу куни очилади. У ерда қўлига қадаҳ ёки чиройли сигара тутиб олган ҳарбий кийимдаги бошликлар ва уларнинг хонимлари элас-элас кўринади. Лекин уларга деярли ҳеч ким қарамайди. Барчанинг эътибори давра қуриб олган маҳкумлардан ажralиб чиқкан, мушакларини ўйнатаётган икки кишига қаратилади. Сайр куни ҳамманинг кайфияти аъло бўлади. Шу куни маҳкумлар оғизларига келганини қайтармай бақирадилар, сўқинадилар. Қаёқларданdir фильтрсиз сигаретлар пайдо бўлади ва чеккан-чекмаганга баравар тарқатилади. Кимдир ўтириб, кимдир тик турганча карсак чалиб ўртага тушганларни оғзидан тамакини бурқситганча олқишилайди.

Азаматнинг сайрга илк бор чиқиши эди. У ҳайрон бўлиб даврага қўшилди. Бугун даврага биринчи бўлиб еттинчи камерадаги лақаби ҳам ўзи сингари Чўтир бўлган қоп-қора маҳбус чиқди. Ҳамма унга қарши даъвогар кимлигини ўйлаб турганида Азаматнинг ёнгинасида турган Бубон (Лёня) давранинг марказига отилди ва тишларини ғижирлатиб пахталигини еча бошлади. Ҳамма унга қараб қийқирди. Азамат ҳанг-манг бўлиб қолди. У Лёнянинг ҳар куни яккакураш усуулларини машқ қилишини билар, лекин сабабини сўрамаган, шунчаки соғлик учун деб ўйларди. Энди англаб етди. Демак, бугунги томоша, яъни сайргоҳдаги сайр пухта ўйланган режа асосида амалга

оширилмоқда ва ҳар доим ҳам шундай бўлиб келган. Азамат юкоридаги соқчиларга қаради. Улар ҳам жанг бошланишини кутиб туришар, лекин бирлаҳзага ҳам сергакликни сусайтирмасдилар. Жангни тўхтатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмас, аксинча ҳамма, шу жумладан, соқчилар ҳам бугунги олишув олдингиларига нисбатан қизиқроқ бўлишига умид килиб тикилиб туришарди.

Лёня тап тортмай Чўтирга яқинлашди. Чўтирнинг ҳам кўзлари чакнади. Афтидан у ҳам бу жангни интизорлик билан кутган эди. Икковлари ёнма-ён турганларида Чўтирнинг гавдаси анча катталиги, ўзи ҳам жисмонан Бубондан устунлиги яқол намоён бўлди. Лекин Лёня ҳозир бу ҳақда ўйламасди. У биринчи бўлиб кўл кўтарди. Ногаҳоний зарбадан Чўтир лойга ағанади. Ҳамма қийқириб юборди. Бубон кўлларини юкорига ғолибона кўтарди. Чўтир юзига ёпишган лойни артиб оғзида йифилиб қолган қонни туфлади-ю қаддини ростлади. Лёня унга яна мушт туширди. Чўтир чақонлик билан қайтарди. Бубон унинг кўксини мўлжаллаб тепди. Чўтир унинг оёғини ушлаб юкорига кўтарди-ю энгашиб оёқлари орасига зарб билан мушт туширди. Энди Лёня буқчайиб лойга беланди. Чўтир унинг атрофини айлана бошлади. Қийқириклар авжига чиқди. Бубон бир ҳаракат қилиб ўрнидан туролмади. Даҳшатли оғриқ уни чангакдек кисиб турарди. Лекин Лёня ўрнидан туриш учун барибир ўзида куч топа олди. У тирсагига таяниб қаддини ростлади ва кечки баҳорнинг таъсирида чала эриб қорамтири тусга кирган қор бўлагини олиб юзига сурди. Қорда сақланиб қолган муздек ҳарорат Бубоннинг ловуллаб турган юзидағи тафтни олди. У эгилиб қўйиб юборилган ниҳолдек қаддини ростлади. Ҳамма қийқириб уни олқишлий бошлади. Энди тенг курашлар бошланди. Бубоннинг чақонлик билан устма-уст ёғдираётган зарбаларига Чўтир ҳар замонда битта жавоб қайтарар, лекин шу бир зарба ҳам Лёняни анча чарчатиб қўярди. Атрофдагилар қийқириб бир маромда қарсак чала бошладилар. Соқчилар вазиятни дикқат билан кузатишда давом этдилар. Баланд бинонинг деразаси токчасига янги вино билан сигара олиб келиб қўйилди. Муштлашув қизигандан-қизиб бораарди. Азамат Бубоннинг бунчалар чидамли эканлигини билмаган эди. У ҳам беихтиёр ҳамхонасини қўллаб-куватлаб қарсак чала бошлади. Бубон

оёқларини ёзиб ерга ўтири, чүяндек бармоқларини чангаллаб мушт ясади ва Чүтириңнинг тиззасига ён томондан мушт тушири. Чүтири қалқиб кетиб ўзини ўнглагунича Бубон иккинчи қўли билан рақибининг чап тиззасига урди. Чүтири сулайиб тиззаси ерга тиралиб ўтириб қолди. Унинг башараси Бубоннинг боши тўғрисига келганда Бубон бор кучи билан Чүтириңнинг бурни аралаш кўзига калла қўйди. Чүтири бир силкинди. Лекин ийқилиб кетишга улгурмади. Бубон сакраб туриб унинг чўкиб бораётган бошидан тутди ва икки қўли билан чангаллаб башарасига тизза қўйди. Чүтириңнинг баҳайбат гавдаси кесилган дарахтдек гурсиллаб ийқилиб лойга беланди.

Қийқириқлар авжига чиқди. Қаҳр отини қамчилаб, мутлақо ўзини йўқотиб қўйган, ғалабасидан руҳланган Бубон сакраб Чүтириңнинг белига миниб олди ва бир қўли билан иягидан, бир қўли билдан пешонасидан ушлади. Ҳамма бир лаҳза сукутга толди. Ҳозир Бубон қўлини бир силкитади ва Чүтири бўйни узилиб жон беради. Бубон ҳансирар, қўзлари чақчайиб, бутун ғазаби қўлларига қўйиларди.

Бубон ҳаракат қилишга улгурмади. Энсасига тушган кучли зарбадан рақибининг устига қулади. Чүтириңнинг ҳамхонаси, кўзи чақчайиб турадиган татар йигит биродарига ён босган эди. Бу орада Чүтири ҳам ўзини ўнглаб олди ва ўрнидан туриб ҳали ўзига келмаган Бубоннинг қорнига зарб билан тепди. Бубон ўқчиб сулайиб қолди, оғзидан қон келди. Жанг мутасаддилари фирромликка барҳам бергунларича Азамат бир қарорга келиб бўлганди. Татарнинг Бубон юзини мўлжаллаб йўналтирган тепкиси манзилига етиб бормади. Ён томондан етиб келган Азаматнинг оёғига тегиб қайтди. Татарнинг оёғи чалишиб кетди. Азамат Чүтириңнинг кўксини нишонга олиб тепди. Чүтири ва шериги сулайиб қолдилар. Ҳозиргина фирромлик туфайли жангни тўхтатмоқчи бўлган зўрлар ҳам, бошқа томошабинлар ҳам жанг янада қизиқарли тус олганини кўриб даврани кенгайтирдилар ва қий-чувни кучайтирдилар. Азамат имкониятдан фойдаланиб Бубоннинг туришига ёрдам берди. Ҳансираф қаддини тиклаётган Бубон Азаматни итариб юборди. Азамат ҳамхонасининг бу килиғидан ҳайратланишга ҳам улгурмади. Унинг бикинини мўлжаллаб калла кўяётган Татар иккисининг орасидан ўтиб кетди. Азамат ва Бубон орқалари билан жиспласа-

шиб, ҳар икки томондан келадиган хавфга шай ҳолда турдилар. Татар бир ёндан, Чўтирир бир ёндан уларга яқинлаша бошладилар. Чўтирир Бубонга яқинлашди-ю қорнига урилган чўяндек муштдан қадди ёйдек эгилди. Пастдан жағига урилган иккинчи мушт унинг танасини ердан бир қаричча кўтарди. Чўтирир оғзи бурнидан қон сачратиб, лойга юзтубан йикилди. Татар билан Азамат анча вақт бир-бирларига хезланиб турдилар. Биринчи зарбани Татар берди. Чунки унинг имконияти қолмаган, Чўтирининг ер билан битта бўлиши Бубоннинг ҳализамон Азаматнинг ёнини олишини англатарди. Тезроқ Азаматни тинчитмаса икковлашиб уни бир ёкли қилишади. Татарнинг сакраб отган мушти Азаматнинг пешонасига тегди. Азамат гандираклаб кетди-ю йикилмади. Пайтдан фойдаланган Татар иккинчи зарбани беришга шошилди, лекин мақсадига етмади. Унинг муштини Азамат кафти билан тутиб қолди. Десантда ҳимоянинг бу усулини яхши ўзлаштирган Азамат кейинги ҳаракатни ҳам ўrniga кўйди. Татарнинг муштини чанглалаб буради. Танаси қийшайиб бораётган Татарнинг кўкси қулай ҳолга келиши билан бор кучини бериб калла кўйди. Татар зарбадан энгашганида бикинига келиб тушган тепки уни буткул ерга қапиштириб ташлади. Рақиби қайта ўнгланмаслиги учун Азамат ҳар эҳтимолга қарши яна бир тепди-ю устига оёғини кўйиб ортига, олишаётган шеригига юзланди. Бу пайтда Бубон яна Чўтирининг устига ўтириб бошини чанглалаб олган, хириллаётган рақибини тинчтишга ҳаракат қилаётганди.

Ўқ овози янгради. Ҳамма юқорига қаради. Соқчилардан бири осмонга қаратса ўқ узган эди. Уларнинг нигоҳи жанг тўхтатилиб, ҳамма тарқалиши лозимлигини англатарди. Баланд бинонинг деразаси ёпилди. Бубон ҳали ҳам Чўтирирни тинчтишга шай ҳолатда турарди. Иккинчи ўқ унинг ёнгинасига узилди. Атрофга сув аралаш лой зарралари сочилди. Бубон Чўтирининг бошини ерга ташлаб унинг устига тупурди ва нари кетди. Бир неча сонияда ҳамма тарқалди. Оёқ-қўллари шалвираб қолган Чўтирир билан Татарни шериклари судраб олиб кетишиди.

Ҳамма ҳаяжон билан жангни кузатаётганида бир одам даврага қўшилмас, сайдироҳ деворига суюнганича маъносиз нигоҳларини узокларга қадаб ўтиради. Бу Азаматнинг иккинчи ҳамхонаси Файласуф эди. У ҳаммадан кейин сайдироҳни тарқ этди.

Камерага қайтишди. Лёня билан Азамат юзларига қотиб ёпишиб қолган қон аралаш лойни ювиб каравотларига чўзилдилар. Азамат ҳамон ҳансирар, юзлари бўғриқиб кетган эди. Кечки овқатни олиб келган соқчилар овқат билан бирга елим идишда бир литрча арок, яримта колбаса, бир кути сигарет, беш-олтита газета ташлаб кетишли. Бу Бубон билан Азаматнинг бугун эришган ғалабаси учун берилган ўзига хос ютуқ эди...

* * *

Кунлардан бир куни Азаматни йўлакдан олиб кетишаётганида у кўз қири билан соқчилар қуршовида кетаётган маҳбусга қаради. Азаматнинг юраги энтикиб кетди. Бошини эгиб кетаётган маҳбус таниш, жуда таниш эди. Уни камерага олиб кираётганларида бурилиши. Азамат титраб кетди. Янги маҳбус... Юра эди!

Шу кеча Азамат минг хаёлда тонг оттирди. Ўзича қасоснинг минг бир режасини тузиб чиқди. Лекин ҳеч кимга сир бой бермади. Бир неча кундаёк бутун зонага янги маҳбуснинг кимлиги маълум бўлди. Унга озодликдаги хунарига кўра Артист деб лақаб қўйиши. Кўп чап беришлардан сўнг ниҳоят Юра қўлга тушган, кўплаб айблари исботланган эди. Азаматнинг у туфайли айбсиз қамалиб кетганлиги Юранинг эсига ҳам келмаган, Азаматни қутқаришни ўйламаган ҳам эди. Умуман олганда Азамат унинг учун навбатдаги қурбондан ўзга ҳеч нарса эмасди.

Кейинги имконият бир ойдан кейин бўлди. Азамат тиббий текширув асносида Юрани яна бир қўриб, айнан ўша эканлигига ишонч ҳосил қилиб олди.

Кечкурун келибоқ Бубонга дардини ёрди:

– Мен Артист билан Сайрда учрашишим шарт!

Бубон кескин жавоб берди:

– Исключено (бўлиши мумкин эмас). Бир неча кундан бери типирчилақ қолганингдан Артист айнан сен кутган инсон эканлигини сезгандим. Сен у билан жуда хоҳласанг ҳам Сайрга чиқолмайсан. Аввало, Сайр ҳар доим ҳам уюштирилавермайди, қачон, ким билан ким Сайрга чиқишини Кум (қамоқхона бошлиғи) белгилайди. Бу дегани сен ўзинг хоҳлаган инсон билан тушишинг имконияти жуда кам. Иккинчидан, Артист ҳали

янги, унга, шу жумладан, сенга ҳам яккана-якка Сайр имконияти берилмайди. Учинчидан, мен ҳаммасини ўйлаб қўйганман, айтганимга кўнсанг сабр қиласан, менинг режам сенга қасосдан ҳам муҳимроқ ютуқ олиб келади. Қасосни ҳар доим ҳам олиш мумкин. Сен ҳозирча унинг кўзига кўринмай тур.

Шу қундан бошлаб Бубон Азаматга ўзи мукаммал эгаллаб олган қўл жанги сирларини ўргата бошлади. Азаматнинг десантда ўрганганлари ҳаёт жангларида чиникан устозининг тажрибаси олдида ҳеч гап эмаслиги маълум бўлди. Энди Азамат терлаб пишиб Лёня билан олишар, кун сайин жисмонан чиникиб борарди. Ҳаётининг мазмунини оз бўлса-да англағани уни анча ўзгартириб юборганди.

* * *

– Гапларингга қараганда, – деди орадан бир неча кун ўтгач Бубон, – Артистнинг ўзи қотилликка қўл урмаган. Ҳамма ишни ҳақиқий артистлар бажаришган. Сен ҳеч нарсадан бехабар унинг ҳамма айбини гарданингга олиб кетавергансан. Шундайми?

Азамат ҳорғин жавоб берди:

- Шундай.
- Демак, мен ўйлаганимдай у ҳақиқий қотилликдан қўрқади.
- Нега бундай хulosага келдинг?
- Чунки мен унинг кўзларига эътибор бердим. Маккор, раҳмсиз. Лекин ҳақиқий ишларга журъати етмайди. Ҳайрон бўлма, сен ҳам шундайсан. Сенга ёрдам бераётганимнинг сабаби шунда. Сен бу ерга тушадиган гуноҳ қилмагансан. Айбинг – латталигинг. Бир кун келиб озодликка чиқишингга ёрдам бермоқчиман. Бу ҳам бекорга эмас. Менинг сенга бир илтимосим бор. Нима эканлигини кейин айтаман.

Азаматнинг кўнглида ғалати ҳис уйғонди. Гарчи бу ерга келганига нисбатан кўп вақт бўлмаган бўлса-да, унинг озодликка чиқиш умиди сўниб, устини қалин кул босган эди. Бубоннинг гапларидан сўнг ўша кулнинг остида милтиллаган чўф кўринди. Лекин Азамат ҳам бу умиднинг умри жуда қисқа бўлиши мумкинлигини билар, шу миттигина чўғнинг сўниб қолмаслигини жуда-жуда хоҳларди.

Азамат келганидан бери нари борса бир ёки икки оғиз гапирган Файласуф Бубоннинг Азамат билан боғлиқ илтимосидан кейин анча жонланиб қолди. Бир куни уни соқчи олиб чиқиб кетди. Соқчилар бошлиғи билан унинг хонасида роса гаплашиб ўтиришди. Кейин Файласуф қайтиб келди ва Бубон иккиси хона бурчагига бориб анча вақт пичирлашишди. Азамат уларнинг гапларига аралашмади. Режа пишиб бўлган эди. Бутун зона тинчланган узун тунларнинг бирида уларнинг камераси эшиги овозсиз очилди ва учови секин йўлакка чиқиши. Соқчи худди ҳеч нарсани кўрмагандек тескари қараб кетаётганди. Улар Юранинг камерасига яқинлашганларида соқчи бу эшикни ҳам очиб бўлган, камерадагиларнинг ҳаммаси сакраб туриб қўлларини қоида бўйича деворга тираганларича исм-фамилияларини айтиётгандилар. Соқчи бу гапларни ҳам эшифтмади. Бу камерадагиларни ҳайратга кўмиб аввал Файласуф, кейин Бубон хонага кириб келди.

Юра Чўтирганинг хонасига қамалган эди. Анча ўзига келиб соғайиб қолган Чўтирганинг аввалги шаҳди йўқ, ўзига берилган имкониятни қўлдан бергани боис ҳамхоналарининг олдиди боши ҳам эди. Чўтирганинг кўриб бир гезарди. Лекин маҳкумлар ўртасида ўрнатилган темир қонунни бузолмади. Бубоннинг бир ишораси билан четга чиқди. Иккинчи маҳкум ҳам ҳеч нарсага аралашмади.

Юра уларга қараб ҳайрон бўлиб турарди. Биринчи бўлиб Юранинг қаршисига курси қўйиб ўтириб олган Бубон гап бошлади:

– Ҳа, Артист, курортга кўнишиб қолдингми?!

Саводдаги таҳдид оҳангидан Юранинг лаблари титради. Бубон гапини давом эттирди:

– Бугун Артист сафимизга қўшилганидан фойдаланиб биз ҳам битта кино ишлаймиз.

Шеригининг гапларига эътибор бермаётган Файласуф бу пайтда қўйнидан чиқарган митти рақамли камерани дераза токчасига, Юранинг қаршисига ўрнатаётганди.

– Фақат сенинг фильмларингдан фарқи бизники очиқчасига ишланади. Бош қаҳрамон ҳам Голливуд юлдузларидан қолишмайди.

Бубон очиқ турган эшик томон киноя аралаштириб тантанали қичқирди.

– Танишиб қўйинглар, «Қасос» фильмининг бош қаҳрамони, «Қора дельфин»нинг энг шафқатсиз маҳбуси Азиат жаноблари!

Зонада Азиат лақабини олган Азамат эшик ортида, йўлакда турар, Бубоннинг ҳар бир гапини эшитаётган эди. Шу дақиқаларни орзиқиб кутганди. Бир оз ҳаяжонланса-да, қатъият билан кириб борди. Уни кўриб Юра бир қалқди.

Бубон аччиқ ҳазилини давом эттиради:

– Ҳозир Артист ёзган сценарий бўйича Азиат асосий эпизодда суратга тушади ва ҳамма мурод-мақсадига етади. Бу фильм Артистнинг ўзи яратган индустря орқали бутун дунёга тарқатилади ҳамда ҳаммага олам-олам шуҳрат ва пул олиб келади!

Бубон Юранинг болдирига тепди. Артист оғриқдан инграб тиззалаб чўккаласб қолди. Азамат Файласуф камера билан қўшиб олиб келган узун тифли пичоқни чиқарди ва Юранинг пешонасидан тортиб бўйнига тиради. Юра дағ-дағ титрар, тили калимага келмасди. Қаршилик кўрсатишга умуман ҳоли йўқ, ич-ичидан бунинг бефойдалигини англаб турарди.

Бубон ўзига хос ҳукмни ўқиди:

– Биз, яъни сену мен бу ерда ўтиришга лойикмиз. Лекин ҳеч қачонadolat бузилмаслиги керак. Ўлиминг олдидан сенинг шарофатинг билан айбсиз бу ерга келиб қолган Азиатга сўнгги гапингни айтиб ол.

Юра тепасида важоҳат билан тикилиб турган Азаматга илтижо билан қаради ва ялина бошлади:

– Азик... Азик, шафқат қил!.. Мени кечир, Азик!

Азаматнинг ўрнига Бубон жавоб қайтарди.

– Сен кечиришга лойик эмассан, лекин ҳаётингни озгина узайтирамиз. Биласанми нима учун? Ахир ўзинг ёзган сценарий бўйича ўлим олдидан жуда қизикарли саҳна кўринишлишини олиш лозим-ку?! Сал бўлмаса эсимдан чиқибди.

Бубон четда турган Чўтирга юзланди.

– Яна бир қаҳрамонни саҳнага таклиф қиласман. Чўтири жаноблари, марҳамат қилсинлар. Сизга ёшгина жононни таклиф қила олмаётганимдан афсусдаман. Лекин Артист ҳеч кимдан колишмайди. Трамвайдаги биринчи бекат сизники!

Бубоннинг гапларини англаған Юрани совуқ тер босиб кетди. У оғзидан қўпиги келиб элана бошлади.

– Азик... ҳаммасини ўзим бўйнимга оламан. Бу ердан қутулиб чиқасан... Кўп пулларим қолган, ҳаммаси сеники...

Азамат тифни бўшатмади. Аксинча чап қўли билан Юранинг бошидан маҳкамроқ чангллади. Юра ундан шафқат кутиб бўлмаслигини англағаб Бубонга қаради:

– Лёня... Мени ўлдирманглар... Ҳамма шартларингга розиман, кечир...

Бубон ғалати кулди.

– Ўлимдан қўрқишиングни билардим. Нега мендан кечирим сўрайсан?! Сенда менинг эмас, ановининг ҳақи бор. Нима гапинг бўлса Азиатга айт.

Бубон Азамат томонга қаради.

– Хўш, нима дейсан?

Азамат саволга савол билан жавоб қайтарди.

– Нима таклиф қиласан?

– Менимча Артист артистылигини қилмаяпти, самимий гапирияпти. Балки бир марта имконият бериш керакдир... Хўп, майли, хўш Артист, сен нима таклиф қиласан?

Файласуф камерани яна бир марта текшириб қўйди. Мосла-ма бехато ишлатиб, манзарани тўлиқ тасвирга тушираётган, ҳар бир гапни тиник ёзиб кетаётган эди. Азамат Юрани қўйиб юборди. У шилқиллаб йиқилди. Бубон уни елкасидан тутиб полга ўтиргизди-да, қўзларини совуқ чақнатиб буюрди:

– Бошла!

* * *

Бубон режасини тўлиқ амалга оширди. Файласуф камера-сини қўлтиқлади. Эшикдан чиқишаётганида Бубон бир лаҳза тўхтади ва Юраромон ўгирилди.

– Артист, бир нарсани эслатиб ўтишим шарт бўлмаса-да, айтиб қўяй. Борди-ю фикрингдан қайтгудай бўлсанг бу тасмалар Грозныйга топширилади. Грозныйни танийсан-а?

Юра бош иргади.

– Танисанг жуда яхши. Грозный – трамвайнинг энг зўр устаси. У ишлайдиган кино олдида сеникилар фил олдидағи пашшадек ҳам эмас. Хайр.

Учовлашиб чиққанларида йўлак бошидаги панжара ортида ўтирган соқчи чаққонлик билан келиб эшикни ёпди, кейин буларнинг камерага киришларини кутиб турди ва бу эшикни ҳам бир сўз демай шарақлатиб қулфлади.

Хонага киргандаридан кейин Бубон Азаматга қаради:

– Бир нарсани ҳисобга ол. Бугунги ишимиз юридик жиҳатдан ҳеч нарсага арзимайди. Артист расмий одамларга расмий кўрсатма бериши лозим. Шундагина мақсадга эришишимиз мумкин.

– Иложи бормикан?

Бубон Файласуфга ишора қилди.

– Буни ановинга қўйиб бер. Уни бекорга файласуф дейишмайди ахир.

Файласуф Азаматга қараб бош иргаб қўйди.

Узоқ кутилган озодлик эпкинидан кўксини тўлдириб нафас олаётган Азаматнинг қувончи узоққа чўзилмади. «Қора дельфин»дан бир километрча наридаги қишлоққа ташлаб кетган зона машинасидан тушиб бекатга яқинлашаётганида у номини билмайдиган жуда ҳашаматли, ойналари ҳам ўзи сингари қора машина ёнгинасига тўхтади. Унинг орқадаги ойнаси секин туширилиб, олдин тамакининг тутуни сузиб чиқди, кейин қимматбаҳо Куба сигараси кўринди. Олмос кўзли узук таққан қўл сигарани олди ва қалин лаблар Азамат томон биргина сўзни йўллади:

– Ўтир!

Орқа эшик тиқ этиб очилди. Машина бу ўлкаларга ёз келган бўлишига қарамай ҳануз билчиллаб ётган лойни сачратиб олдинга отилди.

Машинанинг юмшок ўринидига сингиб кетаётган Азамат ёнидаги одамга разм солди. У билан ҳатто саломлашмаган ҳамроҳи олдинга тикилиб кетарди. Қоп-қора костюмидан қимматбаҳо француз атри ҳиди анкиб турган, куюқ соchlарига оқ оралаган бургутбурун бу киши кимлигини Азамат тахминан биларди. Азаматни оқлаш бўйича ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан харакат бўлаётганида бу одам ҳам астойдил жон куйдирган. Файласуф билан Бубон Азамат озод қилинишидан бир неча кун олдин унинг тарихини айтиб беришганди.

Файласуф қўлга тушиб, қотилликлари бирма-бир исботлангаётганида давлат томонидан тайинланган адвокат у билан бир киши учрашиш ниятида эканлигини айтди. Файласуф қаршилик билдирамади. Унинг кўзларини боғлаб, бир камерага олиб киришди. Кўзларини ечганларида панжара ортида салобатли қиррабурун одам турарди. Уни доим шунаقا ишларга аралашиб юрадиган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи хориж ташкилотларидан бирининг вакили деб ўйлаган Файласуфнинг энсаси қотди. Лекин ўзини Серёга деб таништирган бу одам бутунлай бошқа мавзуда гап бошлади:

– Нечта қотиллигинг исботланди?

Файласуфнинг башараси тиришди.

– Сен ҳам начальникларданмисан, нима, ўзинг делони очиб кўриб қўя қолмадингми?!

– Менинг терговга алоқам йўқ.

– Бўлмаса нега суриштириб қолдинг?

– Мен сенга бир таклиф билан келдим.

– Ҳа, турмадан алоҳида жой қилиб берасанми, балки менга аталган ўққа олтин қоплатарсан, – ғалати кулди Файласуф.

Серёга қатъий жавоб берди:

– Ҳар иккисини ҳам қилиш қўлимдан келади. Таклифимни қабул қилсанг бўлгани.

Унинг гапларидан Файласуф жиддийлашди. Бундан руҳланган Серёга гапини давом эттириди:

– Менга қара, адашмасам, ҳозирданоқ бешта қотиллигинг исботланибди, иккитасини ҳатто ўзинг сўзлаб берибсан. Энди сенга бериладиган жазо тайин. Таклифим шуки, қотиллигинг бешта бўлди нима, олтига бўлди нима, энди бу мутлақо ахамиятсиз. Гапларимни тушуняпсанми?

– Тушунаётгандекман. Адашмасам, сен менга яна битта қотилликни сотмоқчисан шекилли.

Серёга бўйинбогини бўшатиб хорғин жавоб берди:

– Қотилликни эмас, қотиллигимни... Мен жуда катта бизнес эгасиман. Қўлим ҳамма жойга етади. Душманларим ҳам, дўстларим ҳам етарли. Биринчи хотиним оғир касалликдан ўлиб, битта ўғлим билан қолгандим. Иккинчи хотинимни фақат бойлигим қизиқтиришини сезганимда анча кеч бўлди. У ёрдамчим билан дон олишиб юргани камлик қилгандек, шериклари

билин ягона меросхўрим бўлган ўғлимни йўқ қилиш пайига тушганини билиб қолиб чида боролмадим. Иккиси майшат қилаётган квартирани аниклаб, эшикни бузиб кириб бордим. Хотинимнинг ўйнаши бўлган ёрдамчимни ёллаган одамларим олиб чиқиб кетишиди. У мутлақо йўқ қилиб юборилди. Хотинимни эса ўз қўлларим билан чопиб ташладим. Айбимни тан олишга тайёр эдим. Лекин менга қарши кучлар ҳали ҳам борлиги, улар ўғлимга тажовуз қилиш ниятида эканлигини билиб ўзимни тўхтатдим. Мендан шубҳаланишяпти, ҳозирча бирор нарсани исботлай олмаётган бўлишса-да, барибир изимни оладилар. Сенинг тарихингни эшитиб, хузурингга келдим. Агар таклифимни қабул қиласанг қўлимдан келган ҳамма истагингни амалга оширишга тайёрман. Розилик берсанг бас, қолганини адвокатларим силлиқ қилиб бажаришади.

Файласуф кулди.

– Мендек одамда энди қандай истак ҳам бўлиши мумкин? Лекин таклифингни қабул қиласман. Сабаби бу ишингни шахсан мен қотиллик эмас, адолатли ҳукм деб хисоблайман. Одамларинг мен билан боғлансин, тафсилотларни келишиб олайлик.

– Шартингни айтмадинг.

– Шартимми?.. Кел, шу нарсани кейинга қолдирайлик. Борди-ю мени отишса сен доимо ифлос хотинларини сену менга ўхшаб ўлдирғанларни химоя қил. Борди-ю тирик қолсам-у сенинг ёрдаминг керак бўлса, ўзим сени топаман...

Файласуф ваъдасининг устидан чиқди. У Серёганинг иши учун яна битта қотиллигини очиб, ҳар иккаласини бўйнига олди. Дастребки ишлар синчиклаб ўрганилгани, ҳаммасида Файласуфнинг қўли борлиги сабабли кейингиларида тергов ишлари шунчаки юзаки олиб борилди ва еттита исботланган қотиллик билан Файласуфнинг иши судга оширилди...

Бу воқеаларни эслаб кетаётган Азамат атрофга разм солди. Ўрмон орасидан жой олган федерал трассага чиқкан машина гўё учеб борарди.

Азамат ҳам, Серёга ҳам уларнинг орқасидан изма-из келаётган кулранг «Жип»га эътибор бермадилар.

Икки соатлардан кейин шаҳарга кириб боришиди. Замонавий меҳмонхоналардан бири олдида Серёга машинани тўхтатди ва Азаматга сумка тутқазди.

– Мановини ол, ичида сенга керакли ҳамма нарса бор. Мөхмөнхонада махсус жой ҳозирланган. Кириб дамингни ол. Ҳайдовчи кузатиб қўяди. Сен билан ўзим боғланаман.

Азамат индамай машинадан туша бошлади. Серёга унинг қўлидан тутди.

– Ҳозирча аёлларга яқинлашмай тур, вақти келса ўзим ташкиллаштираман.

Серёганинг машинаси физиллаб юриб кетди. Мөхмөнхона томон йўл олган Азамат йўлнинг ўёғида тўхтаб турган «Жип»-нинг секин ўрнидан жилганини қўрмади.

Махсус ажратилган икки хонадан иборат люкс номер жуда шоҳона, егуликлар тўла совутгич, йўлдошли антенна уланган телевизор, умуман, ҳамма-ҳамма нарса мухайё эди. Азамат ҳаммомга кириб иссиқ сувда узок чўмилди. Охорли сочиққа ўралиб, кийиб келган кийимларига жирканиб назар солди. Серёга қолдирган сумка ичида янги жинси шим, соф паҳтадан тикилган сифатли кўйлак, итальян пойафзали, ички кийимлар бор эди. Азамат эски кийимларини ахлат қутисига ташлаб янгиларини кийди. Сумканинг тагидаги бир боғлам АҚШ долларини олган Азамат узок вакт ўйланиб қолди. Шу каби пулларни деб бу юртларга келганди. Лекин мақсадига эришмади. Нафақат эришмади, балки бор-будини йўқотиб, ҳаёти қил устига илиниб қолди. Энди қўлида пул бор, лекин Азамат бошқа одамга айланган, бутунлай бошқа одамга айланган...

У пулни чўнтағига солди. Эшик тақиллади. Мөхмөнхона хизматчиси ялтироқ аравачада Азамат номини билмайдиган таомлар келтириб қўйди ва музлаткични очиб рус ароғини олди-да, рюмкага қўйгач, индамай чиқиб кетди. Азамат ароқни бир кўтаришда ичиб юборди ва маза қилиб овқатланди. Кейин пардек ўринга чўзилди ҳамда охирги йилларда биринчи марта тиниқиб ухлади.

* * *

Бубон Азамат чиқиши олдидан қуйидаги гапларни айтган эди:

– Азиат, гапларимни дикқат билан эшишт. Бу ердан кутулиб чиқишинг билан Файлаусуфнинг одамлари сени кутиб олишади ва Москвага кузатиб қўйишади. У ерда биринчи қиласиган

ишинг Юранинг пулларини олиб, ишончли жойга яширасан. Кейин...

Бубон бир лаҳза ўйланиб қолди ва секин гапини давом эттириди.

– Кейин... менинг қизимни қутқарасан.

Азамат унга ҳайратланиб тикилиб қолди. Бубон унинг саволини кутмай ҳазин овозда гапини давом эттириди:

– Юля ҳозир ўн бир ёшда. Мендек шафқатсиз қотилнинг фарзанди ва фарзандига меҳри бўлиши кўпчилик сингари сенга ҳам ғайритабии туюлмоқда, буни тушунаман. Лекин... – Бубон кўксини фижимлаб гапини давом эттириди, – лекин бор, мана бу ерда нимадир бор. Юля менинг ҳақиқий муҳаббатим маҳсули. Унинг онаси мени бу йўлдан қайтаришга кўп уринган. Агар ҳаёт бўлганида балки мақсадига эришармиди?.. Юля дунёга келди-ю севган инсоним Аня дунёдан ўтди. Мен чақалоқни кўрдим, бағримга босдим, лекин мени тобора қисиб келаётган ҳалқа фарзандимнинг дийдорига тўйишга имкон бермади. Фақат докторга ҳаммасини сир тутишни, қизимни болалар уйига жойлаштиришни тайинлаб пул бердим-у кочдим у ерлардан. Яқинда... сен келишингдан олдинроқ Файласуфнинг ёрдами билан минг азобларда мана буни қўлга киритдим.

Бубон кўйлагининг чўнтағидан кичкинагина сурат чиқарди. Унда ўн ёшлардаги олтинсоҷ қизча кемшик тишларини кўрсанганча майин жилмайиб турарди. Бубон суратни чўнтағига солиб гапини давом эттириди:

– Бу суратни кўриб бир қувонган бўлсам, етиб келган хабарни эшишиб минг қайғуга ботдим. Мен тинчитган аёллардан бири бир каллакесарнинг қизи эди. Агар зонага тушмаганимда бу ёруғ оламда ё ўша каллакесар, ё мен қолишимиз керак эди. У қизим борлигидан хабар топиби ва Юляни қўлга киритиб, қасос олиш пайига тушибди. Сен ундан олдинроқ қизимни топишинг ва хавфсизлигини таъминлашинг шарт, тушуняпсанми, Азиат, қизимга зиён етмаслиги керак! Борди-ю кечиксанг нималар бўлишини тасаввур қилишга кўрқаман. Мен ўзимнинг гуноҳларим учун ҳар қандай жойда жавоб беришга тайёрман. Агар бу ерлардан чиколсам ёки қизимга қасд қилган одам шу ерга келиб ўзим билан орани очиқ қилса эди, мен дунёдаги энг баҳтили одам бўлардим. Яна бир нарсани унутма, Юля мен

тўғримда ҳеч нарсани билмаслиги керак. Мен бу заминни бошиб юришга ҳақли эмаслигимни ўзим ҳам биламан, лекин қизим яшаши керак!

Бубон бошини чангллаб ўтириб қолди. Азамат унинг елкасидан тутди.

– Бу ерлардан эсон-омон қутулиб чиқсан, қизингни ҳимоя қилиш учун қўлимдан келган ва келмаган ҳаммаchorани кўраман, менга ишонавер.

Азамат суратга яхшилаб тикилди ва хотирасига муҳрлади. Бубон каллакесар деб таништирган одамнинг таърифини эши-таётганида вазифаси нақадар мураккаблигини англади...

* * *

Азамат эшик тақиллашидан ўйғонди. Тун чўккан, шаҳар кўчаларида оқиб юрган машиналарнинг овози тобора аниқрок эшитила бошлаганди. Сакраб туриб қўлини орқага қилишдан ўзини зўрға тўхтатган Азамат бир зум карахт бўлиб турди. Эшик яна оҳиста тақиллади. Туриб эшикни очди. Хизматчи унга бир конверт тутқазди. Конвертда кинога чипта, шаҳардаги энг зўр ресторанга таклифнома бор эди. Серёганинг бунчалик ғамхўрлигидан мамнун бўлиб жилмайиб кўйган Азамат ювениб кўчага чиқди. Такси тутиб аввал кинога борди. Лекин унинг ҳаётда кўрганлари олдида беҳад бемаъни туюлган жангари фильмнинг ярмини ҳам кўрмай ташқарига чиқиб ресторанга йўл олди. У такси тутиши билан кинозалдан югуриб чиқсан икки йигит шоша-пиша машиналарига ўтириб, унинг орқасидан тушишди. Азамат тун ярмида қайтиб юмшок ўринга чўзилди.

Шу тарзда икки кун ўтди. Бу орада Серёга ваъдасининг устидан чиқди. Малласоч бир хоним Азаматнинг хонасида бир кеча меҳмон бўлиб кетди. Лекин мана шу икки кун давомида уни кузатиб юрганларни сезмади. Кузатувчилар Азаматнинг бу икки кун ичидаги ҳаракатларидан энсалари қотиб турганида Серёга келди ва унга бир боғлам хужжатларни тутқазди. Улар ичida Москвага самолёт чиптаси, Азаматнинг номига расмийлаштирилган Серёганинг кўпгина квартиralаридан бирининг хужжатлари ҳамда калити, шаҳар рўйхатига қўйилган Азаматнинг янги паспорти бор эди.

Азамат паспортни очиб кўраётганида Серёга унга қараб гапирди:

– Ҳаммаси ҳақиқий, шунинг учун номингни ўзгартирмадим.
Квартира ҳам мендан сенга совға.

Азамат тахминини айтди:

– Бу ўша квартирами?

Серёга унинг нимани назарда туваётганини англаб жиддий жавоб берди:

– Сездинг-а? Ҳа, бу хотиним ўлдирилган квартира. Энди мен ҳам, яқинларим ҳам у ерда яшолмаймиз. Сен эса бундан баттарларини ҳам кўрганлигинг учун бунақа нарсаларга эътибор бермайсан деб умид қиласман.

Азамат кулди:

– Уйда нима гуноҳ? Мен Москвада квартирам бўлишини хатто орзу ҳам қилмаганман. Файласуф бу ишларингни эшишиб мамнун бўлади ҳали.

Серёга жилмайди:

– Файласуфнинг менга кўрсатган ёрдами олдида бу хамир учидан патир, холос. Бугун сен билан ажрашамиз. Борди-ю ёрдамим керак бўлиб қолса менга қўнғироқ қил.

Серёга унга ташриф қоғозини узатди.

Азамат унга қўлини чўзди.

– Ҳаммаси учун раҳмат.

– Эҳтиёт бўл.

Камерада яна аввалги шериги билан қолган Бубон Файласуфа юзланди.

– Нима деб ўйлайсан, Азиат айтганларимизни бажарарми кан!?

– Бажаради! Борди-ю номардлик қилса Серёганинг ўзи уни тинчитиб ташлайди.

– У осонликча жон берадиганлардан эмас энди. Қизимнинг олдига бўридан олдин етиб борса бўлгани.

– Бўри қизинг қаердалигини аниқ билмас экан, Азиатда имконият бўлади.

Бубон чукур хўрсинди.

– Мен ҳам шунга умид қиляпман. Қизим ҳеч қачон отаси

түғрисида билмаслиги, бу дунёда соғ-саломат юриши учун ҳамма нарсага тайёрман.

Файласуф кулди:

– Сен билан мен энди фақат Азиатта омад тилаймиз.

* * *

Аэропортдан чиққан Азамат таксиға ўтириб манзилни күрсатди. Улкан шаҳардаги керакли жойга етиб боргунларича бир соат юришди. Азамат манзил бўйича тўккиз қаватли уйнинг учинчи қаватига кўтарилди. Бақувват темир эшик Серёга берган калит билан бехато очилди. Уч хонали квартира энг замонавий русумда жиҳозланган эди. Хотинининг ўлимидан сўнг Серёга бу уйдаги ҳамма нарсани чиқариб ташлаб янгилаганди. Энди буларнинг ҳаммаси Азаматники. Шу жойнинг ўзи ҳам қанча бойликка teng. Азамат тунни квартирада ўтказди.

Кўп қаватли уйнинг пастидаги ўриндиқда сигарет чўғи йилтилларди...

Тонг отиши билан Азамат Юра кўрсатган манзил бўйича борди. Юра бойликларни ҳеч кимга ишонмай, битта металл дипломатга солган, кейин депозитар банклардан бирига жойлаган эди. Дипломатни олиш учун маҳсус паролнинг ўзи кифоя қиласади. Азамат дипломатни қийинчиликсиз олди ва ўзи билан олиб келган катта қора сумкага жойлади. Уйга қайтиб иккинчи пароль билан дипломатни очиб кўрди. Кўзига ширин жонидан ўзга нарса кўринмаган Юра бу сафар ҳам уни алдамаган эди. Дипломатга анчагина пул, маҳсус кутичада олмос кўзли тақинчоқлар жойланганди. Азамат пулни санади. Роппа-роса 500000 доллар экан. Олмосларнинг қиймати бундан ҳам кўплигини сезиш қийин эмас эди. Азамат дипломатни ёпиб, ётоқхона деворидаги сейфга жойлади. Уйни қулфлаб чиқиб, Бубоннинг қизи тарбияланаётган болалар уйи томон йўл олди.

У етиб келганида тарбиячилар болалар билан ташқаридағи майдончада эдилар. Азамат четдан туриб болалар гурухини кузатди. Бубоннинг қизи Юляни топиш қийин бўлмади. Қизалок ўриндиқда хаёл суриб ўтирас, суратдагига нисбатан анча катта бўлиб қолганди. Азамат ўн дакиқача атрофни айланиб кузатди. Бугунги режаси фақат қизнинг шу ердалигига ишонч ҳосил қилиш эди. Эртадан қизни олиб кетиш учун зарур хуж-

жатларни тайёрлашга киришади. Қизни қарамоғига оладиган, бу ердан олиб чиқиши мумкин бўлган оила топади. Ҳаммасини силлиқ, қонуний килиши зарур.

У кўчага чиқди. Ёнгинасига кулранг «Жип» келиб тўхтади. Катта шаҳарда кўпчиликнинг кира қилиб юриши оддий ҳол. Азамат машинанинг олд ўриндиғига ўтириб манзилни айтди. «Жип» ўрнидан қўзғалди. Ер ости йўлидан ўтаётганларида Азамат орқа ўриндиқдан бош кўтарган одамни кеч пайқади. Азамат бирор чорани ўйлагунича бўлмай энсасига тўппонча тиради ва буйруқ янгради:

– Қимирлама!

Азаматнинг кўз ўнгига кеча қўлга киритган бойликлари келди. Булар кузатиб юришгани аниқ. Ҳозир уйга олиб боришади. Дипломатни беришга мажбур қилишади.

Лекин «Жип» бутунлай бошқа йўналишда ҳаракатлана бошлади. Кўп ўтмай у шаҳарни ортда қолдириб, ўрмонзорлар ичига суқилиб кирган ҳашаматли дала-ҳовлилар томон йўл олди. Баланд деворлари ортидан Европа қасрлари шаклида курилган биноси кўриниб турган, олдида икки қўрикчи йигит ўтирадиган уйча бўлган дала-ҳовлига яқинлашганларида темир дарвоза четга сурилиб очилди. «Жип» тезлигини пасайтирмай ичкарига кириб кетди. Орадан ўн дақиқача вақт ўтиб дарвоза яна очилди ва деразаларига пардалар тутилган кичик микроавтобус ҳам ҳовлига кирди.

* * *

– Ҳа, Бўри деганлари мен бўламан, – деб гап бошлади зиёли бир одамни эслатадиган тепакал сипо киши. Уни кўринишидан ҳеч ким учига чиққан жиноятчи деб ўйламас, аксинча олтин гардишли кўзойнаклари ортидан боқиб турувчи меҳрли нигоҳларига қараб киши дардини ёргиси келарди. Лекин Азамат зонада ўтган қисқа умри давомида шунча йиллардаги тажрибасидан анча кўпроқ тажриба тўплади. Одам ажратишни билади. Бу кўзларда самимилик йўқ. Туб-тубидан қаҳр, шафқатсиз қасос истаги ёғилиб турибди.

Бўри гапини давом эттириди:

– Зонадан чиққанингдан буён кузатаман. Мени факат битта нарса қизиктиради. Бубоннинг қизи қаерда?!

Азамат елка қисди.

– Бубоннинг қизи бор эканми?

Бўри кўзойнагини ечиб ёнғоқдан ишланган баҳайбат стол устига қўйди.

– Бубоннинг одами осонликча жон бермаслигини биламан. Лекин мен ҳам сенинг қандай миссия билан чиққанингдан хабарим бор. Келганингдан буён мақсадга ўтмаганинг сабр косами тўлдирди. Бугун масалага ойдинлик киритгандек бўлдинг. Болалар уйига бекорга бормаганинг аниқ. Бубоннинг қизи ўша ердалиги кундек равшан. Энди қайси бола эканлигини кўрсатсанг бас, орамиз очик, тўрт томонинг қибла.

Азамат индамади.

Бўри ўрнидан туриб унинг ёнига келди. Азаматнинг икки ёнида ҳар нарсага шай турган икки тансоқчи ҳар эҳтимолга қарши унинг қўлларидан ушлаши.

– Сенинг ироданг кучлилигини биламан. «Қора дельфин» академиясини тугаттансан ахир. Лекин бугун кўрган томошанг шу пайтгача кўргану-эшитганларингдан ўтса ўтадики қолишмайди. Олиб киринглар!

Ён томондаги эшик очилиб, аввал тўппонча тутган келбатли йигит, орқасидан йиглаб-сиқтаб ўн ҷоғли болалар кириб келишди. Азамат таниди. Булар ўша бугун ҳовлида ўйнаб юрган қизалоқлар бўлиб, улар орасида Бубоннинг қизи Юля ҳам бор эди. Бўрининг одамлари атайлаб қизларни ажратиб олиб келган эди.

– Азиатмиди лақабинг? Гапларимни дикқат билан эшишт. Мен излаётган қиз кимлигини кўрсатмасанг, ҳаммасини бир ёкли қиласман. Эшитяпсанми, қизалоқлар то сен айтмагунингча кўз ўнгингда навбат билан нобуд бўлаверишади. Борди-ю ироданг охиригача ҳам бардош берса ҳаммадан кейин ўзинг ўласан, – таҳдидли овозда деди Бўри.

Унинг гапларини эшиштан болалар чинқириб йиглай бошлишди. Улар Бўрининг мақсадини тушунишмас, кимни излаётганини билишмас эди. Азамат секин жавоб берди:

– Болаларда гуноҳ йўқ!

Бўри столни қаттиқ муштлади:

– Менинг қизимнинг гуноҳи нима эди бўлмаса?! Бечора ёрдам сўраб дод соганида сендеқ адолатпеша қаерда эдинг?!

Азамат бу вазиятда чора тополмай боши қотди. Анови иккитасини тинчтар, лекин бу ердан чиқиб кетиш-чи?! Қизалоқлар тўққизта, ҳаммасини қутқаришнинг иложи йўқ. Лекин Юляни кўрсатиш тизгинни уларнинг қўлига тутқазишдек гап. Ҳозирча Бўри қизни танимас экан, уни халос этишга озгина бўлса-да умид бор. Бошқа қизни кўрсатиб юборишга Азаматнинг иродаси етмайди, вижданни йўл қўймайди.

Бўри қатъий буйрук берди.

– Бошланглар!

Йигитлардан бири чеккада хиқиллаб йиғлаб турган қизалоқни сочидан тортиб ўртага чиқарди.

– Шошма, Бўри. Агар шу ишни қилсанг сенинг Бубондан қандай фарқинг қолади ахир?! Бу болаларда гуноҳ йўқ. Ўчингни бир гўдақдан олиб нима ҳаловат топасан? Иложини топсанг ҳисоб-китобингни Бубоннинг ўзи билан қил.

Бўри қаҳр билан қўлида ўйнаб турган калитни деворга осилган кўзгуга қараб отди. Кўзгуда аввал кичик чизик пайдо бўлди ва бир лаҳзада ўша чизик кўзгуни қоқ иккига бўлиб юборди.

– У зонадан паноҳ топмаганида нима қилишни ўзим билардим. Энди уни кутишдан фойда йўқ. Қизи борлигини билганимдан бери уни излайман. Сен кузатувда эдинг, детдомга бориб индамай қайтганингда бардошим тугади. Қизларнинг ҳаммасини олиб келишни буюрдим. Менинг сабримни синама, Азиат, қўлимни қон қилмай, кўрсат қизчани! – деди у тишлирини фижирлатиб.

Азамат иложсиз қолганини англади. Аввал ерга қаради, кейин бошини кўтариб кўзлари билан қизлар томон ишора қилди.

– Анови...

Бўрининг ҳам, қўриқчи йигитларнинг ҳам нигоҳлари қизлар томон бурилди. Азамат уларнинг диккати бўлинган мана шу сониядан фойдаланди. У ёнида турган қўриқчи йигитнинг кўкрагига тирсаги билан қаттиқ туртди. Зарбадан буқчайиб қолган йигит ўзини ўнглагунича Азамат бир думалаб турар чофида қизларнинг ёнидаги йигитларни бирваракайига тепиб ийқитди. Йигитларнинг биридаги автомат шарақлаб ерга тушди. Азамат чаққонлик билан уни олиб Бўрига қаратди.

– Қимирламанглар! Битта ножӯя ҳаракат қилсаларинг боссларинг тил тортмай ўлади!

Кўриқчи йигитларнинг бири секин бошини кўтариб қўйнига кўл солди. Лекин улгурмади. Жағига тушган автомат қўндоғи-дан шилқ этиб қулади.

– Ҳамма қуролини ташласин!

Азамат Бўрининг орқасига ўтиб энсасига автомат тиради. Энди у бу хонани тўлиқ кузатиб тура оларди.

Бўри алам билан гапирди:

– Азиат! Барибир бу ердан тирик чиқолмайсан.

– Менга ўзинг ёрдам берасан. Йигитларингга айт, машина-ни ҳозирлашсин. Сен мен билан кетасан. Ақлли бўлишингга, қаҳрамонлик кўрсатмаслигингга умид қиласман.

Иложисиз қолган Бўри йигитлардан бирига имлади. Азамат қизларни олдин чиқариб, кейин Бўрини туртди. Эшик олдига келтирилган микроавтобусда икки йигит ўтиради. Азамат уларга тушишни буюрди. Бўрини рулга ўтқазиб, ўзи олдинга ўтирди. Қизалоқлар орқага ўтириб гужанак бўлиб олишди.

– Орқадан тушиб юрманглар, – деди Азамат Бўрининг йи-гитларига қарата. – Мен учун қизалоқларнинг ҳам, боссларинг-нинг ҳаёти ҳам бир пул. Тепкини босиб, ўзимни кутқаришига доим улгурман. Ҳаммаси жойида бўлса, Бўрининг ўзи сизлар билан боғланади.

Азамат автоматнинг уни билан Бўрини туртди. Машина ўрнидан қўзғалди. Дала-ҳовлилар ортда қолиб машина катта йўлга чиққанида Азамат қўл телефонини олиб, Серёгага қўнғи-роқ қилди. Кейин қўнғироқни телефон хотирасидан ўчириб ташлади. Сергейнинг ёрдамига суянаётганини Бўридан яширди. Бўрининг Серёга билан қасдлашишини хоҳламади. Катта ҳалқа йўлида Серёганинг йигитлари уни кутиб олишди. Азамат уларга болаларни топширди ва Юляни хавфсиз жойга олиб бо-ришни тайинлаб, ўзи қўллари боғланган Бўри ўтирган машина-ни ҳайдаб кетди. Бир километрча юрганларидан сўнг Азамат Бўрини машинадан тушириб юборди.

Бўрининг одамлари тиш-тирнокларигача қуролланиб етиб келганларида учала машина уч томонга кетишга улгурганди.

* * *

Азамат озодлик ҳавосидан симириб, Бўри билан қасдла-шиб юрган бир вактда зонада ҳам воқеалар шиддат билан ри-

вожланмоқда эди. Гарчи ҳали муддати келмаган бўлса-да майдонда одамлар йигила бошлади. Ҳамма янги саирга тайёрланарди. Маҳбуслар ҳалқа ҳосил қилиб бақир-чақирни бошлаганларида ҳатто зэклар кийими ҳам ўзига ярашиб турган, баданига ёпишиб турган майкаси остидаги чайир мушаклари ўйнаётган қисиқ қўзли йигит чиқиб келди. Уни ҳамма биларди. Озодликда спорт устаси бўлган Тарзан лақабли бу йигит бойлик илинжида беш кишидан иборат бир оиланинг бор-будини зўрлик билан қўлга киритиб, ўзларини ёқиб юборганлиги учун қамоққа тушган эди. У қўлларини мушт қилиб олдинга силкитиб, бўйини ўёқ-буёққа буриб жангга тайёрлана бошлади. Ҳамма Тарзанга ким қарши чиқишини қизиқиб кутиб турарди. Юқоридаги соқчининг имоси билан маҳбуслар Бубонни олдинга суриб чиқара бошладилар. Гарчи бўйин товлашнинг иложи бўлмаса-да, Бубон бу таклифга ҳайрон бўлди. Унинг саирга чиққанига кўп муддат бўлгани йўқ, қолаверса, саирга тайёргарлик кўриб юрган ўнлаб одамлар бор. Шунга қарамай нега Бубон ўртага чиқарилмоқда? Тўғри, бу таклифдан кўпчиликнинг боши осмонга етади. Чунки эхтирос, ғазаб, кучни ишга солишнинг имконияти фақат саирда бўлади. Калтак ейилса ҳам майли, лекин имконият бу. Борди-ю омад келиб ғолиб бўлсанг обрўйинг ошибб, ҳамманинг иззатида бўласан. Лекин бугунги чорловдан Бубон ҳам, унинг ёнида турган Файласуф ҳам таажжубда эдилар.

Файласуф овози титраб гапирди:

– Чиқма, ҳаммаси уюштирилган.

Бубон аламли кулди.

– Бунинг иложи бормикан?.. Бўрининг қўли бу ерга етиб келади деб ўйламовдим. Унинг яна менга қасд қилганидан бир жихатдан хурсандман. Демак, у қизимни топа олмаган, Азиат Юляни олиб кетишга улгурган. Бўри аламидан бугунги саирни уюштиряпти. Қайтмайман! Ўчини ололса олсин, кўнгли шу билан тинчиса бўлгани. Азиатга ҳам осон бўлади.

Юқоридаги деразанинг олдига ароқ билан сигарет келтириб қўйилди. Турма бошлиғининг ёнида бугун яна бир одам бор эди. Унинг юзи қўринмас, фақат сигарета туттган қўллариғина деразадан чиқиб турарди. Соқчи яна имлади. Бубонни майдон маркази томон сурга бошладилар. Кимdir сўз қотди:

– Чик, Бубон, Тарзанни сендан бошқа ҳеч ким тинчitolмайди. Мен сенга тикканман.

Бубон ортига, уни жангга ундаған одамга қарамади. Ўзига ўзи гапиргандек пичирлади:

– Бугун менинг тақдирим ҳал бўлади. Файласуф, агар менга бирор гап бўлса... Азиатга хабар етказ, қизимни унга топширедим.

Файласуф унинг елкасига қўлини ташлади. Бубон тишлари ни фижирлатди.

– Ҳали мен енгилганим йўқ-ку! Тарзанни енгсам қайси йўл билан бўлса ҳам Бўрининг жонини сугуриб оламан.

Бубон қийқириб майдон марказига отилди. Олқишлиар янгради. Бу шафқатсиз мусобақада Тарзанга қараганда Бубоннинг муҳлислари кўпроқ эди. Маҳбуслар ер тепиб бақира бошладилар. Тарзан совукқонлик билан Бубонга бошдан оёқ разм солиб чиқди. Бубон пиджагини ечди. Унинг чандиқлар тўлиб кетган бадани ғазабдан титраб турарди.

У қўлларини мушт қилиб туғиб осмонга кўтарди ва Тарзанга яқинлашди. Бақамти келдилар. Бўйлари тенг бўлса-да Тарзаннинг чўяндек гавдаси унинг Бубондан анча бакувватлигини на-моён қилиб турарди. Лекин Бубон бундан мутлақо чўчимасди. Тарзан ўрнида сакрай бошлади. Биринчи ҳужумни у бошлади. Айланиб келиб жағига тепилган зарбадан Бубон ерга қапишди. Тарзан ёзилмаган қонунга кўра унга тегмади, ўзини ўнглаб олишига имкон берди. Бубон оғзига йиғилган қонни туфлаб, секин қаддини ростлади. Бошидаги шапкасини ечиб юзини артди. Тепкининг кучи-ю услубидан билиш мумкинки, бугунги рақиб чакана эмас. Бунинг устига у Бубон билан шунчаки сайрга чиқмаган. Максад бутунлай йўқ қилиш. Бирор чора топилмаса бугун Бубон эҳтиётсизлик ёки касаллик туфайли вафот этгандар қаторига қўшилади. Йўқ, у ўлимдан қўрқмайди. Аксинча, ажални қизиқиб кутади. Унга ўлимнинг шакли, ким томонидан амалга оширилиши мұхим. Унинг ўлимидан кўзланган мақсад аҳамиятли...

Бубон яна қўлларини кўтарди. Қийқириклар қайта жонланди. Бубон бир мақсад билан интилди. Тарзаннинг бўйнига қўли тегса бас. Бармоқлари бўрининг тишларидаи қисиб олади, Тарзаннинг бутун ҳунари бу амал олдида беҳуда. Лекин

унинг режаси амалга ошмади. Қорнига урилган муштдан буқчайиб қолди. Ортига йиқилгунига қадар ҳам уч-тўртта муштдан баҳраманд бўлди. Тарзан яна уни ўзини ўнглаб олишига қўйиб берди. Бубон бир муддат кўзларини очмай ётди. Зарбалар шунчалик кучли эдики, ичи ағдарилиб кетгандек бўлди. Кўзларини очганида тепадаги панжара, унинг устида турган соқчилар эмас, кўм-кўк булатлар сузиб юрган мовий осмон кўринди. Бу жуда гўзал манзара эди. Осмон йўқолди. Унинг устида кўлларни силкитиб бақираётган маҳбуслар пайдо бўлди. Лекин уларнинг овозлари эшитилмади. Бубон юзини силади. Кўзини юмиб очди. Энди ҳамма шовқинлар эшитилиб, кўзига ҳакиқий манзара кўринди. Баланд бинонинг баланд деразасидан унга тикилиб турган истеҳзоли нигоҳни кўрди. Кўзлар алдамаганди. Қизини тополмаганлиги туфайли бўри бу ерга киришнинг иложини қилган, Бубондан қасдини олишнинг зона худудида қонуний тусга кирган йўлини топган эди. Бубон кўзларини очиб юмди. Манзара ўзгармади. Бўри кўлларини кўксига чалиштириб, унинг хор бўлиб ётишига ҳузур қилиб қараб турарди. Бубон тескари ўгирилиб ётди. Тарзан унинг атрофидаги айланаб юрарди. У Бубоннинг туришини кутар, ҳал қилувчи зарбани бериб уни тинчтишни ўйларди. Бубон кўз қири билан Файласуфга қаради. Файласуф югуриб келиб унинг устига эгилди.

– Турма, Лёня, у энди сени тинчти маса қўймайди.

Бубон бош чайқади:

– Барibir орани очиқ қилмасак бўлмайди. Гапларимни дикқат билан эшишт. Юқорига қарама, Кумнинг хонасида бўри ўтирибди. У менинг ўлишимни томоша қилиб хумордан чиқмоқчи. Мен ҳозир ҳамманинг эътиборини ўзимга қаратаман. Сенда беш дақиқача вақт бўлади. Нима қилишни ўзинг билсан. Алвидо, биродар, жаҳаннамда кўришгунча.

Файласуф ўзини четга тортиди. Тарзан атрофда айланаверди. Бубон секин ўрнидан турди. Кимдир унга елим идиша сув тутди. Сувни устидан қуйиб бошини силкитган Бубон яна жанговар ҳолатга кирди. Қийқириклар кучайди. Тарзан югуриб келиб рақибининг бошини мўлжаллаб тепди. Бубон юзини буриб чап берди. Тарзаннинг оёғи Бубоннинг бурни ёнгинасидан ўтиб кетди. Бубоннинг бу ҳаракатидан завқланган маҳбуслар ер тепиб уни олқишлий бошладилар. Тарзан ўзини ўнглаб яна

айланиб тепди. Бубон энгашиб унинг оёғини ушлади ва оёқла-ри орасига зарба берди. Тарзан буқчайиб қолди, лекин ийқил-мади. Бубон унинг оёғини қўйиб юбориб, қўксига қалла қўйди. Тарзан чаққонлик қилди. У Бубоннинг бошини қўлтиғига қисиб, тиззаси билан қорнига, тирсаги билан елкасига зарба бера бошлади.

Жанг кучайгандан кучайиб борар, бутун зона майдон атро-фига йиғилган эди. Ҳамма Тарзаннинг чаққонлигига-ю Бубоннинг чидамлилигига тасаннолар айтиб турганида Файласуф турманинг бўм-бўш йўлакларидан югуриб борарди. Кўп ўтмай у баланд бинонинг темир эшиги олдида пайдо бўлди. Эшикни овозсиз очиб кимсасиз зиналардан қўтарилаётганда майдон томонда қийқириклар кучайди. Демак, жанг бир томонга ҳал бўляпти. Тезроқ ҳаракат қилиш, улгuriш керак...

Бубон Тарзаннинг жағини мўлжаллаб урган мушти мўлжалга етиб борди. Тарзан силтаниб ортга тисарилди. Лекин бу зарба Тарзан учун чўт эмасди. У тезда ўзини ўнглаб олиб Бубон томон хезланиб кела бошлади. Бубоннинг мақсади энди бу жангдаги ғалаба эмасди. У энди факат вақтдан ютиш, Файласуф режасини амалга ошириши учун ҳаракат қилаётганди. Тарзаннинг яна бир-иккита зарбасига чап бераркан, қўз қири билан юқо-рини кузатишда давом этди. Ҳаммаси бир лаҳзада содир бўлди. Бўрини итариб юборган Файласуфнинг сув париси суратли татуировка туширилган қўллари бир он қўринди-ю йўқолди. Қамоқхона бошлиғи ҳам Бўрининг пастга учеб тушишини ҳай-рат билан кузатиб турарди. Бўрининг аввал олтин гардишли кўзойнаги, сўнг бақирганча ўзи панжара томон қулади. Кўзой-нак панжара темирига урилиб синиб пастга тушди, кимдир уни олиб яширишга ҳам улгурди. Бўрининг ўзи даҳшат билан қичқирганича панжарага урилди. Бубон айни шу лаҳзадан фой-даланди. Югуриб бориб ҳамма маҳбуслар қатори ҳеч нарсага тушунмай юқорига тикилиб турган Тарзаннинг елкасига оси-либ маймундек юқорига отилди. Панжарага жуда қаттиқ урил-ган бўлса-да айтарли лат емаган Бўри бошини қўтариб ўзини ўнглашга улгурмади. Бубоннинг чангакдек бармоқлари унинг бўйинни чангальлади. Бўри типирчилай бошлади. Бу вазиятда биринчи бўлиб ўзларига келган маҳбуслар бор овозда бақира бошладилар. Ўзини четга олган Тарзан Бубонни оёғидан тор-

тиб пастга туширмоқчи бўлди, лекин орқасидан тушган кучли зарбадан ағанади. Бубоннинг ҳамтоворклари уни судраб олиб чиқиб ташлашди. Вазиятни тушунган соқчилар югуриб келиб Бубоннинг қўлини бўшатмоқчи бўлганларида Бўрининг кўзлари косасидан чиқудай бўлиб оғзидан кўпиги келаётган эди. Соқчилар панжара орасидан милтиқнинг кўндоғи билан Бубоннинг бошига туширган зарбалари ҳам фойда бермади. Бубон гўё Бўрининг бўйини бўғгану ўлиқдек котиб қолган эди. Қамоқхона бошлиғи деразадан туриб алланима деб қичқирди. Соқчилардан бири милтиқнинг учини Бубоннинг бошига тўғрилаб тепкини босди. Бубоннинг қўллари бўшаб, ўзи шилқиллаб маҳбуслар орасига йиқилди. Лекин бу пайтда Бўрининг кирк жонидан бири ҳам омон қолмаганди...

* * *

Москва марказидаги уч қаватли ҳашаматли бино ёнгинасига бирин-кетин учта хориж машинаси келиб тўхтади. Улардан тушган норғул йигитлар дарров ўртадаги машинадан тушган, чарм плашч кийган мўйловли одамнинг атрофини ўраб олишди. Уларнинг қора костюмлари орасидан тўппончалари кўриниб кетарди. Бинога яқинлашганларида тепасига камера ўрнатилган эшик овозсиз очилди. Аввал икки йигит, кейин мўйловли эшиқдан кирдилар. Ҳашаматли йўлак тўридаги ёнгоқдан ишланган баҳайбат эшик ёнига етганларида соқчи йигит уларнинг йўлини тўсди. Келганларнинг важоҳати қанчалик ваҳимали бўлмасин эшик ёнидан турган қорақош йигит ўзини йўқотмай осиёликларга хос лаҳжада эркин гапирди:

– Тўхтанг. Ким керак сизларга?

Йигитлар мўйловлининг олдини бўшатиши. У соқчи йигитга яқинлашиб таҳдид билан гапирди:

– Боссинг керак.

Йигит таҳдидга парво қилмади.

– Кутиб туринг, ҳозир чиқаман.

Чарм плашчили минг ғазабланмасин кутишдан ўзга иложи йўқ, у бошқа одамнинг ҳудудида эди. Хайриятки соқчи йигит тезгина чиқиб уни таклиф қилди:

– Бир шерингиз билан киришингиз мумкин, босс сизни кутяптилар.

Мўйловли бир зум ўйланиб турди-да, ёнидагига ишора қилди. Қолган йигитлар йўлакда қолдилар. Мўйловли эшикдан кириши билан Шарқ султонлари саройларини эслатувчи каттакон зал бор бўйи билан намоён бўлди. Хона бўйлаб ўлчами олиниб, яхлит ёзилган патдор гиламга оёқ ботиб кетарди. Залнинг эшикдан киришдаги икки ёнида ўнтача бақувват йигитлар ҳар қандай буйруқса шай ҳолда туришарди. Йигитларни кўриб мўйловли ўзининг ёрдамчилари ичкарига кирганида ҳам ҳеч нарса қилишолмаслигини англади. Йигитлардан бири у билан шеригини зал бурчагидаги зина орқали юқорига бошлиди. Босснинг кабинети иккинчи қаватда эди.

Олтиндеқ соchlари ўзига жуда ярашиб турган оппоққина қиз уларни ичкарига таклиф қилди. Қора эшикдан ичкарига кирганиларида каттакон дераза орқали Москванинг гўзал манзарасига тикилиб турган одам ортига ўгирилди. Мўйловли унинг ёнига яқинлашди.

– Сени безовта қилганим сабабини биласан-а?

Ҳозиргина столи устидаги монитор орқали буларнинг ваҳима билан кириб келишини истеҳзо билан кузатиб турган бу жой эгаси босиқлик билан жавоб қайтарди:

– Аввало, ўзингни босиб ол. Мехмонимсан, ўтири, бир пиёла чойимни ич. Иш тўғрисида гаплашишга улгуромиз, – деб стол ёнидаги креслога ишора қилди.

Мўйловли ўтириб олиб гапини давом эттириди:

– Менга қара, Азиат, сен нега менинг ишимга аралашяпсан?! Мен мўлжалимдаги икки объектни вактида топширмасам, штраф санкцияларидан банкрот бўламан. Борди-ю иш шу даражага етса молинг-у жонинг билан жавоб беришингни биласанми?!

Азаматнинг ғазабдан ёноклари титради. Қахри қўзиса-да жиловни бўшатмай жавоб қайтарди.

– Мени қўрқитма, Жамол оға! Мен кўриб келган ҳаёт олдида сенинг шантажинг ҳатто кулгили туюлади.

– Кечагина осиёлик ўнта курувчи йигитлар иш ташлашди. Ҳаммасини жазоладим. Бугун икки юз етмиш ишчининг тили чиқиб қолибди. Менга гап қайтаришди-я! Суриштирсам сенга орқа қилишаётган экан. Ишим орқага кетяпти. Азиат, иккимиз ҳам мусулмонмиз, бир-биrimizning кўзимизга чўп суқмайлик, – тишларини фижирлатди Жамол оға.

Азамат столни муштлади:

– Икки оёғинг бир этинга тиқилганда қардошликтин эслаб қоласанлар. Тұрт-беш танга орттириш илинжида келган йигитларни хүрлаш қандай мусулмоннинг иши?! Ҳақини юлаверганинг камлик қилгандек чечен йигитларинг ҳеч кимга зарари тегмай тинчгина ишлаб юрган пардозчи йигитларни уришибиди. Уйига жұнатаман деб йифиб юрган пулларини олиб қўйишибиди. Қани айт-чи, Жамол оға, шотирларингнинг бу қиликларини қайси дин оклади?! Мен чечен йигитларини шу қўйга солсам, сен чираб тура оласанми?! Шунчаликка борсанг ҳам мен ҳали сенга қарши ҳаракат қилганим йўқ, факат ўша йигитлар ишлаши учун бошқа обьект топиб қўчиряпман, холос. Сен улар кетганларидан сўнг қадрига етасан.

Жамол оға ўрнидан туриб кетди:

– Азиат, ишимни орқага тортма, катта пул тикканман бу ишга. Қоидани бузган йигитларимни ўзим жазолайман.

Азамат ўйланиб қолди. Кейин яна босиқлик билан деди:

– Гапларимни дикқат билан эшит, Жамол оға. Аввало, ҳамма йигитларнинг маошини менинг фирмамга ўтказасан. Мен ўзим уларнинг манзиллари бўйича пулларини бола-чақаларига етказаман. Иккинчидан, ҳар иккала обьектингдаги ишчиларни менинг йигитларим назорат қилишади. Ишнинг боришига ҳам, айборларни жазолашга ҳам улар жавобгар бўлишади. Сени-килар аралашмайди. Учинчидан, осиёлик йигитларни ишлатмоқчи экансан, ҳар бир масалани мен билан маслаҳатлашасан. Шартларим менинидан ҳам кўра сенинг фойдангни кўзлаб айтимоқда. Борди-ю кўнмасанг, ўзинг истаган бригада билан келишиб ишлаб, биз томонликларга жавоб беравер. Мен шу ерда эканман уларнинг ҳеч бирини хор қилдириб қўймайман. Бир бурда нонимни бўлишиб ейман. Уларнинг ҳаммаси қўли гул йигитлар. Менинг фирмам айнан уларнинг ҳақ-хукукларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади. Ҳар бири энди менинг ҳимоямда, тушундингми Жамол оға?!

Азамат оташин бўлиб гапираётганида Жамол оға ўзича ҳисоб-китоб қилаётган, лекин ҳарчанд ўйланмасин осиёлик ишчилардек интизомли, сифатли ишловчи, нарх борасида инсофли номзодларни уларнинг ўрнига кўрмайтган эди. Азиат тўғри айтяпти, ўзи йигитлари ҳаддидан ошиб кетишди. Азиат

ҳаммасини бўйнига олса бунинг нимаси ёмон, барибир шу пулни тўлаяпти-ку. Қолаверса янги режаларни тузатганида унга душманлар эмас, мана шундай ортида минг-минг одамлар эргашадиган дўсту ҳамкорлар керак. У шуларни ўйлаб Азаматга юмшоқ жавоб қайтарди.

– Азиат, гапларинг менга маъқул. Иккимиз ҳам бу ерда қанчалик илдиз отмайлик барибир келгинди мақомидамиз, бир-биришимиз қўллашимиз кувонарли ҳол. Шартларингга келсак, бир-биришимизга шарт қўймайлик, мен бу фикрларингни таклиф деб қабул қиласай. Таклифларинг менга маъқул, ҳам бош оғриқдан кутуламан, ҳам ишим олдинлайди, демак, келишдик.

Жамол оға Азаматга қўл узатди. Лекин у кутганидек Азамат қўлини узатмади.

– Охирги гапим, – деди у, – йигитларингнинг бири, филай кўзлиси, бир ҳамюртимнинг онасини сўкибди. Шу бугуноқ ке-чирим сўрамаса, кечкурун ўзим етиб бораман.

Жамол оғанинг лаблари титради. Минг важоҳат билан келиб, попуги пасайиб кетаётгани унга бехад алам қилди. Лекин иложи йўқ, кучига ортиқча баҳо бериб юборган эди. У қўлини туширмай жавоб қайтарди:

– Маъқул.

Азамат энди унинг қўлини қисди.

– Қандай муаммо бўлмасин ўзимга мурожаат қил. Тендерда яна иккита обьект ютганинг эшилдим, уларда ҳам бизнинг йигитларимиз хизматидан фойдалан. Барибир бундай одамларни тополмайсан.

Жамол оға ҳайрон бўлди. Кечагина бу масалаларни ҳал қиласидиган каттаконнинг оғзини мойлаб рози қилиб чиқкан, яна иккита катта қурилиш қўлига ўтаётганини ҳали ҳеч кимга айтмаганди. Шуни ҳам билибдими, демак, бу Азиат деганлари ҳам анча-мунча одам эмас экан. Қурилишда ўйновчи миллиардлардан фақатгина ўзини воқиф хисоблаб, чучварани хом санагани маълум бўлди-колди. Жамол оға жилмайиб жавоб қайтарди:

– Албатта. Энди фақат ҳамкорликда ишлаймиз.

Жамол оға чиқиб кетаётиб эшикка яқинлашаётганида ортидан Азаматнинг овози эшитилди.

– Филайни мен шу ерда кутаман. Яна бугунгига ўхшаб ўнта йигитни етаклаб келиб масхарабозлик қилиб ўтирма.

Жамол оға бир муддат қотиб қолди. У Филай масаласини курилишнинг ўзида ҳал қилмоқчи, ишчиларнинг олдида йигитига номига бир-икки танбех бермоқчи эди. Демак, унинг айтгани бўлмайди, Филай келиб бошини эгмаса бунинг кўнгли тинчимайди. Жамол оға ортига ярим ўгирилиб бошини иргади ва чиқиб кетди.

* * *

Қанчалик мағрур бўлмасин Филай кечқурун келиб Азаматнинг олдида Турсунбой исмли йигитдан кечирим сўраб кетди. Азаматнинг қудратидан лол бўлиб турган Турсунбой кетишига изн сўради. Азамат уни кузатиб қўяркан елкасига қоқиб қўйди.

– Энди bemalol ишлайверинглар. Бугундан Баҳодир аканг сенлар билан бўлади. Бирор муаммо туғилса, дарҳол менга хабар беринглар. Ишчиларнинг манзилларини эртага менга етказинглар. Кўнгилларинг тўқ бўлиши учун мен эртагаёқ олдиндан маошларингга яраша пулни ҳаммангнинг уйларингга жўнатиб қўяман. Чечен ой охирида ҳақларингни берганида суришиб кетармиз.

Турсунбой қадоқ қўлини кўксига қўйиб одоб билан хайрлашиб чиқиб кетди. Азамат Баҳодирнинг «Жип»и курилиш томон йўл олиб кўринмай кетгунича қараб турди-да стол устидаги тутмани босди. Карнайдан майин овоз эшитилди:

- Лаббай.
- Юля, чой олиб кир.

Юля патнисда пахта гули чойнакка дамланган чойни стол утига қўйиб кетганида Азамат Бубонни эслаётганди. Бўрини тинчитган Бубоннинг ўзи ҳам ўлиб кетди. Файласуфнинг ҳам юрак хуружидан ўлганлиги тўғрисидаги хабарни Азамат ке-йинроқ эшитди. Юля бу сирлардан бехабар қолаверди. Мана беш йилдирки Азаматни меҳрибон амаки сифатида қўриб келаётган қизалоқ вояга етиб соҳибжамол қизга айланди. Азамат Бубонга берган ваъдасига қўра унга алоҳида квартира совға қилмоқчи, нуфузли институтларда ўқитмоқчи, умуман, ҳаётда ўз ўрни, тенгини топиш учун ҳамма чораларни кўрмокчи эди.

Йиллар ўтаверди. Юрадан қолган бойлик, Серёганинг ёрдами билан Азаматнинг қўли ҳар жойга етадиган бўлди. Бу ерларга келаётган минг-минглаб ҳамюртларини тўғри йўлга солиш

уларга ҳам, Азаматга ҳам катта фойда келтирди. Энди юртдошлари Азамат туфайли эркин нафас олишар, бемалол ишлашарди. Лекин шунча имконияти ошса-да бир нарсага журъати етмади. Юртига боришга орияти йўл қўймади, шунча йиллар усиз яшаган оиласи билан боғланишга юраги дов бермади...

Азамат стол остидаги тугмани босиб Юляга қабулхонада кутиб турган ёрдамчисини чақиришни буюрди. Эшикдан кириб келган Фарҳод исмли водийлик йигит қўлини қўксига қўйиб салом берди. Азамат у билан қучоклашиб қўришди ва ўтиришга таклиф қилди. Кейин секингина «қани гапир-чи» деди:

– Бориб келдим, хўжайин. Ватан тинч, ҳамма соғ-саломат...

Азамат савол назари билан қарашда давом этди.

– Сиз ишлаётиб «ҳалок бўлган» ташкилот – металлургия комбинати ойма-оїй жўнатиб турган нафақани олишаётган экан. Лекин... лекин онахон жуда чўкиб қолибдилар...

Азаматнинг қарашлари жиддийлашди. Фарҳод нигоҳнинг маъносини тушунса-да, мужмалланди.

– Маҳалла-қўй хабар олиб туришибди. Биз ҳам сиз билан ишлаган ҳамкасларингиз сифатида олдиларига кирдик. Йиғладилар, дуо қилдилар...

– Ўғлим-чи, ўғлимни ҳам қўрдингми?!

Фарҳод айни шу саволдан қочаётган, лекин барибир тўқнашишини биларди.

– Ўғлингизни изладик, лекин...

Азаматнинг кўзлари чақнади.

– Чайналма! Азизбек қаерга кетибди?!

– Тополмадик, хўжайин. Роса қидирдик. Кечикканимиз сабаби ҳам шу. Ўлимингизга ишонмаган йигитча уйдан чиқиб кетибди. Айтишларича сизни қидириб кетганмиш... Набирасининг дардида куйган онахоннинг тоби йўқ. Энди бормасангиз бўлмайди, хўжайин. Онангизга ёрдам эмас, дийдор керак Азамат ака!

Азамат «ух» деб кўзларини бармоқлари билан юмди. Фарҳод олиб келганларини стол устига ташлаб чиқиб кетди.

Азаматни хаёл етаклаб кетди. Унинг кўз олдига зона ҳовлисининг марказидан ўрин олган дельфин ҳайкали келди. Қиролича Екатерина даврида энг оғир жазоларга маҳкум қилинган маҳбуслар учун каторга вазифасини ўтаган бу зонанинг бир

маҳбуси ўзидан эсдалик сифатида ишлаган бу ҳайкал мазкур масканнинг рамзига айланганди. Қўзларидағи мунг яққол акс этган дельфин гўё ўзига шу жойларнираво кўрган тақдирни лаънатлаётгандек кўринарди. «Қора дельфин» ҳар қандай инсоннинг иродасини буқадиган, ким бўлса ҳам измига бўйсундирадиган маскан эди. Бу ерга ваҳима билан келган, важоҳати билан дунёни зириллатадиганларни ҳайвонот шоҳи – шерга ўхшатишади. Ўкириши, ҳар мўйидан ёғилиб турган қудрати, ҳар қандай жониворни михлаб қўядиган, нигоҳлари ёрдамида наботот оламини зир титратадиган арслон минг бир тадбир билан қўлга туширилиб, қафасга тиқилганида оламни бузиб юборгудек бўлади. У гўё тутқунилқда вақтинчадек, ҳаммасини яксон қилиб, озодликка чиқиб кетадигандек туюлади. Лекин буларнинг бари алдамчи. Арслон минг уринмасин темир панжараларга тиши ўтмайди. Ўкириги ҳар қанча даҳшатли бўлмасин у бир овоздан ўзга нарса эмаслиги маълум. Панжаларга йиғилган қудрат деворларга урила-урила йўқолади. Очлик фурурни емиради. Жонни саклаш учун ҳам ўзинг тутганни эмас, олдингга ташланганини ейсан. Кейин ўкириқдан нимадир йўқолади, нигоҳлардаги қатъият сўнади. Сўнг ё циркчининг ноғорасига ўйналади, ёки китоблардаги арслоннинг тиригини, тўғрироғи, унинг шакл-шамойилини кўришга келган болаларнинг қўлига мўлтираб қараб ўтирилади. Энг важоҳатли маҳбус ҳам шундай, сил дарди аста-секин вужудни, йиллар эса ирода-ни емириб ташлайди.

Азамат ўша ерда ўтказган йилларининг даҳшати ўғли ва онасиға бўлган хавотир олдида хеч нарса эмаслигини англади. У ҳамиша умид билан яшарди. Ўзини ўғлининг, онасининг даврасида тасаввур қиласарди. Лекин бу дакиқаларни доим ортга суриб келди. Дастлаб шармандалиқдан қочди. Кейин борадиган авзойи қолмади, борса ҳам жигарларига исноддан ўзга нарса келтирмаслигини тушунди. Кейинчалик шунча вақтлар қаёқда эдинг, деган саволга жавоб излаб топишига кўзи етмади. Ўзини сал тутиб олганида ўлганлиги тўғрисидаги уйдирма ўйлаб топилди. Азамат шу йўл билан ҳам таскин, ҳам ёрдам беришни ўйлади. Накадар ахмоқгарчилик...

Азамат қўзларини очди. Фарҳод Ватандан олиб келган дискларга миллий қўшиқлар жамланган эди. Ўзини бироз чалғитиш

учун улардан бирини олиб мусиқа марказига қўйди. Лекин бугун унга қалб таскинлиги насиб қилмаган экан. Ҳофизнинг ширали овозига жойланган сўзлар унинг юрагига наштардек санчилаверди.

**Бозорлардан савдо қилдим боламга деб,
Ширишлигу новвот олдим боламга деб,
Гўзал гуллар, сарпо олдим ёримга деб,
Мен бағритош нима олдим онамга деб?
Фарзанд бўлиб нима олдим онамга деб.
Хокисорим, меҳрибоним онамга деб,
Ёлғизгина ғамгусорим онамга деб?**

**Ҳашаматли уйлар курдим болам учун,
Дабдабали тўйлар қилдим болам учун,
Оёқ ости қўйлар сўйдим кимлар учун,
Фарзанд бўлиб нима қилдим онам учун?
Хокисорим, ғамгусорим онам учун,
Ёлғизгина дуогўйим онам учун?**

**Ўзи емай едирган ҳам онам эди,
Ўзи киймай кийдирган ҳам онам эди,
Йўлларимга кўз тиккан ҳам онам эди,
Қўлин очиб дуо қилган онам эди,
Бу дунёда чин дўстим ҳам онам эди.**

**Мен нотавон нима қилдим онамга деб,
Фарзанд бўлиб нима қилдим онамга деб?**

Д-о-о-о-о-д!!!

Оддийгина сўзларда олам-олам маъно яширган қўшиқ Азаматнинг кўнглини буткул вайрон қилди. Борлигини саволлар кемира бошлади. «Бу ҳофизни-ку қийнаётган дард аниқ. Виждон азобида ўртаниб, онасини деб куймоқда. Боласига деб нимадир қилибди. Ёрининг кўнглини овлабди. Мен нима қилдим? Бургага аччик қилиб кўрпани, тўғрироғи, оиласми, жигарларимни куйдирмадимми? Хотинимнинг хиёнатида онам билан боламнинг айби нима эди? Онасига қилмай боласига

қилганидан куяётган ҳофиз олдида мен ёниб кетишим керакмасми? Мен кимга нима қилдим? Мен ким учун яшаяпман? Ўзимни ўлдига чиқариб кимдан қутулмоқчиман? Қайтиш керак! Эртага кеч бўлади! Кеч бўлади!!!»

* * *

Кеч бўлиб бўлганди. Фарҳод ўзи билан бирга икки йигитини олиб, Тошкентдан буёғига ҳамкорларининг алламбалолар деб аталадиган олтита баҳайбат машиналарида ваҳима қилиб кириб келишганида жанозанинг устидан чиқишиди. Маҳалла ахли ёлғизликда умрини якунлаган Азаматнинг онасини сўнгги йўлга кузатаётганди. Азамат дод солди. Орқасидан норғул йигитларни эргаштириб келган бу одамни бирор таниб, бирор танимади. Лекин жаноза бир дақиқага ҳам тўхтамади. Минг йиллик урфу одат бузилмади. Азамат онасининг юзини очиб кўролмади. Имомнинг қатъий қилиб йўқ дейишини ўзларича тушунган, ўзларича нималарнидир мўлжаллаб турган йигитларини Азамат тўхтатди. У тобутнинг ортидан ўкраб бораверди. Унга онасининг қабрига тупроқ ташлаш насиб этди, холос.

* * *

Болалиги ўтган уйида қолган Азамат чексиз, давосиз қайғуга ботди. Азизбек уни излаб, ишлашга кетганларга қўшилган экан. Таскин излаган Азамат онасининг маъракаларидағи дабдабага зўр берди. Лекин минглаб кишига мўлжалланган тўкин дастурхонга бу каби исрофга ўрганмаган маҳалла ахлигина кирди. Тўкин дастурхон уларга аксинча таъсир қилди. Айримларгина ноз-неъматлардан тотинишиди, холос. Азамат ҳали тупроғи оқаришга улгурмаган онасининг қабрига қора мармар ўрнатмоқчи бўлди. Ўша жиддий имом яна атайлаб келди. Азаматга қисқагина насиҳат қилди. Лекин шу озгина муддат ҳам Азаматга бу ишлар кетганни қайтармаслиги, энди келажакни қўлдан чиқармаслик кераклигини англашга кифоя қилди. Шу куниёқ муҳтожларнинг уйи обод бўлди. Маҳалланинг ками битди. Одамлар уни тушунишиди. Азаматнинг кўнгли ёришиди. У оқсоқол билан бирга Россияга ишлашга кетганларнинг рўйхатини тузиб чиқди. Бундай ҳамқишлоқлари анчагина экан. Айримларидан икки-уч йилдан бери хабар йўқ. Қайтиши,

ҳамқишлоқларининг бошини қовуштиришни ўйлаб юрганида Москвадаги офисидан ташвишли хабарлар кела бошлади. Азamat кетганидан кейин қурилишда яна түполон кўтарилибди. Ўзбек йигитлари билан кавказликлар ўртасида олишув бўлибди. Ёрдамчисининг мужмал ахбороти унинг асабини қўзитди. Азamat ҳамюртларига ёрдам бериш, энг муҳими, ўғлини топиш учун Россияга қайтди. Унинг ўрни кўпроқ ўша ёқдалигини англаган оқсоқол билан имом ортидан дуо қилиб қолишиди.

* * *

Йирик қурилиш обьектида пардозлаш ишлари якунланаётган эди. Азamatнинг вакили, Баҳодир исмли хоразмлик йигит ҳамюртларига бош бўлаётган, ишнинг бир маромда, режадагидек кетишини таъминлаётганди. Баҳодир Азamat кетганидан бехабар эди. Одатдагидек ҳафталиқ ҳисботлар билан чечен Жамол оғадан тушиши керак бўлган маблағ бўйича маълумотларни тақдим этиш учун офисга кирганида Азamatнинг кошонасида Юлянинг ўзи ўтиради. Қурилишда ишлаётган, бу ерларнинг об-ҳавосига кўниколмай айрим сурункали касалликлари қўзғалган ишчиларнинг рўйхатини тузиб, уларни даволаш бўйича шифо марказлари билан телефон орқали келишаётган қиз Баҳодир билан жилмайиб сўрашди.

Баҳодир Азamatнинг эшигига ишора қилди. Қиз бош чайқади. Кейин телефонни кўйиб Азamat кетганинги билдириди. Баҳодирнинг чўнтақ телефони жиринглади. Тугмани босиб, телефонни кулоғига тутган йигитнинг ранги оқариб кетди. Хабарни эшитиб беихтиёр ўз шевасида ғудранди:

– Ҳа ипласлар-а, барибир бошлашибди-да...

Ўзбекчани тўлиқ тушунадиган Юля унга савол назари билан қаради. Баҳодир қўлидаги қоғозларни Юлянинг столи устига ташлади ва ортига шошилди. Эшик олдига етганида ортига ўғирилди ва қизга гапирди:

– Йигитларнинг ҳаммасини супермаркет обьектига жўнат, орқамдан етиб боришин. Кавказлик биродарлар яна келиб жанжал бошлашибди. Акага ўзим хабар бераман.

• Баҳодир ҳайдовчини ҳам кутмай ўзи «Жип»га ўтирди ва машинани учирив кетди. Лекин қурилишга етиб бора олмади. Икки ёнидан қисиб келган патруль машинасидан сакраб туш-

ган «ОМОН»чилар уни машинадан тушириб ерга ётқизиши ва энсасига тўппонча тирашди...

Жамол оға Марказий осиёлик юздан ортиқ йигитни тўплаб олиб, ваъз айтарди.

– Ишонган одамларинг Азамат уч ойлик ҳақларингни мендан олдиндан олиб, сенларни менга топшириб кетган. Эртага ёк ҳаммаларинг янги объектга ўтасизлар. Бу ишни бошқалар якунлашади. Ҳозир ҳаммаларинг ҳужжатларингни йифишириб йигитларга топширасизлар. Ким бош тортса мендан хафа бўлмасин.

Турсунбой олдинга чиқди.

– Бу ишни ўзимиз якунлаймиз. Азамат ака билан Баҳодир аканинг рухсатисиз ҳеч қаёққа кетмаймиз, ҳеч қандай ҳужжат бермаймиз ҳам.

Анчадан бери алами ичида бўлган ғилай югуриб келиб бейсбол таёғи билан Турсунбойнинг оёғига урди. Бир пасда ола-тасир бўлиб кетди. Таёқ занжирлар билан қуролланган кавказлик йигитлар осиёликларни аямай уришар, ўз типларида тинимсиз сўкинишарди. Осиёликлар кўпчилик эдилар. Улар ҳам тап тортмай олишишди. Яқинда бу сафга келиб қўшилган, энг ёшлиги боис Кичкина лақабини олган йигитча ғилайнинг қўлига ёпишди. Ғилай уни силтаб ташлади. Биқини билан арматура чиқиб турган деворга урилган Кичкина ғужанак бўлиб қолди. Жазавага тушган ғилай бориб уни тепкилай кетди. Тез орада ўзбек йигитларидан уттаси келиб уни ажратиб олишиди. Ғилайнинг кечиримини қабул қилган, лекин қалбидаги алам хали сўнмаган, қолаверса, буларнинг бугунги қилиғидан ғазабга минган Турсунбой оёғидаги оғриққа қарамай ўрнида турди ва ғилайга яқинлашди. Иккисининг алоҳида ҳисоб-китоби борлиги учун ҳеч ким уларнинг орасига тушмади. Ғилай ўзи ўрганган усуулларни қўллаб Турсунбойга бир-икки мушт туширди. Лекин умри меҳнатда ўтган, тўйу томошаларда муштлашиб ўрган чапани ўзбекка бу зарбалар кор қилмади. Турсунбой йўғон кафтига туфлаб, муштини дехкончасига тугди-да, ғилайнинг жағига боплаб туширди. Ғилай чалпак бўлиб йиқилди. Турсунбой унинг устига югуриб борди, лекин ётганни уришга орияти

йўл қўймади. Кўзлари ола-кула бўлиб ўрнидан турган филай яна битта мушт еб, яқин орада қайтиб ўрнидан турмайдиган бўлиб чўзилиб қолди. Ўзларича келгинди деб ҳисобладиганлардан бу даражада қаршилик кутмаган кавказлик йигитлар ортга ти-сарила бошладилар.

Олишув бундан-да фожиали якунланиши мумкин эди. Аввал қайсиdir кавказлик йигит машинадан олиб келган автомат тариллади. Кейин Жамол оға чўнтағидан чиқариб аввал ҳавога, кейин деворга ўқ узган тўппонча ўз ишини қилди. Эндинга енг шимариб муштлашишга киришганлар пишиқ фиштни кўчириб ташлаган ўқ овозидан икки томонга ажралдилар. Жамол оға тўппончасини осиёлик йигитларга ўқталди.

– Қимиrlаганинг итдай ўлим топасан! Сенлар қачондан бери одам бўлиб қолдиларинг?! Ҳамманг бу томонга ўтинглар. Алу, буларнинг ҳаммасининг ҳужжатини олиб чиқ. Автобусни келтиргинглар, келгиндилар энди мендан кўришади...

* * *

Баҳодир орган ходимларининг қўлидан қутулиб чиққанида тун ярмидан оққан эди. Уни камерага тикишди-ю гўё унутиб қўйиши. Баҳодир Россия фуқаролигини олганди. Ҳужжатларини роса текшириши. Вазиятдан Юля орқали хабар топган Баҳодирнинг адвокати Азаматнинг фирмаси юристи билан кириб келишганида анча кеч бўлганди. Қўйиб юборишлари билан Баҳодир курилишга қараб чопди. Одатда кечки сменада ҳам иш кетадиган, чироқлар ёруғида курувчи йигитлар ғимирлаб юрадиган, кечаси ҳам иш қайнайдиган объект бугун зулмат ичida қолганди. Баҳодир дарвозага машинани тираб устма-уст сигнал берди. Дарвоза очилиши билан «Жип» шувиллаб ичкарига кириб кетди. Йигитларнинг хоналари ағдар-тўнтар бўлиб ётар, уларнинг бирортаси кўринмасди. Баҳодир машинани ортга буриб дарвоза ёнидаги коровулхонага келди. Рус чол унга бор гапни айтиб берди. Жамолнинг одамлари Кичкинани ярадорлиги учун ташлаб кетишганди. Баҳодир йигитчани машинага ётқизиб офисга қараб юрди. Уни зудлик билан шифохонага етказиш, кейин йигитларни топиш керак. Улар Баҳодирдан олдинроқ келиб ишчиларни излаб кетишган бўлса ажаб эмас... Азамат ака дунёга ўт қўяди ҳали.

Баҳодир Юляга телефон орқали вазиятни тушунтириди. Офисга етиб келганларида майдончада тез ёрдам машинаси шай тураг, Юля унинг олдида шифокор билан гаплашаётганди. Санитар ва шифокор қон симиллаб оқаётган биқинини чанглаб инқиллаётган йигитни замонавий ускуналар билан жиҳозланган тез ёрдам машинасига олишди. Шифокор йигитнинг юзига ниқоб тақиб, томирларига найчалар улаётганида эшиклар ёпилди ва машина ўрнидан қўзғалди. Унинг ортидан Юля ҳам ўзининг бежирим кабриолетига ўтириб ғизиллаб кетди. Ҳеч бир хужжати йўқ, ўзининг кимлиги ҳам ноъмалум ўзбек йигитини шифохонага жойлаштириб, ҳаётини саклаб қолиш ҳам бир муаммо, Юля шу муаммони ечишда ўзини масъул сезарди. У Азаматнинг жиддий нигоҳларини ҳис қилиб машинага газ берди...

* * *

Азаматнинг йигитлари Баҳодирнинг қўл телефонига қўнғироқ қила-қила уни тополмай супермаркетга етиб келишди. Лекин улар ҳам улгурмадилар. Дарвоза ёнидан қўзғалган икки автобусни учта енгил машина кузатиб кетаётганди. Йигитлар билдирмай уларнинг орқасидан тушишди. Азаматсиз, ҳеч бўлмаганда Баҳодирсиз уларга яқинлашишнинг иложи йўқ, кучлар тенг эмас, қолаверса, ҳозир автобусдаги йигитларни хавф остида қолдириб бўлмасди. Азамат билан боғланишга уриниш наф бермади, Баҳодир ҳам алоқага чиқмади. Автобуслар шаҳардан ташқарига, ҳашаматли дала-ҳовлилар жойлашган худудга қараб кета бошлади. Йигитлар билдирмай таъқиб қилишда давом этдилар. Жамол оға режасини пишишиб қўйган, осиёлик йигитларни ўрмон ичидан алоҳида майдон ажратиб курилаётган завод курилишида ишлатмоқчи эди. Ер остида ҳам бир нечта қават бўладиган бу обьектда анча-мунча ишчилар ишлай олишмасди. Ишлай оладиган хорижий фирмаларнинг нархлари жуда баланд. Азаматнинг шошилинч учиб кетгани тўғрисида эшиганида Жамол оға режасини амалга оширишга вақт етилганини англади. Тез орада рақибининг онаси ўлганлиги ҳақидаги хабар ҳам етиб келди. Жамол оға Азамат ҳали-бери қайтмаслигини тушунди. Қайтган тақдирда ҳам вазиятдан чиқиш йўлини ўйлаб қўйган. Ҳаммасини ўйлаб қўйган...

Юля бу қорақош йигитчанинг палатаси олдида анча вақт ўтириди. Фирмалари билан шартнома асосида ишлайдиган шифохона ҳакимлари тиним билмадилар. Тонгга яқин соқолли кекса шифокор юзидаги ниқобини ечиб Юляга яқинлашди.

— Ҳаммаси жойида. Йигитча ҳали күп яшайди. Йўқотилган қон ўрнини тиклаш, жароҳатни операция қилиш оғирроқ кечди. Олдига киришингиз мумкин.

Юля енгил тортиди. Азаматни отаси ўрнида кўради. Унинг гапи қиз учун қонун. Шу боис ҳар бир ўзбек йигитининг ҳаёти учун ўзини масъул сезади. У Азамат амакисининг фирмасида ишлай бошлаганидан бери минглаб осиёликлар билан танишди. Ўзбекчани яхши ўрганиб олди. Андишли, оғир-босик, меҳнатдан қочмайдиган ориялти ўзбек халқи билан жуда яқин бўлиб кетди. Ҳали ёшгина бўлса-да ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган қиз инсоннинг қадрига етади, оқ-корани ажратади...

Юля палатага кириб беморга разм солди. Рангпар йигитча ҳали ўзига келмаган эди. Қуюқ қошлари билинар-билинмас учяпти. Сабза урган мўйловидан кўриниб турибдики, Юля билан тенгқур, балки бир-икки ёш каттадир. Ўзини тутиб олиш, яқинларига кўмак бериш учун бу юртларга келган. Ҳали ҳеч нарсани кўришга улгурмай бу кўйга тушди. Ота-онаси билса қай аҳволга тушишаркин?!

Юля хәёлларга бурканиб палатадан чиқди. Шифокорлар зарур муолажаларни қилишади. У керакли нарсаларни олиб келиш учун машинасига ўтириди ваофисга йўл олди.

Баҳодир телефонини ёкиб йигитлар билан боғланганида, кейин учрашганларида вақт ўтган, автобуслардаги қурувчи йигитлар Жамол оғанинг худудига олиб кирилиб, дарвозалар тақа-тақ беркитилиб бўлинганди. Бироннинг худудига киришни қонун ҳам ман этади. Одамлар зўрлик билан олиб кириб кетилганини орган ходимларига етказиш, уларни бунга ишонтириш керак. Шундагина бу худудга киришга рухсат олиш мумкин. Унгача Жамол оға йигитларни кичик гурухларга бўлиб турли нұқталарга тарқатиб юборса ажаб эмас. Қолаверса ОМОН-

чиларнинг бугун Баҳодирни ушлаб текширганини тасодифга йўйиб бўлмайди. Шунинг йўлини қилибдими, демак, Жамол оғанинг ҳам алоқалари чакки эмас. У кимгадир ишонаётгани аниқ. Бир сўз билан айтганда, Азамат бас келмаса, бошқа бирорвнинг эплаши қийин бу вазиятда...

Баҳодир йигитларга қайтиш ҳақида буйруқ берди. Тонг ёришганида офисга кириб келдилар ва яна Азамат билан боғланишга уриндилар. Нихоят Азаматнинг ёнидаги йигитлардан бири билан боғланиб вазиятни тушунтиришди. Онасининг навбатдаги маъракасини ўтказаётган Азамат навбатдаги рейс билан йўлга чиқадиган бўлди.

Аэропортда кутиб турган «Бентли»га ўтирган Азамат уйига ҳам кирмай тўғри офисга йўл олди. Йўл-йўлакай Баҳодир унга вазиятни ётиғи билан тушунтириб кетди. Азаматнинг ёноклари титраганидан чексиз ғазабга минганилигини англаш қийин эмасди. Лекин у ғазабини ичига ютиб, жимгина эшитиб кетди. Ҳозир бунда ким айборлигини аниқлашнинг мавриди эмас. Энг муҳими, йигитларни кутқариш керак! Бирорвнинг қўлида ишлашдан эмас, бирорга музтар бўлиш, ҳимоясизлик ҳиссидан кутқариш керак. Офисда ҳамма йиғилган, унинг келишини кутиб турарди. Азамат Осиё йўлбарси териси осилган, устида араб биродарлари совға қилган ханжар илиб қўйилган девор остидаги креслосига ўтири. Ёрдамчилар навбат билан ҳисоб бера бошладилар. Жами бир юз ўн икки нафар йигитни олиб кетишган. Уларнинг ҳужжатлари ҳам олиб қўйилган. Жамол оға иш якунида ҳак бериш ўрнига энг охирги ишларни бошқа гурухга топширган ва гўё обьектни энди ўшалар якунламоқда. Ўрмон ичидаги завод курилишида ишлаётган йигитларнинг олдига хеч ким киритилмаяпти. Ҳаммаси пухта ўйланган режа асосида амалга оширилган.

Азамат хаёлида режа тузаётган вақтда Юля тўполонда жароҳат олиб, операция ўтказган йигит ҳақида гапираётганди.

– Ўн саккиз ёшда. Шунинг учун ҳамюрлари Кичкина деб лақаб қўйиб олишибди. Исли Азизбек. Ота-онаси йўқ экан...

Азамат оғир зарба егандек титраб кетди.

Нима деди?! Азизбек дедими, ота-онаси йўқ, ўн саккиз ёшда?! Азаматнинг кўз олди коронғилашди. Боши айланиб, дунё остин-устун бўлиб кетгандек бўлди. Қўллари қалтираб,

стол устидаги графиндан сув олиб ичди. Юля гапиришда давом этарди:

- Ҳозир ҳаммаси жойида, бугун-эрта жавоб беришади.
- Фамилияси...

Юля Азаматга савол назари билан қаради. Азамат бошини күттармай сүради:

- Фамилияси нима экан?

Юля йигитчанинг фамилиясини эслаб қолмаганди. У ҳужжатларни титкилаб топгунича ҳамма боссдаги ўзгаришни пайқади. Лекин фақат Фарҳод билан Баҳодиргина бу ҳолат сабабини сезишид ва Юлянинг оғизига тикилишди.

Юля қоғозга қаради ва ҳаяжондан кўзлари чақчайиб жавоб берди:

- Аҳмедов...

Азамат ўрнидан сакраб туриб кетди.

* * *

Офисдан шифохонгача бўлган масофа беҳад узок туюлди. Азамат бу йўлда ўғли билан учрашишнинг минг хил усулини ўйлаб чиқди. Боради, ўғли отасини таниб югуриб келиб уни кучоқлаб олади... Ўғли отасини танимайди, Азаматнинг ўзи уни бориб бағрига босади... Кейин ҳамма-ҳаммаси учун кечирим сўраб йиғлайди. Кейин кафтига солиб уйига олиб кетади...

Лекин буларнинг ҳеч бири бўлмади. Азизбек дори-дармон таъсирида осуда ухлаб ётарди. Узун каравотни бўйлаб ётган, қошлари ҳам сабза мўйловлари каби чиройли йигит унинг хаёлида болалигича қолиб кетган ўғли Азизбек эди. Азаматнинг кўзларига ёш қалқиди. Атрофидагилар уларни ёлғиз қолдириб чиқиб кетишиди. Азамат каравот ёнидаги курсига ҳорғин ўтириди. Ҳозир ўғли уйғонса-ю, Азаматни таниб, нега уни алдаганларини сўраса нима деб жавоб беради? Ўтган йилларда бувиси билан ҳар куни йўл қараб, охири бувиси сингари умидлари ҳам кўмилиб кетган ўғлига нима дейди?! Борса келмас жойлардан омон қайтиб, минг бир қийинчиликларни енггану, ўзига бас кеполмаган отасига бу бола нима деркан?! Азамат ўғлини уйғотишга журъати етмади. Бағрига босиб йиғлаш ҳам кейинга қолди. Тақдирнинг тошдек йўлларида тошдек қотиб кетган дийда яна филтиллаб чиқсан кўз ёшларни ичкарига ҳайдади.

Чўнтақ телефони майин жиринглади. Азамат Жамол оға масаласини катта даврада кўрмоқчи эди. Серёга сим қоқаётган, учрашиб маслаҳатлашишга таклиф қилаётганди.

Азамат оғир хўрсиниб палатадан чиқди. Унинг таъбини хира қилиб юрган ҳолат – Жамол оғанинг номардлиги ўғли билан шунча йиллик айрилиқдан кейинги дийдорда ҳам таъкиб қилишдан тўхтамади. Азамат Жамолга қарши қандай чора кўришга ҳайрон эди. Чеченлар бир-бирларини қаттиқ қўллайдилар. Азаматнинг кескин ҳаракатлари катта зиддиятларга олиб келиши мумкин. Йўқ, Азаматни ўзи ёки ёнидаги йигитларнинг тақдири үйлантирмаяпти. Борди-ю унга бир гап бўлса ёки бу соҳа тили билан айтганда Азаматни синдиришса ишониб юрган ҳамюрларининг боши эгилиб қолади. Лекин Жамол ҳам жуда ҳаддидан ошяпти. Айниқса ўғлининг бу қўйларга тушиши...

Азамат йўлакда унга пешвоз чиқкан Юлянинг қўзларига қарамай гапирди:

– Эрта-ю кеч ёнидан қимирлама. Унинг соғлиги тўғрисида менга мунтазам хабар бериб тур. Ўйғонганда мен тўғримда ҳеч нима дема. Бола ҳаяжонланмасин, ўзим келиб гаплашаман...

Серёга билан Азамат маслаҳатлашиб, ҳозирда кўпчилиги бизнеснинг турли соҳларини ўз қўлларига олган, лекин ҳануз «қонундаги ўғри» мақомини йўқотмаган, бу оламда мавқелари баланд инсонларнинг навбатдан ташқари кенгашини чақирдилар. Серёга уларнинг ҳар бири билан учрашиб чиқкан, вазиятни қисқача тушунтирган, Жамол оға масаласини биргаликда ҳал қилишга чорлаган эди. Бугун кечкурунга мўлжалланган йиғилишда масалага ойдинлик киритиш мўлжалланган эди.

* * *

Азамат ўқ ўтказмас «Жип»ни ўзи бошқариб борди. Ўрмон ичида қурилаётган завод худуди ёғоч девор билан мустаҳкам қилиб ўралган, ҳар томондан Жамол оғанинг йигитлари томонидан назорат қилиб туриларди. Осиёлик йигитлар бу ерга келтирилганидан кейин Баҳодир бир иложини қилиб улар билан боғланган, масала ташқаридан ҳал бўлгунига қадар зиддиятга бормасдан тинчгина ишлаб туришларини тайинлаган эди. Азаматнинг учта машинада келган йигитлари дарвозага яқинлашдилар. Унинг ўзи машинадан тушмай қараб турди.

Баҳодир дарвоза ёнига яқинлашганида юқорига ўрнатилган камера орқали уларни кузатиб турган, Жамол оғанинг ишончли вакили бўлган Алу исмли соқолли кавказлик йигит чиқиб келди. Баҳодир йигитларни тўхтатди ва якка ўзи чеченга яқинлашди.

Алу Баҳодирга қўлинни узатди. Иккилари қўришдилар. Чечен йигитларга ҳам эътибор бермай бамайлихотир гапирди:

– Қардош, ортингга қайтиб кетавер. Осиёликларнинг ҳаммаси тинчгина ишлашяпти. Уларнинг шароитидан ҳам, ҳақидан ҳам хавотир олма, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

– Қардош, бундай бўлса нега уларни берухсат олиб келдинг? Келишув бошқача эди-ку!

– Вазият ўзгарди, буларинг ҳақларини олса бўлди-да, яна нима керак сенларга?! Ишчиларга эгалик ҳуқуки қачондан бери сенга тегиб қолди? Бу ерда ишлайверсинлар, сенларга қолганлари ҳам етади. Буларнинг уруғи кўп, кам бўлса яна келаверишади.

Баҳодир ғазабдан бўғриқиб кетди. У Алуга яқинлашиб ёқасидан олди.

– Ҳаддингдан ошяпсан, бола. Йигитларнинг ҳаммаси бугунок бу ердан кетишади. Уларнинг ҳақи бўйича алоҳида хисоб-китоб қиласиз.

Вазият жиддийлашаётганини сезган Алунинг йигитлари дарвоза олдига чопиб кела бошлашди. Бир зумда ўн беш чоғли кавказлик бирин-кетин дарвозадан чиқиб келди. Баҳодир Алунинг ёқасини қўйиб юборди. Ҳаммаси режа бўйича кетаётганди. Энди буларни бир-икки дақиқа шу ерда ушлаб туриш керак.

Баҳодир кавказликларга бир-бир қараб чиқди. Унинг попуғи пасайганини кўрган Алу нописандлик билан деди:

– Баланд дорга осилмоқчимисан, қардош? Сен мишиқининг кўлидан хеч нарса келмайди. Пешанангдан шамол айланмасидан олдин шотирларингни ол-у бу ердан жўна. Агар яна бир марта шу атрофда пайдо бўлсанг терингни шилиб оламан.

Баҳодир ерга қараб секин жавоб берди:

– Яхши иш қилмаяпсан, қардош. Охири баҳайр бўлсин ишқилиб...

Баҳодир йигитларни олиб секин ортига қайтди. Алу унинг ортидан истеҳзо аралаш қулиб қараб қолди. Баҳодирнинг йи-

гитлари машиналариға ўтириб қайтиб кета бошладилар. Баҳодир Азаматнинг ойналари қорайтирилган машинасига ўтириди.

– Улгуришганмикан? – сўради Азамат.

Алу ва йигитлари машиналар кўринмай кетгунча қараб турдилар ва секин қайтиб кирдилар. Лекин обьектда бирорта ишчи кўринмас, ҳаммаси худди ерга кириб кетгандек ғойиб бўлган эди. Алу шошилиб хонасига кирди. Ишчиларнинг ҳужжатлари-ю пуллар сакланадиган сейф шундайлигича кўчириб олиб кетилганди. Кавказликлар қурилаётган бино ортидаги йиқитиб ташланган девор олдига келиб ҳайрон бўлиб турганларида ишчилар миниб олган иккита автобус Азаматнинг йигитлари ўтирган машиналар қуршовида елиб борарди.

Жанжал бўлмади. Лекин Баҳодир мақсадига етди. У Азаматни кескин чоралар кўришдан қайтарган, боши эгилса-да, ҳийласи иш бериб йигитларни олиб чиқиб кета олганди.

Йигитларни ишончли жойга жойлаштириб,офисга қайтиб кирганларида Азаматнинг телефони жиринглади. Жамол оға сим қоқаётган эди.

– Азиат, бопладинг, қойилман. Лекин бир нарсани унутма, бу дунёда ҳеч нарса сен ўйлаганчалик осонликча битмайди. Мен керак бўлсам шу рақамга кўнфироқ қиласан.

Азамат босиқлик билан жавоб берди.

– Сен билан ҳали кечкурун учрашамиз.

– Балки кечгача ҳам керак бўларман. Омон бўл, Азиат.

Жамол оға гўшакни қўйди. Азамат ҳам кўл телефонини чўнтағига солиб қўйди.

Бу муаммо ҳал этилгач, Азамат шифохонага кетди.

* * *

Азизбек ўзига келганидан кейин Юля шифокорнинг тавсиясига кўра уни касалхона ҳудудидаги боққа саирга олиб чиқди. У йигитчани суяб етаклаб юрганида келишган қадди-комати, жиддий нигоҳларида Азаматнинг бўйини кўрди. Иккаласи ям-яшил арчалар орасидаги йўлакдан юриб кетишиди. Касалликни шиддат билан енгиб бораётган Азизбек эрта-ю кеч ёнидан жилмаётган бу рус қизнинг меҳрибончиликлари сабабини ҳали тушунмасди. Лекин ўтган қисқа вақт ичида ўзи ҳам Юлянинг мовий кўзларида балқиб турган меҳрли нигоҳларига, ол-

тин сочларидан анқиган хушбўй исга ўрганиб қолди. Балоғат бекатидан эндиғина ўтган бу икки инсон ҳаётнинг аччик-чучугини тотиб, тез улғайиб қолишганди. Шу боис тил топишишлари ҳам жуда осон бўлди. Юлянинг Азизбекка у нафақат босснинг ўғли эканлиги учун, балки шунчаки яхши йигит сифатида ҳам меҳри тушганди. Азизбекнинг ҳали ҳеч гапдан хабари йўқ. Худди олдинда уни кутиб турган муаммоларни билмагани каби отасини топгани, ортидан дуо килиб қолган бувисини йўқотганидан ҳам бехабар...

* * *

Азамат Баҳодир билан тўғри палатага кириб борди. Лекин Азизбекнинг каравоти бўш, Юля ҳам кўринмасди. Азамат йигитига савол назари билан қаради. Баҳодир шифокорлар хонасига кириб чиқди. Юля билан Азизбекнинг сайдига чиқишиганини эшишиб, иккилари боқقا қараб юришди. Лекин ёшлар боғда ҳам кўринмасди. Азаматнинг кўнглига ғулғула тушди. Сезгилари уни алдамаган эди. Баҳодир ва у чақирган йигитлар бутун касалхона худудини титкилаб чиқиши ҳамки Юля билан Азизбекни топишолмади. Азаматнинг юраги гурсиллаб ура бошлади. Наҳотки яна уни кутиб турган кўргиликлар бўлса?..

Чўнтақ телефони жиринглади. Бу рақамни қачон кўрган эди-я... Олди. Жамол оғанинг анча қувват кирган овози эшитилди.

– Қардош, менинг ёрдамим керак эмасми мабодо?

Азамат титраб кетди. Мана шу ҳолат унинг катта хатога йўл қўйишига сабаб бўлди.

– Жамол! Юля билан ўглимнинг бир туки тўкилса минг жонингдан бири ҳам омон қолмайди.

Жамол оға бироз жимиб қолди. Азамат уни чўчита олдим деб ўйлаб янглишаётганди. Жамол оғани ўйлантираётгани Азаматнинг гапи эди. Нима деди, ўглим дедими? Ана омад! Юлянинг қўлига ёпишиб қаршилик қилгани учун, гувоҳ қолдирмаслик мақсадида йигитча бир зарба билан ҳушидан кетказилган ва қиз билан биргаликда олиб кетилган эди. Наҳотки тўрга олтин балиқча илинган бўлса?!

Азамат йўл қўйган хатосини англаганида бошига мих қоқилгандек бўлди. Лекин энди кеч. Бироз сукут сақлаган Жамол оға дона-дона қилиб деди:

– Қардош, гапларингга қараганда иккимиз ўтириб бир отамлашмасак бўлмайди. Кеч соат тўққизда мемориалнинг ёнида тур. Ёлғиз кел. Кечкуунга мўлжалланган политбюронгни тарқатиб юбор. Ишонаманки, братвага бунинг сабабини айтиб ўтирмайсан. Дарвоқе, бир жойларга хабар бериб юрмаслик тўғрисида огоҳлантиришим ҳам шарт бўлмаса керак.

Азамат пешанасини ушлаб ўтириб қолди.

* * *

Баҳодир ёлғиз бормасликка минг ундумасин, Азамат айтганидан қолмади. Ҳозир унинг кўзига ўз ҳаёти кўринмасди, энди гина топган ўғли билан Юляни йўқотиб қўйиш даҳшати олдида бошқа қўрқувлар ҳеч нарса эмас. Фарҳод тирсагига усталик билан боғлаб қўйган митти тўппонча жойида турганига ишонч ҳосил қилиб олган Азамат Баҳодирнинг охирги гапларига ҳам эътибор бермай машинадан тушиб қолди ва йигитини қайта-риб юборди.

Жаҳон уруши қурбонларига атаб қурилган баланд ёдгорлик қорайиб кўриниб турган бу майдон кимсасиз эди. Аччик совуқни юзга санчаётган енгил шамол Азаматнинг соchlарини силкитиб ўйнарди. У кўп кутмади. Ёнига келиб тўхтаган машинанинг олд эшиги очилди. Азамат ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиққа ўтириши билан энсасига тўппонча тиради. Русчани бузиб гапирадиган чечен йигит деди:

– «Қора дельфин»дан омон чиқкан машхур инсон – Азиат жаноблари билан юзма-юз кўришганимдан хурсандман. Ҳайда.

Машина шаҳар четига қараб елиб кетди.

* * *

– Бир сенда-ю бир менда, замон бетин айланур, – деган экан шарқнинг улуғ файласуфларидан бири, – деди Жамол оға Азаматнинг қаршисидаги креслога ўтириб, унга қўл узатаркан.
– Мана, Азиат, яна учрашдик. Ёрдамим кераклиги учун сени кутмай ўзим машина жўнатдим.

Азамат қаҳрини жиловлаб гапирди:

– Майнавозчиликни қўй, Жамол оға. Қўп чўzmай шартингни айт.

Жамол енгил кулиб қўйди.

– Зонада вақтнинг шафқатсиз ўтишига кўнигмаганмидинг, бунча шошасан? Сен билан ҳали тонггача отамлашиш ниятим бор. Майли, сен айтганча бўла қолсин. Асосий масалага ўтамиз. Гапни шундан бошламоқчиман, кўнглингни хотиржам қил, ўғлинг ҳам, кетворган котибанг ҳам соғ-саломат. Ҳозирча албатта...

– Юля мен учун қизимдек!

– О-о-о, ундаи бўлса иккимиз бир-биримизни тушунишимиз янада осонлашади. Энди гапларимни дикқат билан эшиш, Азиат. Менинг ишларимга аралашиб хато қилганингни англаганингга шубҳа қилаётганим йўқ. Бу ишларга катта пул тикканими сенга айтгандим. Ўша ҳамюртларингга бунчалик ишишиб бўлганим сабаби қизиқ бўлса униям айтаман. Мен кураётган жой ёпиқ обьект ҳисобланади. Унда ишлаганлар кўрганлари ни унутишлари, агар борди-ю буни хохлашмаса йўқолишлари керак. Сен томондан келганлар билан бу иш осонроқ битади. Уларнинг бу ерда деярли ҳукуклари йўқ, бу билан гап чувалашининг олди олинади. Энди шартларимга ҳам навбат етди. Менга икки юзта фақат қўл-оёғи бору тили жағи йўқ ишчи топиб берасан. Улар фақат ишлашни билсин, қолганига бурнини тиқмайдиган бўлсин. Минг-минглаб одам орtingдан эргашиб юрибди. Икки юзта билан камайиб қолмайди. Камайган тақдирда ҳам ўрни кунда тўлиб туради. Бу шартимни бажариш сенга муаммо эмас.

Азамат, давом эттиравер-чи, дегандек қараб тураверди. Жамол оға гапни улаб кетди:

– Шунда мен икки юз кишини беш ой ишлатаман-у ўртacha минг долларлик маош ҳисобига бир лимонни иктиносид қиламан. Сен ишчиларингга арзимас маош берсанг ҳам бўлаверади. Ўзи шартим шу биттагина эди. Лекин ўғлинг туфайли иккинчи шартим ҳам пайдо бўлди. Яна бир лимон кўкидан нақд қилиб бериш сенга муаммо эмас, тўғрими, қардош? Шу икки шартим бажарилгунча ёшлар менинида меҳмон бўлиб туради. Бу ерда эмас, албатта.

Азаматнинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Бу чечен шунчалар ҳаддидан ошиб кетмадими? Лекин отилиб чиқаётган ғазаб Юля билан Азизбекнинг ёдга тушиши билан ортга қайтди. Азамат секин атрофга разм солди. Дала-ҳовлини Жамолнинг

йигитлари қаттиқ қўриклаб турганлари аниқ. Айниқса бугунги хатодан кейин Жамол қўриқчиларни янада кўпайтирган. Лекин қандайдир йўлини топиш керак. Жамолнинг шартларига кўниш Азаматнинг синиши, катта маблағдан ажралиши, энг муҳими, унга ишониб юрган ҳамюртларининг боши эгилиши демакдир.

Жамол оға худди унинг фикрларини укиб тургандек деди:

– Жиннилик қилишни ўйлама, Азиат. Ўзингнинг ҳам, болаларингнинг ҳам ҳаётини хавф остига кўйма. Бугунги омад ҳар доим ҳам келавермайди. Сен шартларни қандай бажаришни ўйласанг ҳар иккимизга ҳам яхши бўларди. Бир лимон келиши билан қизни олиб кетавер. Осмондан тушган ўғлинг эса иккинчи шартим тўлиқ бажарилгунча мен билан бўлади.

– Азизбек касал, қўйиб юбор уни.

– Афсус, мен сени ўйлаб шу вариантни айтгандим. Мусиқани пул тўлганлар буюради. Пул тўляяпсанми, демак, ихтиёр сенда. Сен айтганча бўлса, уларнинг ўрнини алмаштирасаму, йигитчани биринчи қўйиб юборсам, бизнинг полвонлар беш ой ичida қизга кўз тикиб, шўхлик қилиб қўйишлари мумкин.

Азамат ўрнидан туриб кетди.

– Ҳар нарсанинг чегараси бор, Жамол. Лекин бугун ҳамма сарҳадлар бузилди. Мени эрталаб кут. Кетдим.

– Э йўқ, шошилма. Шерни қафасдан чиқариб юборадиган аҳмоқ, йўқ. Нима иш бўлса шу ерда битирасан. Бир имонгга маҳтал шотирларинг бор, ўшаларга қўнғироқ қил. Аввал пулни олиб келишсин. Кейин ишчилар масаласини котибанг билан бирга чиқиб ҳал қиласан.

Азамат ноилож креслога чўқди.

– Азиат! Сени тушунаман. Буларнинг бари ўткинчи. Қани, телефонингни олу қўнғироқ қил.

Азамат костюмининг чўнтагини титкилаб телефонини олди. Лекин унинг кўлига Серёга совға қилган бриллиант ёпиштирилган кимматбаҳо телефон эмас, Баҳодирнинг кўполгинага телефони илашиб чиқди. Азамат бир лаҳза ҳайрон бўлиб қараб қолди. Шунда болалар тақдирини ўйлаб, дикқат қилмагани – Баҳодирнинг жиддий сўzlари эсига тушди.

«Мановини чўнтагинизга солиб олинг, Азамат ака. Бу телефонни ёқишингиз билан датчик ишга тушади ва биз сизни топиб оламиз. Лекин манзилга етмагунларингизча телефонни

ёқманг. Жамолнинг одамлари датчикни топиб олишлари, режа барбод бўлиши мумкин...»

Азаматнинг қаҳр кўмиб турган ақли тиниқлаша бошлади. У телефон тугмасини босди. Экран ёришиб, «Салом, Азамат ака, хотиржам бўлинг» деган ёзув чиқди. Азамат телефоннинг соатига қаради: 22:35. Агар Баҳодирнинг режаси иш берса улар бу ерга тахминан ярим соатда етиб келишади.

Азамат тугмаларни босиб Фарҳоднинг рақамини терди. Биринчи чакириқданоқ алоқа боғланди:

– Фарҳод, сейфдаги беш юз билан банкдан беш юзта кўкидан олу, битта лимонни тезлик билан тайёрла. Кейин уни... – Азамат савол назари билан Жамолга қаради.

– Тайёр бўлганидан кейин йигитларимнинг ўзлари олиб келишади, – деди чечен.

– Пулни тайёрлаб, менинг қўнғироғимни кут. Гапни қўпайтирма.

Азамат тугмани босиб, Жамол оғага юзланди.

– Бир соатдан кейин пул тайёр бўлади. Йигитларинг официмдан олиб кетаверишсин. Лекин унгача мен болаларни кўришим шарт. Агар улар соғ-саломат бўлсалар иккинчи миллионни ҳам бирдан бераман ва уларни олиб кетаман.

– Бу муаммо эмас. Аввал мана буларга имзо чек.

Азамат фирмаси орқали ишчилар билан таъминлаш мажбуриятини оладиган, лекин жуда оз сумма кўрсатилган шартномани вақтдан ютиш учун синчиклаб ўқиди ва бир сўз демай имзо чекди. Жамолнинг столидаги соатга қаради: 22:50.

Жамол оға йигитига имо қилди. Икки йигит Азаматнинг икки ёнидан тўппонча ўқталганича хонадан чиқдилар. Йўлак тўрида турган йигит гиламни сурди. Девордаги суратни қимирлаттганида полнинг бир кисми қўтарилиб ертўлага туйнук очилди. Тушдилар. Номигина ертўла бўлган бу ҳашаматли жой ўндан ортиқ хоналардан иборат эди. Тўрдаги хонада Юля билан Азизбек жойлаштирилганди. Озодликдан ўзга ҳамма нарса муҳайё бўлган бу хона эшигини очган йигит ўзича Азаматга ҳазил қилди.

– Булар уйларида ҳам кўрмаган шароитни муҳайё қилиб кўйдим.

Азамат йигитга ўқрайиб қаради. Нигоҳда шу сўзлар зохир эди: «Сен биринчи бўлиб ўласан».

Юлядан ҳаммасини эшитган Азизбек отасининг истиқболига ошиқди. Азамат ўғлини бағрига босганида томоғига ёнғоқдек нарса қадалди. Азизбекнинг хали тұлишмаган елкалари йиғидан силкинарди. Азамат ўзини босишга уринди.

– Мени кечир, ўғлим, кечир... Йиглама, ҳаммаси жойида бўлади. Кетамиз...

Минг хаяжонда бўлмасин, Азамат кўз кири билан девордаги соатга қаради. 22:55. Вақт бўляпти. Энди ҳаммаси йигитларининг журъатига боғлик.

Азамат тўппонча ўқталиб турган қўриқчига юзланди.

– Бизни юқорига олиб чиқинглар. Жамол билан келишуви миз битган.

Йигит қўлидаги телефон орқали юқори билан боғланди. Рухсат бўлгач, ортга қайтдилар. Азамат яна Жамолнинг қарши сидан жой олди. Болалар бир-бирларининг қўлларидан ушлаб улардан икки қадамча нарида туришарди.

– Ҳозир бир миллионни оласан. Иккинчиси биз эсон-омон бу ердан чиқиб кетганимиздан кейин қўлингга тегади. Гапим гап, Жамол оға. Бундан буёғига ҳамма ўз пешанасидагини кўради.

Азамат Жамолнинг билагидаги тилла соатга қаради: 23:06. Агар Баҳодир режасини амалга ошира олса бир-икки даққида нажот йўли очилиши керак. Азамат қўлига боғланган тўппонча жойида турганига ишонч ҳосил қилиб болаларга қаради. Ёнидаги йигит уларга автомат ўқталиб турибди. Жамолнинг ёнида ҳам иккита барзанги бор. Ташқарида учтаси ўтирибди. Ҳаммаси бўлиб еттита, ҳовлида ҳам бордир...

Азамат хаёлларини жиловлашга улгурмади. Ойна тарсиллаб синиб Баҳодир отилиб кирди ва ерга думалаб турар чоғида Юля билан Азизбекка автомат ўқталиб турган йигитни бир ўқ билан йикитди. Азамат қўлини бир силтаганида тўппонча сирғалиб келиб кафтига ўрнашди. Жамол оғанинг олдидан чиққан йигит елкасидан ўқ еб қулади. Баҳодирнинг ортидан кирган йигит автомат кўтарган Алунинг қўлига тепди. Тепкиси босилишга улгурган қурол ойнаванд девор бўйлаб ўқ уза кетди. Ҳаммаёқ остин-устун бўлиб ойна-ю қоғозлар сочилиб кетди.

Йўлакда Фарҳод бошлиқ йигитлар Жамолнинг қўриқчилари билан даҳанаки жанг олиб боришарди. Улар қуролларини

олишга ҳам улгурмай муштлашишга киришиб кетишганди. Азатмининг бошига ташвиш тушганини эшитган Турсунбой шунча қаршиликларга қарамай йигитларга қўшилиб келган эди. Бу ерда у яна эски қадрдони филайни топиб олди. Бу сафар филай кутулолмади. Турсунбой унинг қорнига бир зарб туширди ва энгashiши билан сочидан чанглаб бошини деворга ура кетди. Бешинчи ёки олтинчи зарбадан сўнг шилқиллаб ерга қулаган филай қайта ўзига келганида ҳам бирорга кўл кўтара олмайдиган аҳволга келганди. Фарҳод Жамолнинг қўриқчиларидан қуролларни тортиб олди ва йигитларидан бирига топшириб, ўзи ичкарига қараб шоши.

Бу пайтда қўриқчиларининг панасиға ўтиб олган Жамол ўз тилида тинимчиз сўкиниб эмаклаб келди ва столининг тортмасидан каттакон стволи думалоқ тўппончани чиқарди. Унинг Юляни мўлжалга олаётганини кўрган Азизбек қизни кучиб олди. Ҳаммаси бир лаҳзада содир бўлди. Кеч топган ўғлини эрта йўқотишдан кўрқкан, Юлянинг ҳаёти хавф остидалигини кўрган Азамат Жамол тепкини босаётганда ўзини болалар томон отди. Кетма-кет отилган қурол ўқлари ўз мўлжалига етиб борди. Биринчи ўқ болаларни кучиб йиқилаётган Азаматнинг қўлига теккан бўлса, иккинчиси курагига тегиб костюмини поралаб ташлади. Тизиллаб чиққан қон Азамат билан бирга йиқилган икки ўшнинг юзларига сачради.

Ҳали ҳануз совуққонликни йўқотмаган Баходир хожасининг бу ҳолини кўриб қичқириб юборди ва ерда ётган автоматни олиб бакиришини тўхтатмай тариллатиб ота кетди. Эшиқдан отилиб кирган Фарҳод унинг елкасидан қучиб тўхтатганида Жамолнинг ўзи ҳам, йигитлари ҳам ер билан битта бўлиб ётишарди...

* * *

Тўй жуда файзли ўтаётганди. Маҳалла марказидаги кенг майдонда машҳур санъаткорларнинг бири қўйиб бири куйлаётганида баҳтдан маст бўлган күёв – Азизбек даврада эшилиб ўйнаётган маҳалладошларига имо қилиб, оппоқ либосда янада гўзал бўлиб кетган Юлянинг қулоғига шипшиди:

– Ҳақиқий тўй мана бунақа бўлади. Москвадаги энг серҳашам ресторонда ўтказилган биринчи тўйимизда бунақа самимиятни тополмагандим. Қани турдик, дадам сўзга чиқяптилар.

Ҳамманинг нигоҳи ўнг қўлини Жамолнинг ўқи юлиб кетганилиги туфайли микрофонни чап қўллаб ушлаб олган Азаматга қадалди.

– Азиз юртдошларим. Тўйимизга келиб бизни хушнуд қилганингиз учун ташаккур. Ҳозир сўзга чиқарканман, ўзимча ҳаётимни сарҳисоб қиляпман. Ўтган йилларда мен кўп нарса йўқотдим, онам, оилас, умрим, қўлим... Лекин топган баҳтим менга таскин беради. Мен бутун умр шу баҳтни излаганимни энди англайпман. Москвадаги ҳамма ишларимни мана шу укам – Баҳодиржонга топширдим. Ўғлим билан келиним Россияда ишлашса-да, ўз юртларидан узилмайдилар. Бу ҳам бир шарт билан – невараларимни ўзим катта қиласман. Ўзим эса энди сизлар билан қоламан. Биргалиқда қиласиган ишларимиз кўп. Бу юртга узоқ вақт хизмат қиласидик, энди ҳаммасини бошидан бошлаймиз. Фарзандларимиз баҳтли бўлишсин, тўйлар муборак!

2007 йил

ХИЁНАТ

90-йиллар...

Бўриғор – Қизилқоя тоғининг этагидаги мўъжазгина қишлоқ. Унинг юқори қисмида булоқ, қуи қисмида сайиллар бўладиган, тўй ва кўпкарилар ўтказиладиган яланглик бор. Яланглик ва булоқнинг ўзига хослиги шундаки, кун оғаётганда бу икки маскан қишлоқ аҳолисини қоқ иккига бўлиб юборади. Хотин-қизлар чеҳакларини кўтарганча булоқ сари ошиқадилар, эркакларнинг бари ўз тилларида «Майдон» деб аталадиган ялангликка энишади. Қиз-жувонлар учун булоқ бўйи – ўзига хос ахборот аламашиб маркази. Бу ерга чиқиш учун алоҳида пардоз-андоз қилинади, кун бўйи янги гаплар тўпланади. Йигитлар ҳам ўз суюклиларини айнан шу ердан топадилар. Хатлар шу ерда эгаларига етиб боради, аразлар ҳам булоқ бўйида бошланиб, булоқ бўйида тарқайди.

Майдонда эса эркаклар чопонларини ёзиб олиб охирги кўпкарини, яқин орада бўлиши кутилаётган тўйларни муҳокама қилишади, кимлардир тўрт-беш киши бир давра бўлиб қарта ўйнашади, нард ташлашади. Болалар икки жамоага бўлинниб тўп тепишади. Оқсоқоллар носвойни отганларича ёшликни эслайдилар. Ўз тарихи, урф-одатлари, ўзининг яхвисию-ёмонига эга қишлоқ бу – Бўриғор. Бу қишлоқда бегона йўқ, ҳамма-ҳаммага бир-бирига ё тоға, ё амаки бўлади.

Бўриғор қизлари қишлоқдан ташқарига чиқишимайди, бу қишлоқ йигитлари бошқа томонларнинг қизларини кўз остига олмайдилар. Шунча йиллар давомида Тўра дўхтири билан

Ойсанам чевардан бошқа ҳеч ким бу анъанани бузмаган. Тўра дўхтири Гулхумор янгани ўқишдан топиб келган. Қишлоқда аёл дўхтири йўқлиги учун янга Бўрифорга тезда сингишиб кетди. Ойсанам чеварга ошиқ бўлиб олиб қочиб кетган тўрткапалик Ботир шўпир эса беш йил деганда қишлоққа икки ҳўқиз сўйиб ош бериб эл бўлган. Қолган ҳамма ўз-ўзинники. Тўра дўхтирининг гаплари бекор эканми ё оқсоқолларнинг туғишганлар қуда бўлишларига қарши туришлари иш берганми, ҳартугул шунча қуда-андачилик қилишса-да, яқин қариндошлардан туғиладиган ногирон болалар бу қишлоққа ёт. Йигитлар ҳарф танимай кўпкари чопишади, Бўрифорнинг энг нозик келини ҳам икки бети қип-қизил, энг камида ёстиқдай ўғил туғади.

Бойқобил полвоннинг ўғли Боймурод бугун янги чопонини кийди. У жийроннинг баданини яхшилаб қашлаб эгар урди. Булоқ сари от сурди. Бугун соғинчлар адоги кўриняпти. Тўра дўхтирининг қизи, шаҳарда ҳамшираликка ўқийдиган Зарина таътилга чиқиб қишлоққа қайтган. Унинг ошиғи кўп, лекин бирорта йигит Боймуроддан ўтиб қизга яқинлашолмайди. Ҳали аҳду паймон бўлмаган бўлса-да ҳамма билади, Зарина шу йигитники. Бугун ўша камчилик битиши, Боймурод изҳори дил килиб, қизнинг розилигини олиши керак!

Булоқ бошидаги арча тагида давра қуриб ўтирган қизлар отнинг пишқиришини эшлишиб орқага ўгирилдилар. Боймурод отасидек алпқомат йигит, унинг ишқида ёнган қизлар кўп, лекин ҳеч бири орзусига етишолмаслигини билади. Йигит яна бир бор уларнинг кўзларини куйдирмокчидек жийроннинг жиловини тортди. Асов от олд оёқларини кўтариб кишинади. Боймурод отни турган жойида бир-икки айлантирди-да, яна қизлар томонга қаради.

– Зарина, сени бир дақиқага мумкинми?!

Аллақачон юzlари қизариб улгурган қиз ноз ила ўрнидан турди ва йигитнинг ёнига келди. Сочлари қоп-кора, кошлари бир-бирига тулашиб кетган, кўзлари қуралай, нафақат Бўрифорда, балки бутун юртда ҳам бундай сулув топилмайди. Унинг фунча лабларидан сўзлар тизилди:

– Нима дейсиз?..

– Сенда гапим бор. Нима гаплигини биласан... Олдингдан ўтай дедим, бир-икки кунда дадамлар боришади.

Зарина ерга қаради.

– Ҳали мендан сўрамасданоқ одам жўнатмоқчимисиз?

– Сўраганим шу-да, Зарин, мен шаҳарликларга ўхшаб оҳ-воҳ қилишни билмайман. Кўнглинг бўлмаса тикка айт. Гапим дангал, тескари ўгирилиб кетганим бўлсин.

Зарина ердан кўзларини узиб йигитнинг нигохига қадади. Уят, ҳаё, айёрлик ва яна бир қанча ҳислар жо бўлган бу қараща ҳар қандай йигит қонини жунбишга келтирадиган ўзгача бир эркаланиш бор эди. Боймурод нишонни аниқ олганини сезди. У отдан сакраб тушиб, чўнтагини кавлади. Кўпкаридан топган пулларини йиғиб олган бежирим зирақни қизнинг қўлларига тутди.

– Зарин, қолгани тўйдан кейин.

Қиз совғани олдию қизлар кўрмадимикан, деган ҳадикда ортига қаради.

– Совчи борганда қайтарвормагин-а, – қулганича отига минди йигит.

Зарина жилмайиб жавоб берди:

– Ота-онам нима деса шу.

Завққа тўлган йигит отига қамчи босди. Жийрон ҳам ча-вандози ёрига етишаётганидан шодлангандек кишинаганича учеб кетди. Ҳаммаси битди, гап фақат расм-русумларда қолди. Боймуродга қиз бермайдиган, эшик қоқиб кирган Бойқобил полвонни ноумид қайтарадиган валломат бу қишлоқда бормикан?! *

У жийронни емлаётганида ота-онаси қайтишди. Машқлари паст. Дарров сўрокқа тутди. Онаси вазиятни юмшатиб гапирди:

– Ҳа энди қизи борнинг нози бор-да, ўғлим, «ҳа» деганингдан «ма» деб олдингга солиб беришмайди-ку. Ҳали дўхтирникига йўл қатнаб товоним тешилар.

Полвон чопонини ечиб қозикка илди.

– Чувалатмай болага бор гапни айт! Рад қилишди. Гули дўхтир кизининг ўқиши битишини кутармиш. Битгандаям ўқиганга бериш ниятида эмиш. Ўқиганга шаҳар-а?! – аламдан бош чай-қаб уйга кириб кетди отаси.

Онаси очилмаган тугунни ерга қўйиб ўзиям чўккалади.

– Қўй, болам, куйикма. Ўзим қайта бораман, ялиноман, ёлвонман, ўксимасанг бас.

Бу гапларни эшишган ота сапчиб чиқди.

– Мен бирорни эланиб келин қилмайман. Ўзимизнинг амаки шундай қилса... Болам, ўзинг эс-хушли йигитсан. Қизнинг кўнглига ишонсанг отга ўнгар-да олиб кел, дўхтири билан кўпкарили тўйга мен тан. Локин қиз ҳам норизо бўлса тақдирга тан бер.

Боймуроднинг лаблари титради.

* * *

Заринанинг йўқолиб қолгани Бўрифорда бир зумда дув-дув гап бўлди. Азонда ўғлини кўпкарига жўнатган полвон бу гапни эшишиб муртидан кулиб қўйди. Кеч кирганда икки оқсоқолни олиб дўхтирикнига кирди.

– Энди, амаки, кеча мен келмадим, сен қайтармадинг. Мен қайтсан ҳам ўғлим қайтмасди. У гапини ер қилмайдиган йигит.

Тўра дўхтири тутақди.

– Бу қанақа феодаллик?! Ўрта асрларда яшамаяпмиз-ку ахир.

Мингжигит оқсоқол соқолини тутамлаб гапга аралашди.

– Пеодал-меодалингди қўй, Тўра. Куда бўлсанг Бойқобилдай билан бўларсан-да. Бу ота-бобомиздан қолган удум. Отанг ҳам онангни опқочиб келганда ўзим тўйда чўғ ташиганман. Қизингнинг ҳам кўнгли бордурки ўзи танлаб, қўшилиб кетибди. Бўлмаса полвон ҳам чирқиратиб олиб кетадиган номард эмас. Энди аразни қўй-да, маслаҳатга кир. Бой, тўйни қачонга мўлжаллайлик?

Дўхтири тақдирга тан бергандек ерга қараб пешанасини силади...

* * *

Боймурод эртасига эрталаб жийроннинг ёнида битта той еталаб келди.

– Мана бу солим, ота. Энг катта ютуқни ўзим олдим.

Бойқобил ўғлини қучди.

– Қандингни ур, ўғлим. Тойингни қўй, келин қани?!

Боймурод ҳайрон бўлди.

– Қанақа келин?!

Үғлининг бу гапини уятга йўйган полвон кулиб жавоб қайтарди.

– Қанақа келин бўларди, ўзингнинг суйганинг, дўхтирнинг кизи-да. Қайга яшириб келдинг, кўркма, мен ишни пишириб бўлдим.

– Нималар деяпсиз, ота?!

Полвон оғиз жуфтлаганида эшик тақиллади. Келган бола дўхтирнинг ўғли эди.

– Полвонбова, сизни отам чақиряпти, тез бораркансиж.

Эшикка йўналган Бойқобил ўғлига қаради.

– Уйга кириб дамингни ол, тушдан кейин келинни олиб келамиш, домлани ҳам айтиб келаман, никоҳлади.

Кўзлари катта-катта бўлиб кетган Боймурод бир гап дегунича бўлмай полвон эшиқдан чиқиб кетди.

* * *

Дўхтири Бойқобилга ғазабини сочди:

– Эй, боланг одамми, ҳайвонми?! Урф-одат деб шунчаликка борадими?!

Полвоннинг қошлари уюлди.

– Нима гап, Тўра, салом йўқ, алик йўқ, юзга сачрайсан?!

– Нима гаплигини зўравон ўғлингдан сўра. Шу аҳволга ҳам соладими қиз болани, ҳаммаёғи моматалоқ бўлиб кетибди-ку. Бир аҳволда оstonага ташлаб кетибди, онаси ўзимизнинг дўхтирхонага олиб боришни ор билиб шаҳарга олиб кетди.

Нима гаплигини тушунган полвон бош иргаб кўйди.

– Ҳа-а, гап буёқда де. Ҳа энди, бола полвонлигига боргандир-да, кизингга жинам урмайди, аёлнинг жони қирқта, қамчидан иккита отим билан бир эшагим ўлди, янганг ўлмади-ку. Қўявер, ўраб-чирмаб олиб кетамиш.

* * *

Бойқобил келасолиб ўғлига ўшқирди:

– Сал орқа-олдингга қарасанг бўлмасмиди?! Дўхтирга еткизмасанг ҳам шу қиз сеники эди.

Боймурод овозини бир парда баландлатиб жавоб берди.

– Нималар деяпсиз, ота?! Қанақа қиз, қанақа келин?!

– Нега ўзингни билмасликка оляпсан, бўлди энди, Тўранинг қизи дўхтирга кўриниб, тўғри бизникига тушади. Домла никоҳни ўқийди. Тўйниям тезлатамиз. Опқочишни билган, буёгини силлиқлашният ўйлада.

– Ота, мен ҳеч кимни опқочганим йўқ. Қирқўргонда кўпкарида эдим. Нима гап ўзи, Заринага нима қилибди?! Ким унга тегинибди?!

Ота ўғлининг бу гапларини ёшлиқдаги ҳовлиқишига йўйди.

– Энди бу гапларни қўй, мен икки қайта бориб келдим Тўра-никига. Қизни тўғри уйга олиб келиш керак эди.

– Ота! Нима гаплигини айтинг, мен Заринани опқочганим йўқ! Унга нима қилибди?!

– Сен қилмасанг ким қилган бу ишни?! Қизни бир ахволда остонасига ташлаб кетишибди-ку.

Боймурод сакраб туриб кетди. Наҳотки Заринани...

У чопиб чиқиб кетди. Эшикка кўл узатганида ўзи очилиб Нормат участкавой билан яна битта ёшроқ мелиса кириб келди.

– Э ана, полвоннинг ўзи! Қани, Боймурод, уйга кир, отангни-ям чақир.

– Кираверинглар, мен шошиб турибман, – ташқарига интилди Боймурод.

Нотаниш мелиса билагидан чангллади. Камарига боғланган тўппонча буйруқни тъқидлагандек силкиниб кетди.

– Қаршилик қилма, бола, ўзингга ёмон бўлади.

Ичкарига киришди. Қисқа салом-алиқдан кейин район мелисаси полвонга деди:

– Мен капитан Рустам Кабировман. Зарина Тўланованинг номусига тажовуз қилинган, тан жароҳати етказилган. Ўғлингиз Боймурод – асосий гумондор.

Полвон ҳар қанча зиддият бўлса қишлоқ чегарасидан чиқармай ҳал қиласидан Нормат участкавойга қараб жавоб берди:

– Ҳамма гапдан хабаринг бор-ку, Нормат. Закунлашиб юрганинг нимаси?! Тўра билан иш битган. Қиз дўхтирдан чиқиб тўғри шу ерга келади.

Боймурод гапга аралашди.

– Нима деяпсиз, ота, мен ҳеч кимга қўл теккизганим йўқ, қип-қизил тұхмат бу!

Капитан заҳарли жилмайди.

– Тан олмайсанми? Бутун кишлок, ҳатто отанг ҳам бу ишингдан хабардор, ана, ўзи тўй бошлаб ўтирибди. Нормат акадан домангир бўлманглар, бизга дўхтирлар хабар беришган. Ишни чўзмоқчимисан, гап йўқ. Керак бўлса дело очиб, тергов ўтказаман, экспертиза қилдирман. Бўйнингга қўйганимдан кейин минг таввалло қилмагин, қизга ўн марта уйланмагин ортга қайтиш йўқ, бола. Оббориб тиқаман, панжара ортида бунақа иш қилиб тушган сендақа полвонларни роса эъзозлашади.

Полвон ўрнидан туриб кетди.

– Бас! Нормат, ўзинг тушунтири, бола ёшлик қилган. Шу ҳафтада тўйни ўтказаман.

– Ота, менга бирорнинг сарқити керакмас!

– Ўчир овозингни! Ўзинг пиширган ошни ўзинг ейсан. Менинг уруғимдан бунақа иш қилган деган ном олиб турмага тушадиган абллаҳ чиқмаган. Яна бир марта финг десанг қамоққа ҳам еткизмай ўзим тиккалай сўяман.

Отанинг гапи икки бўлмаган.

Боймурод бошини эгди. Мелиса уни қисқа сўроқ қилган бўлиб уч-тўртта қофозга кўл қўйдириб олди. Иш битиши учун Нормат участковой полвоннинг имоси билан қўрадаги катта кўчкорни капитан Кабировнинг машинасига солди ва уни кузатиб, қайтиб кирди.

– Бола-да, полвон, кўрқиб қолгандир, кўп уришмай буёғини тезлайвер, мен бориб Тўра билан қизини тинчтитай, улардан ҳеч кимдан даъвомиз йўқ деган қофоз керак бўлади.

– Нормат! Бу гаплар шу ерда қолсин.

* * *

Тўй ҳам бошланди. Бу гаплардан бехабар қишлоқ аҳли қовоғини солиб ўтирган Боймуродга эътибор ҳам бермай ўйнаб кулишди. Полвон гапида туриб, кўпкари ҳам қилиб берди. Лекин юракдаги тугун ёзилмади. Ўғлининг гапларини эслайверди. «Сиз учун рози бўляпман, ота, лекин мен бу ишни қилганим йўқ, тагига етмай қўймайман», – деган эди тўйдан олдин Боймурод.

Боймуроднинг кўнглига қил ҳам сифмайди. У тезроқ тўй тугашини кутяпти. Фақат бу кутиш висол онларини эмас, чи-

милдиққа киргандарида, Зарина билан ёлғиз қолганларида ўша ишнинг тагига етиш учун. Шу пайтгача сўроқларига йиғидан ўзга жавоб бўлмади. Энди Зарина унинг хотини, яхшилаб сўрайди, аникламай қўймайди.

Исириқ тутатиб, ойнага қаратган янгалар чиқиб кетишиди. Бугун улар дахлизда ётишмайди, ҳожат йўк...

Боймурод кўллари билан келиннинг тиллақоши аралаш юзини чанглаб ўзига қаратди.

– Айт дейман, ким қилди бу ишни?

Зарина йифлаганича ёшли кўзларини юмиб олди.

– Мен сиз деб ўйлаб қаршилик қилмагандим. Бирданига оғзимни юмиб кўзимни боғлашди. Хушимни йўқотдим... Сиз бўлмасангиз ким ахир, нега бунча сўрайверасиз, бунча азоблайсиз?! Нега бўлмаса уйландингиз менга?! Ўлар бўлсан ўлиб бўлдим-ку.

У Заринани қўйиб юбориб бошини чангллади, ерга ўтириб қолди. Нима бўлгандаям Зарина энди унинг жуфти ҳалоли...

* * *

Орадан етти ой ўтди. Сир-сирлигича қолди. Боймуроднинг юрагини сиқиб турган тугун ёзилмади. Зарина бу орада ўқишини тугатиб диплом олиб келди. Амбулаторияда, ота-онасининг ёнида ишлай бошлади. Унинг қорни катталашиб, юзларига аллақандай тошмалар тошиб хунук бўлиб кетган эди. Янаги ойдан уйда ўтириши керак, кўзи ёрийди.

Бола туғилишини ўйлаган Боймуроднинг юраги ўртайди. Бола кимникилиги ҳам Заринани бу ахволга соглан инсон кимлиги каби мавхум. Боймурод минг куйинмасин тақдирга тан берган. Битта хато уни баттар қийнайди. Йигитлик қони жўш урганида ўзини жиловлаганида, уч-тўрт ой хотинига яқинлашмаганида аниқлик бўлармиди?!

Лекин ўтган ишга салавот, ортга қайтиб бўлмайди. Энди бу дард умрининг охиригача унга ҳамроҳ бўлар...

Зарина инқиллаб ўтириб қолди. Дарров онасига хабар беришди. Гули дўхтир келиб қизини кўрди. Ҳали вақти эрталиги, бола тушиш хавфи борлиги учун ўзларининг амбулаторияларига эмас, шаҳарга олиб кетишиди. Юракда минг бир ҳаяжон билан Боймурод ҳам уларга эргашди. Ичкарига олиб кириша-

ётганида Зарина бир лаҳза эри билан ёлғиз қолди. У титроқ бармоклари билан Боймуроднинг қўлини сикди.

– Мени кечиринг, умримни сизга бағишлаганман, боламиз туғилса ҳаммаси эсдан чиқар...

Уни олиб кириб кетишиди. Тун чўкканда врачлар югуриб қолишиди. Қайнонаси ҳам ичкарида, ташқарида қолган Боймурод нима гаплигини билолмади.

Бир соатлар чамаси вақт ўтиб қайнонаси кўзида ёш билан чиқиб келди.

– Бола пешонамизга сифмади, ўғил экан, вақти етмагани учун ўлик туғилди, – дея ҳўнграб йигфлаб юборди.

Тамом. Бола сирларни ҳам ўзи билан олиб кетди. Боймуроднинг қалбини шайтон қитиқлади. «Бир хисобда шуниси ҳам дуруст, насаби номаълум бола риҳлатга кетди, тақдирга тан, эндингиси аниқ ўзимдан бўлади», – ўйлади у. Бемаза хаёлларидан ўзи ҳам титраб кетди. Нақадар пасткашлик...

– Бола қаерда?!

Гули дўхтири изиллаб жавоб берди.

– Ўликхонада... Қўй, болам, кириб юрма, хур кетди бечора...

* * *

Ялтироқ стол устида юзи ёпилган гўдак бир бурда бўлиб ётарди. Латтани очиб қаради. Бу дунёнинг савоб-гуноҳидан бебаҳра кетган қип-қизил эт... Болани кўрдию шу кунгача ўзини кийнаб келган савол ҳам ортга сурилгандек бўлди. Гўдакнинг гуноҳи нима эди?! Балки Боймуроднинг Заринани қийнайвергани оқибатидир бу, хотинини қистовга олмаганида боласи соғ туғилармиди?..

Муздек юзларини силади. Ўралган латта очилиб кетиб, боланинг қулоқлари кўринди. Боймуроднинг пешонасига катта харсанг урилгандек бўлди. Бу тасодиф эмас, бу тақдирнинг зарбаси, аёвсиз зарбаси. Боланинг чап қулогининг бир чети бурчак шаклида кертилган. Бир авлодга хос бу белги Боймуродга таниш...

У қишлоққа қандай етиб борди, билмайди. Ўсар сариқни қандай топди, билмайди. Билгани етиб боргунича Ўсарни хаёлан минг бор ўлдирди. Бўғди, Қизилқоядаги жардан ташлади, пичоклади... Ўсар бир синф юқорида ўқиган. У билан бобоси-

нинг қулоғи шунақа, чўпонга топшириладиган қўйга эн солингандек кертилган. Болалар «қайси чўпондан қочиб келдинг?» – деб масхара қилишар, изза бўлган Ўсарнинг сап-сариқ бетлари аламдан қизариб кетарди. Боймурод буларни боланинг қулоғини кўрган онидаёқ бир лаҳза ичидан ўтказиб бўлган.

Боймурод Ўсарни судраб чиқди-ю бўйнига пичоқ тиради. Ўсар ҳам шу онларни кутиб юргандек «нега унақа қиляпсан?» демади, қаршилик кўрсатмади. Фақат ўткир тиф бўйнига қадалганда хириллаб гапирди:

– Тўхта, Мурод, пичноқ тортиш қочмайди. Мени ўлдирсанг ҳақиқатни билолмайсан.

Боймурод ғазабдан қалтираб кетди.

– Аблаҳ, билмайди деб ўйлабмидинг, ўрага сичқон тушди гулдир-гупми?! Ўлдираман, минг жонингдан бири ҳам омон қолмайди.

– Бир бошга бир ўлим, Мурод. Қачондир келишингни билардим. Лекин Заринанинг сирини билолмадим. Мендан олдин от сурган ҳам бор, балога мен қоляпман.

Боймурод унинг жағига мушт туширди.

– Тухмат қилиб, айбингни ёpmoқчимисан, болани кўрдим, қулоғи айтиб турибди, шу ишни қилган ҳажиқиз сенсан!

Ўсар қон туфлади.

– Айбимни тан оламан, лекин нима сабабдан шу ишни қилганимни билмайсан. Гапимни эшиит, ишониш-ишонмаслик ихтиёрингда, ундан кейин ўлдирасанми, қўйиб юборсанми, ихтиёр сенда. Финг десам Каломулло урсин!

Боймурод унинг ёқасини бўшатди. Ўсар қон оқаётган лабини артиб гапини бошлади:

– Зарина ўқишдан қайтаётганида қўришиб қолдик. Қишлоқкача гаплашиб келдик. Тан оламан, бу қиз менга ҳам ёқарди, лекин ишон, сендан ўтиб бирор нима дейиш ниятида бўлмаганман. Гапларидан менга майли бордек туюлди. Кейинги қўришганимизда ўзи учрашувга таклиф килди. Қайси йигит бу таклифга йўқ дейди?! Гаштақда озгина ичган эдим, чиқди-му эшиги тагига бориб ҳуштак чалдим. Чиқди. Арчазорга қараб кетдик. Бирорта ҳаракатимга қаршилик қилмади, мен ҳам ўзимни тиймадим. Лекин минг маст бўлсан ҳам аниқ эслайман

– Зарина мендан олдин ҳам ким биландир бўлгани аниқ! Иш битгач, опқочилган қизлардек йиғлай бошлади, одам қўйинг деб талаб қилди. Бу тухмат эканлиги, мен биринчи эмаслигими ни айтганимда мушукдек юзимга сапчиди. Фазабланиб уни ура бошладим. Тинчib қолди. Эшигининг олдига ташлаб кетдим. Юрак ҳовучлаб нима бўлишини кутдим. Билсам, бу бир ўйин бўлган экан, худди шу куни сен уни олиб қочишни мўлжаллаган экансан. Ҳеч ким бу гаплардан хабар топмади. Сен ҳам ичинингга ютдинг. Боланинг отаси мен бўлишим мумкин, лекин ягона гунохкор мен эмасман, хотининг сендан бир сирини яширган. Мен Заринага иш очилиб кетганда айбдор сифатида тутиб бериш учун керак бўлганимни англадим. Ишониш-ишонмаслик ўзингга ҳавола.

Боймурод унинг кўзларига қаради. Ўлим хавфини аниқ кўрган кўзлар алдамаётгандек эди.

– Гапларинг исботланса Заринани, исботланмаса иккингни ҳам тилиб ташлайман. Олдимга туш, сенларни ўша ёқда юзма-юз қиласман. Бўригорда гап айланмасин.

Ўsar бир сўз демай унга эргашди.

* * *

У Зарина ётган хона эшигига етганида ичкаридан хотининг овози эшитилди.

– Сизнинг шу атрофда ишлаётганингизни билгандим, шу ерга олиб келишларини сўрадим.

Эркак кишининг овози эшитилди.

– Мен ҳам сенинг шу ердалигингни эшитиб кўришга келдим. Эринг ҳеч нарсани сезмадими?!

– Билмади шекилли, лекин ким мени бу кўйга соганини сўрайвериб қон қилиб юборди. Яхшики онам иккалангизнинг режангиз иш бериб, ёпиглиқ қозон ёпиқлигича қолди. Ҳозир эrim тақдирга тан берган. Бола нобуд бўлганига куйикиб юрибди. Мен эса кўзим ёримасиданоқ бу боладан умидимни узиб бўлгандим. Лекин... Лекин сиз билан танишган, кўнгил кўйган кунимни эсласам ҳали-ҳали ҳаяжонланаман...

– Ўзинг айтгандек, мен сенга қишлоғингнинг энг олд йигитини жиловлаб берганман. Олдингга келганим боиси шуки, энди эҳтиёт бўлишимиз керак. Лекин, қўрқма, эринг қулогини

ҳам қимирлатолмайди. Бола ҳам нобуд бўлди. Энди аниқ ҳеч нарсани исбот қилолмайди. Агар сал ўзидан кетса, сенга зуғум ўтказса ўзига қийин бўлади. Шаҳарга тушганингда йўқлаб тургин. Мен кетдим.

Боймурод пичоғини сермаб ичкарига отилди. Ўринда ётган Зарина пичоқдан ҳам кўра эрининг бор гапни эшитганидан даҳшатга тушиб чинкириб юборди. Боймурод адашмаган, овоз эгаси ҳақиқатдан ҳам ўша эди. Елкасига оқ ҳалатни омонат илиб олган хушбичим эркак Боймурод етиб келишига бир қадам қолганда тўппонча чиқариб ўқ узди. Боймурод шилқиллаб ийқилди, унинг қўллари Зарина ёпиниб ётган чойшабни чанглаб турди ва секин қўйиб юборди.

Кўп йиллик машқлар бекорга кетмаган, капитан Кабиров ўзини ҳимоя қилишни яхши ўрганган эди...

2009

УСТОМОН ДЕТЕКТИВ

Бу қиссадаги қаҳрамонларнинг барчаси тұқима образлар. Ислар ва воқеалардаги үжашашликлар эса тасодифдан ўзга нарса эмас.

Икки йил Германияда, уч йил Америкада ҳам ўқиб, ҳам ишлаб қайтиб келган Шерздөң энди орттирган тажрибаси ва топған маблагини бирор тижоратни йўлга қўйиш учун ишлатиш устида бош қотира бошлади. Лекин шунча ўйлади ҳамки хориждаги кўрган-билганинг бирортаси янгилик эмас экан. Ўтган йиллар давомида кўпчилик тадбиркор бўлиб кетган, йўқни йўндиришга ўрганиб олганди. Фоя куттилмаганда туғилди. Россия каналларидан бирини кўриб ўтирганида, оиласвий хиёнатларни аникладиган ва эр-хотиннинг барча сирларини очиб ташлайдиганлар ҳақидаги туркум кўрсатувларни томоша қилди ва дарҳол бир қарорга келди: Хусусий детектив йўналишига ўхшаш ташкилот очади!

* * *

Шаҳар марказидаги бинодан ихчамгина бир хонани ижарага олди ва яхшилаб таъмирлатди. Деворни энг машҳур детективлар, киноқаҳрамонлар, табиат манзаралари тасвириланган суратлар билан безатди. Фаолиятга сирли тус бериш учун

хонага маҳсус кодли эшик, энг сўнгги русумдаги сейф ўрнатди, узоқдан ҳам жуда аниқ суратга оладиган фотоаппарат, митти камера, овоз узатувчи мосламалар сотиб олди. Интернетдан, турли кутубхоналардан хусусий детективларга оид маълумотларни синчилаб ўрганиб чиқди. Олган билимлари, хорижда орттирган тажрибаси ишни бошлаш учун етарли, деган қарорга келди ва хусусий детективлик расман ман этилгани боис, зарур хужжатларни «Посбонлик хизмати» дея расмийлаштириди. Оммабоп газеталарга ва интернетга «Эркак ва аёл хиёнати! Фош қиласман ва барҳам бераман!» деган эълон берди ва буюртмага асосан келтирилган ҳашаматли креслосига ўтирганича, оёғини стол устига чиқариб телефонга қулоқ солиб кута бошлади.

Лекин у олиб кирган янгилик ҳеч кимни қизиктирмади шекилли, ҳадеганда қўнғироқ бўлавермади. Иш бошлаганининг иккинчи куни зерикиб ўтирганида телефон овози янгради:

– Сиз бошқа хотинга кетиб қолган эркакларни қайтарасизми? – сўради шанғи овоздаги аёл.

– Йўқ, биз оиласини ташлаб кетган эркакларни қайтара олмаймиз, лекин эрингиз хиёнат қилаётганига шубҳа қилсангиз, бунга аниқлик киритишимиз мумкин, – деди Шерзод овозига иложи борича расмий тус бериб

– Аниқлик киритишингизга бало борми, эримнинг бошқа хотини борлигини беш бармоғимдек биламан. Уйинг куйгур, аввал ўзимнинг дугонам эди, кўзингни қарға чўқигур пинжимга кириб, эримни илиб кетди. Ҳар куни қўлтиқлашиб юрганини кўраман. Барҳам бераман, деганингга телефон қилгандим, қайтариш қўлингдан келмаса нима қиласан вахима қилиб, э ўргилдим сендақа валломатдан, – “сиз”ни “сен”га улаб кетган аёл шанғиллганича гўшакни қўйиб қўйди.

Шерзод бир муддат караҳт бўлиб турди.

Эшик қўнғироги майин куй таратди. Башанг кийинган чиройли қиз турарди.

– Йигитимнинг бошқа қиз билан кинога тушганини кўришибди, ўзи тан олмаяпти. Шуни аниқлаб берсангиз, – стулга жойлашиб ўтирганидан кейин мақсадга кўчди қиз.

– Турмуш қурғанмисизлар?

– Йўқ, лекин менга совчи жўнатмоқчи, – жавоб берди қиз сумкачасининг боғичини ўйнаганича.

– Қандоқ бўларкан, у ҳали ҳеч бир жавобгарлиги бўлмаган бўйдоқ йигит...

– Сиз бошқаси билан юриш-юрмаслигини аниқлаб беринг, у ёғи менинг ишим.

Шерзод бу ҳам кетиб қолишидан қўрқиб шоша-пиша деди:

– Хўп! Бажарамиз.

– Қанча бўлади?

Шерзод ҳудди ҳар куни шунинг орқасидан катта-катта пул топиб юрган одамдек калькуляторни тиқиллатиб, ўзича рақамларни тера бошлади.

– Таак... Бир кунлик кузатиб юришимиз ҳаққи эллик минг, суратга олиш, видео харажатлари... маҳсус иш очиш... Кузатув ўртача тўрт кун давом этиши ҳисобга олинса... Хуллас, ҳаммаси бўлиб уч юз минг бўлади, қўшимча харажатлар чиқиб қолса алоҳида ҳақ тўлайсиз!

– Уч юз минг! Вой-вой-вой! Бопладингизу, – қиз шарақлаб кулиб сумкасини қўлига олди ва ўрнидан турди. Шошиб туроётганида телефони стол тагидаги гиламга «тўп» этиб тушди. Энгашиб олган қиз, юзидағи истеҳзони яширмай гапини якунлади: – Сиз сўраган уч юз мингнинг ўттиз мингини йигитимга берсан, ўзи булбулигўё бўлиб сайраб беради.

Қиз Шерзоднинг изоҳини ҳам кутмай шарт туриб чиқиб кетди.

Яна омадсизлик. Бу иши бирор кишига керакмикан ўзи?!

Бу саволга жавоб мутлақо кутилмаганда, фоясидан қўнгли совиб, умидсизлик тўрларига тобора ўралиб бораётган вақтда топилди. Бу қўнфироқни ҳам навбатдаги қизиқувчиларга тегишли, деб ўйлаганди. Лекин учрашув тайинлаган аёл келишилган соатда, роппа-роса 11:00 да хонасига кириб келди. Қўлидаги калитга қараганда хориж машинасини минади, либослари шаҳарнинг энг қимматбаҳо дўконини тарқ этиб бу аёлнинг эгнидан қўним топган, ўрта ёшларда бўлса ҳам гўзалликка йиллар таъсирини ўтказа олмаган...

– Исмим Гулноза. Ҳўжайним иккимиз ташкил қилган фирмани бошқараман. Фирмамиз нима билан шуғулланишининг аҳамиятийи йўқ. Сизнинг олдингизга етаклаб келган нарса ҳўжайнимга нисбатан пайдо бўлган шубҳа бўлди. Балки адашәётгандирман, лекин негадир ҳўжайнимнинг юриш-туриши ўзгаргандек...

– Ҳўжайним деганингиз...

- Эрим-да! Хўжайин дейишга ўрганиб қолганман.
- Тушунарли. Гумонингизга сабаб бўлаётган аёлни танийсизми?
- Ҳа, у ҳам бегона эмас. Янги ҳамкорларимиздан бири. Агар гумонларим тасдифини топса, нафақат муносабатларимизга, балки тижоратимизга ҳам салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Мана ўша аёлнинг сурати, иккинчиси эса эрим.

Аёл стол устига иккита сурат кўйди. Чиройли бўйинбог тақиб олган, соchlарига оқ оралаган, нигоҳларидан ниҳоятда қатъиятли инсонлиги сезилиб турган эркакка Шерзод диққат билан қаради. Иккинчи суратдаги аёл жуда гўзал эди. Малла соchlари остидан боқиб турган кўзларида кишини сехрлайдиган нимадир оқиб келарди, гўё.

Бу учрашув ўзи олиб келган янги соҳанинг дастлабки иши, халоскори бўлишини сезган Шерзод озгина ҳаяжонланиб ҳам қолди.

- Максадингиз эрингизнинг хиёнатини аниқлаб, у билан шубҳангиз тасдиқланган жойда муносабатларингизга ойдинлик киритишми ёки фақат гумонингизни тасдиқлашми?

- Мен иккаласини ушлаб олиб жанжал кўтариш ниятида эмасман, фақат аниқлаб олсан бўлгани. У ёғи бир гап бўлар...

- Яхши. Ҳақни олдиндан тўлайсиз. Натижа қандай бўлишидан қатъи назар пулингиз қайтарилимайди. Телефон оркали эрингизнинг ҳаракатланиш пунктларини айтиб турасиз.

- Хизматингиз ҳаққи қанча бўлади?

Шерзод калькуляторни олиб ҳисоблай бошлади. Бугун у ниҳоят дастлабки даромадни қайд этиши лозим. Аслида бу ҳисоблашларнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаган, балки у ҳавас қилган хорижлик детективларда аниқ тартиб жорий қилингандир, лекин унинг ишида ҳаммаси нисбий. Ҳаммаси мижознинг имкониятлари ва хоҳишига боғлиқ. Бу опани ҳалиги талаба қиз билан киёслаб бўлмайди, ҳар қалай.

- Эрингиз банд одамлиги, ўзи хоҳлаганда ҳам бундай ҳаракатларга имкон тополмаслигини ҳисобга олиб, кузатув ва далил тўплаш учун камида ўн кун вақт керак бўлади. Иш муддатидан олдин битса ва керакли далиллар олдинроқ тўпланса, қолган муддат кўшимча кузатувларга ҳамда қайта тасдиқдан ўtkазишга сарфланади. Хизмат ҳаққим икки миллион бўлади.

Кўшимча харажатлар туғилса, масалан, эрингиз узок сафарга чиқиши лозим бўлса ва бу сафардаги ҳаракатлар ҳам шубҳа остига олинса, бунинг учун алоҳида ҳақ тўлайсиз.

– Розиман, – аёл сумкасини ковлади ва нозик бармоқлари билан шиқирлатиб пул санади. Кейин стол устига бешта юзталик доллар ташлади. – Ортиқ-камига сиз ҳам рози бўлинг.

* * *

Шерзоднинг «Матиз»и кузатувдаги хонимнинг «Спарк» автомобилини йигирма дақиқача таъкиб қилиб юрди. Икки томонда ҳам кузатилган фаол ҳаракатлар, бугун қандайдир мантиқий якун мўлжалланаётганидан далолат берарди. Тижоратчи акамиз бугун атайлаб шаҳарнинг машҳур заргарлик дўконига кириб, қандайдир тилла буюм харид қилди. Дўкон нисбатан кичикилиги учун Шерзод унинг ортидан киришга ботинмай, ойна ортидан туриб суратга олди. Суратлар бир оз хира, тумандаги-дек кўринса-да, тақинчоқ ушлаб турган, дўкончига пул узатаётган эркакни таниб олиш қийин эмасди.

Хоним шундок ҳам сулув бўлса-да, икки соатдан ортиқ гўзаллик салонида ўтириб, бу ошиёндаги барча гўзалликни ҳеч кимга қолдирмай олиб чиқди, гўё. Кейин ҳар икки кузатилгувчилар муҳташам ресторанинг алоҳида хонасида учрашишди. Уларнинг ёнидаги хонани банд қилган Шерзод ҳеч кимга билдирамай эшик тирқишига митти микрофон ўрнатди ва ўзини худди мусиқа эшитаётгандек тутиб бамайлихотир емак ея бошлиди. Узатилаётган овозлардаги ҳар бир жумла Шерзоднинг ишдаги ривожи деб аташ мумкин.

– Кўринмай кетдингиз, Анвар Саломович ё келинойим рухсат бермаяптиларми? – сўзлар ортидан, худди сувнинг шилдирашига үхшаш енгил кулги эшитилди.

– Ишлар кўпайиб кетди, Жасмин. Биласиз-ку, вақт тез ўтади, ана-мана дегунча охирги учрашувимизга ҳам ўн кун ўтиб кетибди. Лекин бу ўн кун, фақат сизнинг ҳусни-жамолингизга муносиб совға қидиришга кетди, – ёзилиб кулди Шерзоднинг “мижози”. – Ишонаманки, мана бу арзимас буюм қаршимдаги гўзалликка путур етказа олмайди.

– Вой бў-ў. Бунчалар бежирим бўлмаса, ҳали ҳеч ким менга бу қадар чиройли узук совға қилмаганди. Миннатдорман,

– овозларга қараганда Жасмин хоним ўрнидан турди ва енгил бўса олди.

Ресторанда икки соатдан ортиқ давом этган учрашув жараёни, шаҳар марказидаги кўпқаватли уйлардан бирига кўчди. Шерзод ресторандан чиқаётгандарида Анвар Саломовичнинг костюмига усталик билан ўрнатиб кўйган микрофон машинада ҳам, хонадон ичкарисида ҳам ўз вазифасини аъло даражада бажарди. Лекин хонадон биринчи қаватда бўлса-да, зич ёпилган пардалар ортидаги “ширин сухбат”нинг суратларини олишнинг иложи бўлмади. Лекин тўплаб улгурган маълумотлари, Гулноза опанинг барча гумонлари ўз тасдифини топиши учун етарли эди. Шерзод машинасига ўтириб, фотосалонга йўл олди ва ўзи ишлаган суратларни чиқарди. Йигирма еттита суратнинг ўн учтасида эркак ва аёлнинг ўзгача муносабатда эканлигини яққол ифодаловчи тасвирлар жойланганди. Шерзод суратлар ва аудиоёзувларни битта папкага солди ва қўйнига тиқди.

Уйига қайтаётганида тун ярмидан оққанди. Рулни иккинчи даражали йўлга бурди. Пиёдалар йўлагидан югуриб чиқкан йигитни кўриб тормозни кескин босди. Машина чийиллаб тўхтади. Гарчи машина тегмаган бўлса-да, югуриб ўтаётгган йигит хаяжоннинг зўридан йиқилиб тушганди. Шерзод шоша-пиша тушиб уни ўрнидан турғазди. Чирок нурида унинг юзига тикилди. 19-20 ёшлардаги йигит жуда оқариб кетганди. У узр сўрай-сўрай, уст-бошини қоқиб йўл четига чиқиб ўтирди. Шерзод йигит ўзига келгунича ёнида бўлди.

Бир оз ўзига келган йигит ҳеч нарса бўлмаганини қайта-қайта айтиб, хайрлашди ва ўз йўлига равона бўлди. Унинг соғ-саломатлигидан хотиржам бўлган Шерзод ҳам машинасига ўтириб уйи томон йўл олди.

* * *

Эртасига эрталаб у офисига борди. Хонасига кириши билан биринчи мижозининг ҳамма шубҳаларини тасдиқловчи далиллар тўпланган папкани очди. Барча суратлар ва аудио-видеоёзувларни тартиб билан териб чиқди ва хulosани тўлдириб, Гулноза опага кўнфироқ килишга чоғланди. Иш беш кунга қолмай битди, мижоз хурсанд бўлса керак. Лекин аёл турмуш ўртоғининг хиёнатини қандай қабул қиласкин? Бунинг аҳамияти

йўқ, Шерзод ўзига юклатилган вазифани вижданан бажарди, пулини ҳалоллаб оляпти.

Телефон гўшагини кўтарган чоғда эшик очилди. Шерзод гўшакни ушлаганича қотиб қолди. Эшиқдан кириб келган одам Шерзоднинг биринчи «мижози» Анвар Саломович эди. Унинг қатъият билан боқиб турган кўзларида «Кутмагандинг-а?» деган истеҳзоли савол мужассам бўлганди.

Ҳаяжонини босишга уринаётган Шерзод гўшакни қўйиб ўрнидан турди.

– Келинг, хизмат?

– Келдик, укагинам, келдик. Кичик бошимизни катта остоналарига уриб, илтижо билан келдик, – кўзларини тешиб юборгудек қилиб қадаб жавоб берди Анвар Саломович.

– Қандай ёрдам беришим мумкин?

– Шерзодмиди исминг? Сенлаганимга хафа бўлмайсан, ўзимдан кичикларнинг ҳаммасига сенлаб мурожаат қиласман. Қўл остимда ишлайдиган уч юз етмишта укаларим буни яхши билишади ва хафа бўлишмайди. Нимага келганимни иккимиз ҳам жуда яхши биламиз. Шунинг учун ёш болага ўхшаб бекинмачоқ ўйнамайлик-да, мақсадга ўтақолайлик.

– Жуда яхши бўларди. Хўш, нима истайсиз мендан?

Анвар Саломович «Қанақа гап уқмас тўнкасан?» дегандек бир муддат тикилиб турди. Кейин овозига янада салобат аралаштириб деди:

– Менга оиласминг тинчлиги керак. Сен шу тинчимга раҳна солмоқчисан. Мен дангал одамман. Столинг устидаги папканинг нархини айт!

Шерзод гапни айлантиришнинг фойдаси йўклигини англади ва иложи борича босиқлик билан жавоб берди.

– Бу папканинг ҳақи тўлаб қўйилган. Энди эгасига етиб борса бўлгани.

Анвар Саломович чўнтагини ковлади ва бир боғлам долларни стол устига ташлади.

– Олган беш юзинг ўн марта кўпайди. Рози бўл, ука!

Шерзод пулга қарамай жавоб берди:

– Ака, айтдим-ку, бунинг иложи йўқ.

– Демак, жуда ҳалол ва бир сўзли йигитсан. Пулдан кўра обрўйингни, янги очган ишингнинг келажагини ўйлайсан...

Тушунарли. Энди менга айт-чи, мана шу папка хотинимга етиб боради, у мен билан аразлашади. Бирор ҳафта гаплашмай юради. Ўртага совуқчилик тушса-да, оиласи бузилиб кетмайди, деб умид қиласман. Чунки хотиним ақлли аёл. Хўш, ўртамииздан ола мушук ўтказишнинг сенга нима нафи бор?

– Бу саволни сиз менга эмас, ўзингизга беринг. Оилангизни шунчалик авайлар экансиз, нега бунақа йўлга юрдингиз?!

– Уйланганмисан?

– Йўқ.

– Тушунарли... Русларда шунақа латифа бор: Бир эркақдан «Хотинингга хиёнат қиласанми? деб сўрашса, бошқа кимга ҳам хиёнат қиласман?!» – деб жавоб қайтарган экан. Демак, сенинг хиёнат қиласиган одаминг йўқ...

– Ҳаммани ўзингизга ўхшатманг!

– Ҳа-а... Ўттиз ёшимгача мен ҳам шундай ўт-олов эдим. Дунёда ҳақиқат ўрнатишни орзу қилгандим. Қирқ беш ёшимда, орзумдаги ҳамма нарсага эришганимда, ана шу ҳақиқат мени сенинг ёнингга етаклаб келиб турибди. Менга айт-чи, шу папкангни хотинимга кўрсатсанг, у хурсанд бўлади, деб ўйлайсанми?

– Бунинг менга аҳамияти йўқ, мен ўз вазифамни бажаряпман.

– Ўз вазифангни эмас, ўзинг ўйлаб топган вазифани! Сен телевизорда томоша қилган, чет элларда кўриб келган нарсаларинг ўша ёкларга муносиб. Бизда ҳаммаси бошқача, бутунлай бошқача!

– Илтимос, менга ақл ўргатманг!

– Янги иш бошладинг, бу ишингнинг келажагини ўйлайсанми?

– Ҳаммасини вакт кўрсатади.

– Хоҳласанг иккимиз келишиб оламиз. Шаҳарнинг манаман деган юзта бойидан саксонтасини жуда яхши биламан. Шу саксонтадан ўттизтаси менинг яқин дўстларим бўлишса, қолган элликтасининг тақдиди мен учун аҳамиятсиз. Ўша элликтадан кирктаси роса сенбоп мижозлар. Агар рози бўлсанг, ҳаммасининг сирларини бирма-бир оча оласан. Пулга кўмилиб кетасан.

Шерзод ўйланиб қолди.

Бу одамнинг гапларига қараганда у бугун Шерзодни бир

ёқлик қылса қыладики, папкани олиб кетмаса қўймайди. Ундан кўра секинлик билан диктофонни ёкиш керак. Гапларини тасмага тушириш, унга қарши далилларни қўпайтириш ва келажакда ҳимоя бўладиган гапларни ёзиб олиш, кейин номига бўлса-да, папкани топшириш лозим. Суратларнинг негативи ва ёзувлар нусхаси компьютерда бор. У секинлик билан шими-нинг камариға тақилган диктофон тугмасини босиб қўйди.

– Анвар ака, биринчи ишимданоқ фирромлик қилолмайман. Одамларнинг менга нисбатан ишончи сўнади. Қолаверса, Гулноза опанинг ёнида нокулай...

– Хўш, ўша фирромликни биринчи ишингда эмас, иккинчи ишингда қилсанг, нима ўзгаради? Укагинам, берганимга розиман, опангдан олганинг ҳам ҳалолинг бўлсин. Ишингни кўнгилдагидек бажарганингни исботлайдиган далилларни ўзим бераман. Мана, айнан сен кузатган саналарда ўртокларим билан ресторонда ўтирганим пайтидаги суратлар, керак бўлса видеоёзувларни ҳам етказаман. Менга ишон, опачанг ҳам шубҳаси ўз тасдифини топмаслигини чин дилдан истайди. Қолаверса, гапим гап, бойваччаларни битта-битта қўрсатавераман, сен эса маза қилиб шилаверасан. Мен сенинг биринчи емишинг бўлишга ўз ихтиёrim билан рози бўляпман. Пулни олу, папкани узат!

Шерзод пулга тегмасдан стол устидаги папкани Анвар Саломович томон узатди. Анвар Саломович папкани очиб суратларга бирма-бир қараб чиқди.

– Ҳа-а, анчагина уста бўлиб қолибсан. Бу хунаринг ҳали иккимизга анча иш бериши мумкин.

– Мен шартингизга рози бўлдим. Энди бир саволимга жавоб берсангиз. Мен тўғримда қандай билдингиз?

– Буни вақти келиб билиб оласан. Мана бу менинг ташриф қофозим. Сен ўзингнигини менга бер, энди ака-ука, ҳамкорлармиз ахир. Бугун ҳаётингдаги энг тўғри қарорни қабул қилганингга ҳали ўзинг ҳам амин бўласан.

Папкани қўлига олган Анвар Саломович дераза ёнига борди ва еттинчи қаватдан фақат томлари кўриниб турган машиналарга ишора қилди.

– Оқ «Матиз» сеники-а?

– Ҳа, меники.

– Бир оздан кейин ғаладонига бир қараб қўярсан. Майли, мен кетдим, яқинда учрашамиз.

Анвар Саломович чиқиб кетиши билан Шерзод пулни санаб чўнтағига солди ва шоша-пиша компьютерни очиб, кечаги сурат ва видеоёзувларни алоҳида файлга жойлади ҳамда унга пароль ўрнатди. Кейин эшикни қулфлаб, пастга тушди. Машинани пульт билан очиб, ғаладонни тутқичидан кўтарди. Ғаладон ичидаги бир талай қоғозларни олиб титкилади. Қоғозлар орасидан оқ куқун солинган учта кичкина елим пакетчалар тўкилиб тушди. Уларни қўлига олган Шерзод титраб кетди: герон!

Уни совук тер босиб кетди. Сониянинг юздан биричалик муддатда хаёлидан шу ишга киришганидан бошлаб, кеча йўлига югуриб чиқкан йигит, Анвар Саломовичнинг ўқдай нигоҳи юргургилаб ўтиб кетди. Шоша-пиша пакетларни қоғозга ўраб, атрофга аланглади. Йўқ, никоб кийган хавфсизлик ходимлари шартта машинани ўраб олишмади. Шаҳар ҳаёти ўзанида бир маромда оқиб борар, атрофдаги одамлар ўз ташвишлари кетидан югуриб юришарди. Чўнтак телефони жиринглади. Яширин рақам:

– Шерзод, укам. Қўлингдаги нарса билан бирга компьютерингдаги далилларни ҳам йўқот. Дарвоке, қайишингдаги диктофон ҳам эсингдан чиқмасин. Қўришгунча.

Шерзод бўшашиб ўтириб қолди. Бу одам ким ўзи, нахот шу даражада курдатли бўлса? Энди аёлга нима дейди? Барибир Анвар Саломовичнинг куйига йўрғалашдан ўзга илож йўқ, бу ишники қила олган одамнинг қўлидан ҳар қандай қабиҳлик келади... Шерзод “мижози”ни усталик билан қопқонга туширдим, деб ўйлаб юрган онларида ўзи бундан ҳам мураккаб қопқонга тушиб қолган, энди чиқолмай тўлғанарди.

Йўқ, бу ҳали ҳаммаси тугади, дегани эмас. Келишув бўйича яна тўрт кун вақти бор. Демак, бу орада Гулноза ундан натижа талаб қилмаслиги аниқ, унгача эса бир гап бўлар...

* * *

У қўлидаги пакетчаларни қоғозга ўради ва чўғни ушлаб олганда титраб-қақшаб бурчакдаги ахлат қутисига сочиб ташлади. Кейин худди ўғрилар каби у ёқ-бу ёққа аланглади. Ҳеч ким унга эътибор бермаётганига ишонч ҳосил қилгач, шоша-пиша

кабинетига чиқди. Эшикни ичкаридан қулфлаб олиб компьютердаги Анвар Саломовичга оид маълумотларни бирма-бир йўқота бошлади. Кейин фотоаппаратдаги суратларни ҳам ўчириб ташлади. Ҳаммаси ўчганига ишонч ҳосил қилганидан кейин юзидаги терни артиб, графиндан сув куйиб иди. Телефони жиринглади. Ўша! Яна нима истайди ундан?!

– Шерзод, сен жуда ақлли йигитсан. Барчасини тўғри қилдинг. Фақат сенга маслаҳатим: бунчалик қўрқоқ бўлма. Машинангдаги оддий оҳак кукуни эди. Ишонмасанг ўриндинг тагида яна биттаси ётибди, текшириб кўр. Гаплашамиз, омон бўл.

Шерзод яна юргилаб пастга тушди. Ўриндик тагида ҳақиқатдан ҳам яна битта ўшанақа пакетча ётарди. Олиб ҳидлаб кўрди. Бўрнинг майдалангани! Аниқ! Кукунни тупрок устига тўкиб ташлаб, яна хонасига чиқди.

Бу одам ким ўзи?! Наҳотки шу қадар ўйинчоқ қилиб олди?

Хонани кўздан кечира бошлади. Компьютер бирорта тармоққа уланмаган, демак, унинг ичидаги маълумотларни четдан туриб ўрганиш мумкин эмас. Ичкарига камера ўрнатишнинг иложи йўқ, чунки бу хонага ўзидан бошқа ҳеч ким кирмайди. У одам Шерзоднинг қандай харакат қилишини аниқ билган. Ҳаяжон ақлни четга суриши, барибир ўзининг йўриғига ўйната олишини англаб етган ва шунга кўра ишонч билан харакат қилган. Шерзод роса унинг найига ўйнади...

Лекин биргина таскин бор. Фуур топталганини ҳисобга олмаса, Шерзод бу ишдан фойда билан чиқяпти. Дарвоқе, пул!

Шерзод шоша-пиша тортмадаги долларларни олиб лупа ёрдамида текшира бошлади. Йўқ, алдамабди. Пуллар қалбаки эмас, ҳеч қанақа белгилар ҳам қўйилмаган, демак унинг нияти жиддий, ҳақиқатдан ҳам Шерзод билан аллақандай ишлар қилмоқчи...

Шерзод Гулноза опани уч кундан кейин чақирди. Аёл айтилган вақтда келди. Шерзод унинг қўлига Анварнинг ўзи ташлаб кетган суратларни тутқазди.

– Эрингиздан бекорга шубҳаланяпсиз. Кузатув давомида хиёнат тасдиғини топмади. Тўғри, кузатувнинг учинчи кунида эрингиз ўша аёл билан учрашди. Лекин бу учрашув аёлнинг

офисида бўлиб ўтди. Аллақандай ҳужжатларга имзо чекиб, тезда хайрлашишди. Қолаверса, ҳар иккиларининг олдида шериклари бор эди. Мен хизматимни бажардим. Хоҳласангиз кузатувни давом эттиришим мумкин.

Аёл суратларга бир-бир кўз югуртирди-да, жавоб берди:
– Ҳожати йўқ.

* * *

Яна бир ҳафта, асосан, бекорчилиқда, бўлар-бўлмас қўнғироқларга жавоб бериш билан ўтди. Кимdir етти йил аввал оиласини ташлаб, Истроил давлатига кетиб қолган хотинини қайтаришини сўради, яна кимdir эрини иссиқ-совуқ қилиб олишганини айтиб роса вайсади. Ҳаммасидан ҳам бир йигитнинг илтимоси қизик бўлди.

– Ўртоғим уйланяпти, – деди у шивирлаб, – бой одамнинг боласи. Ўшанинг чимилдигига камера ўрнатиб берсангиз. Суратга тушириб олиб ўзига кўрсатамиз, икковлашиб битта зиёфатга туширамиз. Роса прикол бўлади-да.

Шерзод уни ҳайдаб чиқариб юборишдан зўрға ўзини тийиб жавоб берди:

– Биз бунақа бемаъни ишлар билан шуғулланмаймиз.
– Э, ока, пулидан ғам еманг, ўзидан ундирамиз. Ошналар олдида шарманда бўлишдан қўрқиб, неча пул десам тўлайди. Ундан ундирганимдан сўнг ҳақингизни бераман.

Шерзод индамай ўрнидан туриб эшикни очди ва йигитга йўлакни кўрсатди. Йигит унга истехзо билан бошдан оёқ қараганича ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Яхшики моддий қийинчилликлар йўқ. Анвар Саломович берган пуллар унга бир йил давомида тирикчилик қилиш учун етади.

Қўл телефони жиринглади. Сирли рақам. Хизрни йўқласа бўларкан. Қўнғироқ қилаётган Анвар Саломович эди.

– Шерзод укам, ўзингдамисан, бир акамиз билан ёнингга бормоқчи эдик.

– Яхши, келаверинглар, тинчликми ўзи?
– Борганда гаплашамиз.

Анвар aka унинг хонасига элликни қоралаб қолган тепакал одамни бошлаб кирди.

– Бу киши менинг энг яқин акахонларымдан бири Шавкат ака бўлади. Сенда бир иши бор экан. Рози қилади.

Шавкат ака деганлари худди ялинаётгандек овозда гап бошлади.

– Очигини айтсам, дардимни кимга айтишни билмай, анча бошим қотганди. Яхшиям Анваржонга ёрилганим. Укамиз сизни тавсия қилдилар. Гап шундаки, менинг йигирма уч яшар ўғлим бор. Эр хотин беш йил деганда кўрган яккаю ягона фарзандимиз, ёлғиз меросхўрим шу ўғлим. Фарзандим Шухрат бир қизга илакишиб қолди. Хотиним ҳам, мен ҳам севгани билан оила қуришига қарши эмасмиз. Лекин бу қиз бизнинг шаҳардан эмас. Келиб чиқиши номаълум. Энг ёмон шубҳам, аввал оила қилган, бир-икки эр кўрган ҳалигинаقا аёлларга ўхшаяпти. Ўғлимни ўзига шунчалар ром қилиб олганки... Менинг бойлигим илинжида юрган бу пихини ёрганга қарши бирор чора тополмаяпман. Ўғлим бу ҳақдаги гапларни эшлишни ҳам истамаяпти. Агар шубҳаларим тасдигини топса, ўғлим ўз-ўзидан бу ниятидан қайтармиди, дейман.

Шерзод жавоб бергунicha бўлмай Анвар Саломович гапни илиб кетди:

– Шерзоджон яхши йигит, албатта ҳаммасини чиройли қилиб беради.

– Агар ўғлим шу ниятидан қайтса, оғзингизга сикқанини бемалол сўрайверинг. Пул мен учун муаммо эмас, лекин кўнгил ишига ожизлик қилиб қолдим.

Шавкат ака деганлари стол устига иккита сурат кўйди.

– Манови менинг ўғлим, ёнидаги «БМВ» ўзининг машинаси. Иккинчиси ўша мегажин. У Шухратдан уч ёш катта. Қаранг, ўғлимдан «Ласетти» ундиришга ҳам улгурибди.

Шерзод суратларни қўлига олиб диққат билан тикилди. Охирги русумдаги «БМВ» рулига суяниб суратга тушган йигитнинг кўзлари соддалик билан боқиб турарди. Иккинчи суратдаги қип-қизил «Ласетти» ёнида суратга тушган,mall соchlари шамолда шаршарадек ўйнаб турган гўзал қизнинг кўзларида эса аксинча, қандайдир сеҳр жо бўлганди.

Шавкат ака худди Шерзод ҳам дарров қизга ошиқ бўлиб қоладигандек қўшиб кўйди:

– Бу қизнинг бир жодуси бор, бўлмаса ўғлим бунчалик ёпишмасди. «Ласетти»сиям бошидан қолсин, оиласми тинч қўйса, шаҳар марказидан уй олиб беришга ҳам тайёрман, лекин назаримда у кўпроғини хоҳлаяпти. Урушми, урушдек бўлсин. Мен унинг қўзига қўрсатаман ҳали!

Шавкат ака стол устига пул ташлади.

– Бу ерда кўкидан мингта. Кам бўлса бехижолат сўрайверинг.

– Йўқ, етарли. Менга камида ўн беш кун муддат керак.

– Мен шошаётганим йўқ. Мухими, ўша алвастининг барча сирларини очиб ташлаб, ўғлимни бу йўлдан қайтарадиган далилларни тўплаб берсангиз бўлгани.

Иккаласи ҳам ўрнидан туришди. Чиқиб кетаётгандарида Анвар Саломович бир муддат Шерзоднинг ёнида тўхтади ва секин шипшиди:

– Кеннайинг роса хурсанд бўлди-да. Ишқилиб сен ҳазилимга хафа бўлмадингми? Кўнглингга олма, мана шу баҳона иккимиз анча синашта бўлиб қолдик. Оканинг ишларини михдай қилиб тўғирлаб бер. Жуда қўли узун, бели бақувват одам. Бу олганинг ҳамир учидан патир.

Анвар ака Шерзоднинг елкасидан қоқиб чиқиб кетди. Уларни кузатиб қайтганидан кейин пулларни текшириб сейфга жойлади ва Шухратни қидириб, Шавкат ака айтган манзилга равона бўлди.

* * *

Тамадди қилиб олиш учун қаҳвахонага кирган Шерзод «Кока-кола» олиб, ташқаридаги стуллардан бирига бориб жойлашди. Официант буюрилган таомларни олиб келгунича ичимликдан симириб ўтирди. Уч кундирки у буюртмага кўра Шухрат билан севгилисини кузатади. Иккаласи ҳар куни учрашишади. Ўсмирлардек истироҳат боғларини айланишади, музқаймоқ ейишади, кинога тушишади. Шерзод ҳам уларни изма-из кузатади, суратларга туширади. Лекин бу ишлардан нима фойда? Ахир ҳамма биладиган нарсани қайта тасдиқлашнинг кимга кераги бор? Шерзод қизга алоқадор маълумотларни, унинг разли ниятини тасдиқловчи далилларни тўплаши керак...

Лекин аксига олиб кузатув бот-бот боши берк кўчага кириб қоляпти. Ҳар сафар Шухрат қизни квартирасига олиб ке-

либ қўйганидан кейин қиз ҳеч қаёққа чиқмайди. Машинани ҳам навбат билан бошқаришади. Баъзан қиз ўз машинасида Шуҳратни бирор жойдан олиб кетади ва яна биргалиқда шаҳар кезишади. Кузатув давомида Шуҳрат бирор марта қизнинг хонадонида қолмади, қиз ҳам бирор марта ножӯя ҳаракатни сездирмади.

Шерзоднинг қиз ҳақида аниқлаганларидан бирор нарса чиқариш қийин. Исми Севинч, минг километр наридаги вилоятдан келган, олий маълумотни Москвадаги нуфузли институтлардан бирида олган. Ҳозирги хонадонда ижарада туради. Ижара пулинни, табиийки, Шуҳрат тўлайди. Хуллас, Шавкатбойнинг юрагига далда бўлгудек, Шуҳратбойваччани бу қизнинг чангллаб олишга арзигудек ҳеч маълумот йўқ...

Бокалга яна ичимлик куяётганида тўғрисидаги стол ёнидаги стулга бир қиз келиб ўтирди. Официант келиб буюртма олгунича бежирим сумкасидан Англияда чиқадиган «Ҳэлло» журналини олиб вараклай бошлади. Кейин дикқат билан ўкишга киришди. Шерзод бу нашрни яхши билади. Асосан шоу-бизнес оламини ёритадиган бу журнал хорижда анча машхур. Русча варианти ҳам бор, лекин қизиги шундаки, қизнинг қўлидаги журнал унинг инглизча нашри эди. Ажойиб, шундайлар ҳам бор экан-ку.

Шерзод Америкадан қайтиб келиб иш қидирганида қайси ташкилотга кирмасин оғзини тўлдириб инглизчани яхши билишини айтиб мақтанар, деярли ҳамма унинг бу гапига елка кисиб қўя қоларди. Ўтган йиллар ичida интилувчан ёшларнинг анчагина қисми чет тилларни ўрганаётган, инглиз тилини билиш Шерзод ўйлагани қадар мақтандулик хислат бўлмай қолганди. Лекин шунча одам тил ўрганса-да, ҳали ҳеч кимнинг қўлида хорижий нашрни кўрмади. Бу қиз эса нафақат ўқияпти, балки шу қадар тез ўқиб, таҳлил қила олганидан кулиб ҳам қўйяпти.

Шерзод қизга зимдан разм солди. Бўйнидан қирқилган қоп-қора соchlари сутга чайилгандек оппоқ юзига андак сочилиб турибди. Қўзлари шу қадар чиройлики...

Шерзод қаҳвахонанинг ойнасига боқди. Ёруғ таъсирида қаҳвахонанинг ойнаванд девори ҳамма нарсани худди кўзгудек акс эттириб турарди. Ойнага тикилган аксида Шерзод келишган

қадди қоматни, калта қилиб қирқилган сочлар остидаги кенг пешонани, одатда фақат бўйдоклардагина бўладиган қизиқувчан нигоҳларни кўрди. Унинг ҳам ёши ўттизга қараб кетяпти. Бирор кишидан кам жойи йўқ. Моддий муаммоларни ҳал қилган, ўзича янгилик деб ҳисобловчи соҳада ишляяпти, шундай гўзал қиз билан танишишга қандай тўсиқ бўлиши мумкин?!

Шерзод қизга бурилиб қаради ва инглизчалаб сўради:

– «Ҳэлло»нинг янги сони анча қизиқ чиқибдими дейман-а?

Қиз ҳайрон бўлиб қаради. Беғубор нигоҳлари уни янада гўзали қилиб кўрсатарди. Қиз инглизчада худди она тилида гапираётгандек жавоб берди:

– Ҳа, жуда ажойиб журнал, айниқса Анжелина Жоли ва Бред Питтнинг ажрашаётгани ҳақидаги мақола роса қизиқарли экан.

Шерзод мулокот учун иккаласи танлаб олган тилда сұхбатни давом эттириди:

– Лекин бу нашрдаги кўплаб маълумотлар тасдифини топмайди. Хориж шоу-бизнеси миш-мишларга тўла. Лекин ўзимизникиям уларницидан қолишимайди. Шерзод!

Қизнинг чиройли кўзлари катта-катта бўлиб кетди. Кейин ўзбек тилида деди:

– Ие ўзбекмисиз, менинг исмим Малика. Танишганимдан хурсандман.

Шерзод егуликларни Маликанинг столига кўйдирди. Ўн дақиқадан сўнг улар худди минг йиллик танишлардек сұхбатлаша бошладилар. Малика нафақат инглизчани мукаммал ўрганган, балки ўша хорижлик қизлар сингари киришимли, тез тил топишиб кетишини ҳам яхшигина ўзлаштирганди. Қизнинг сўзларини тингларкан Шерзод ўзи қидириб юрган оламини топиб олгандек тобора кўнгли ёришиб борар, охириги кунларда унмаётган ишлар тўғрисидаги фикрлар хаёлидан борган сари узоклашарди. Малика Англияда ўқиб келган, хозир дадасининг фирмасида иш бошлаш ниятида экан. Иқтисод соҳасига нафақат ўзининг қизиқишлиари, балки оиласвий бизнесларининг эҳтиёжи учун ҳам ўқиганлиги, бу йўналишда анча ютуқларга эришмоқчилигини айтиб берди. Бир соатча давом этган ширин сұхбатдан кейин Малика узр сўраб ўрнидан турди ва чўнтағидан пластик карта чиқарди. Официант унга ҳаммаси учун тўланганини айтганида Шерзодга қараб маънодор жилмайиб

күйди. Кейин бақани эслатувчи, ранги ҳам бақа сингари ям-яшил, яркирок автомобиль ёнига борди. Эшикни пульт ёрдамида очиб Шерзодга ўгирилди.

– Бу дадамнинг диплом олиб келган куним берган совфаси. Илтимос, кулманг. Шундок ҳам дугоналарим «Бақанғни чоптириб юрибсанми?» деб масхара қилишади. Аслида жуда қимматбаҳо машина, лекин тушунишмаса қийин экан. Бир марта жаҳлим чиқиб сотиб юбормоқчи ҳам бўлдим. Ҳамма қизиқиб томоша қилди. Лекин ҳеч ким сотиб олмади. Ҳатто ўз нархининг учдан бирига ҳам сота олмаганимдан кейин тақдирга тан бериб мина бошладим. Лекин ўзи жуда қулай машина.

Шерзод «Бақа»ни яхши билади. Камида эллик минг кўкидан турса керак. У ёнида камтарлик билан турган «Матиз»ига ишора қилди:

– Истасангиз алмаштирамиз.

Малика чиройли кулди.

– Э, бу машинани йигитлар бошқарса роса кулгили бўлса керак. Менинг «Матиз»им ҳам бор. Энди ўшани мина қоламан. Ҳўп бўлмаса, кўришгунча.

Шерзод у билан хайрлашаркан кўнглида ажиб ҳислар қолди. Шу даражада кенг имкониятлар эшигининг қалитига эга бўлса-да, Малика жуда самимий қиз эди. Ҳозиргина унинг рақами сакланган қўл телефонига яна бир марта қараб олди. Яна учрашишармикан?.. Учрашишлари керак, Шерзодга қолса шарт учрашишлари.

Кейинги кун кўзлар кузатувда бўлса-да, хаёл Маликанинг бефубор кўзларида бўлди. Ҳар сафар қизга сим қоқиш истагида рақамни қидирган бармоқлар яшил тумани босишга ожизлик қилиб қоладилар. Аввало андиша, кейин шунчаки бошни айлантиришни одат қилиб олган йигитларга ўхшамасликка интилиш ҳисси Шерзодни тўхтатиб қолаверди. Ҳеч бўлмаса бир кун ўтиши, бу муддат ичida ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўриши керак. Чунки ҳамиша ишқ-муҳаббат деган ҳисларни писанд қilmай келган кўнгил ҳозир ўртанаётган бўлса-да, барибир сабр қилиш лозим. Ҳали Малика нима дейди, балки одоб доирасида йигит билан очилиб гаплашгандир, озгина сухбат қургани учун шартта муҳаббат даво қилиш бемаънилиқдан ўзга нарса эмас...

Қарама-қарши ҳислар туғёнида яна бир тонг отди. Эрталаб кабинети эшигини очган Шерзод шошиб кириб жиринглаётган телефон гӯшагини кўтарди.

– Шерзоджон иним, яхшимисиз? Мен Шавкат акангизман, ўғлимнинг иши қай даражада силжияпти, шуни сўрамоқчи эдим.

– Ҳозирча сизни хурсанд қила олмайман, лекин тинимсиз кузатяпман. Бирор нарса топишим билан сизга хабар бераман.

– Шерзоджон, сиз билан кўришсак бўладими? Ўша куни айтишга истиҳола қилган баъзи гапларим бор эди.

– Марҳамат, эшигим ҳамиша очик.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Шавкат aka кириб келди. Негадир унинг кўлида инглиз бойваччалари ичадиган бир шиша виски ҳам бор эди.

– Хорижга охирги сафаримда олиб келгандим. Икковлашиб бир отамлашайлик.

Шерзод қаршилик қилмади. Иккита қадаҳга қўйилган тиник ичимлиқдан озгина ҳўплаганларидан кейин Шавкат aka яна ўзига хос ўқинч оҳангода гап бошлади:

– Ўғлим онаси иккимизнинг яккаю-ягонамиз, қўзимизнинг оку қораси эканлигини сизга тушунтиргандим. Лекин ўша куни Анвар укамизнинг олдида айттолмаган гапим шуки, Анваржоннинг ҳам якка-ёлғиз фарзанди – ой деса ойдек, кун деса кундек қизи бор. Онаси иккимиз шу қизга ҳамиша ҳавас қилиб келганимиз, ҳали оғиз солмаган бўлсак-да, ниятларимиз жуда ажойиб. Анваржон ҳам рози эди, тўғрироғи, ҳали ҳануз рози. У йигитликда бўладиган бунақа ишларни жуда яхши тушунади. Дарвоқе, у билан боғлиқ ишни кўнгилдагидек ёпганингиз учун сизни ҳамиша алқайди. Энди бу бебошлиқ биз, эркакларнинг қонимизга сингиб кетган бўлса керак-да. Мен ҳам элликдан ўтиб, олтмишга қараб кетяпман. Лекин кўнгил қурғур ҳамон гўзларни қўмсаб колади. Жуда ўтлаб кетдим. Яна мавзуга қайтадиган бўлсак, хуллас, Анваржон иним ўғлимнинг бу юришини билса-да, менга берган ваъдасидан қайтмади. Ҳали болаларимиз бу режаларимиздан бехабар, лекин шуни аниқ биламанки, ўғлимни ўша жодугарнинг тўридан эсон-омон куткариб олсан, унинг учун Анваржоннинг қизидан яхшироқ келин топилиши даргумон. Анваржоннинг ҳам тузуккина мол-мулки бор, ҳозирча келин иккилари бошқариб турган компания барибир қизига

колиши аниқ. Гапларимни нотүгри тушунманг. Мен унинг бойлиги илинжида эмасман, үзимники етарли, лекин бу оиланинг интилишлари, дўстлигимиз, энг муҳими, ақлли қизи бизнинг кудачилигимизга яхшигина асос бўла олади.

– Тушунарли. Лекин менга бу жиҳатларнинг унчалик аҳамияти йўқ. Мен шундок ҳам вазифамни сидқидилдан бажаряпман.

– Ҳамма гап шунда, иним. Мени сизнинг олдингизга яна етаклаб келган илтимос салгина бошқача тус оляпти. Қўлингиздан нафақат бор нарсаларни йўқотиш, балки йўқ нарсаларни бор қилиш ҳам келишига ишонаман. Сиз ҳаракат қилсангиз бас, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

– Гапингизга тушунмадим.

– Тушундингиз, иним, тушундингиз. Очигига кўча қолай. Менга шу қиздан ўғлимнинг кўнглини қолдиришга қодир далиллар керак. Уларнинг рост-ёлғонлигининг аҳамияти йўқ. Бор бўлса борини кўрсатинг, йўқ бўлса яратинг!

– Ахир...

– Гапимни эшитинг, – Шавкат аканинг сўзлари тобора жаранглаб чиқа бошлади. – Агар мен истасам шу қизни бир соат ичида қайтиб топилмайдиган қилиб йўқотиш қўнимдан келади. Лекин бу ҳолатда ўғлим биринчи навбатда мендан гумонсирайди. Иккимизнинг ўртамиздаги жарлик янада кенгаяди. Ҳозир унинг бу йўлдан қайтиши ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Чунки шуни аниқладимки, бугун эрталаб икковлари биргаликда расмий никоҳга ариза беришган. Бор бойлигим, энг муҳими, ўғлимнинг, унга қўшилиб менинг оиласам ҳам тақдирни аллақандай енгилтакнинг измига ўтиши қонимни қайнатмоқда!

Охирги сўзларни айтаётганида Шавкат аканинг аввалги майин овозидан асар ҳам қолмай, тобора жаҳлга миниб борарди. У худди ҳаммасига Шерзод айбдордек қўлларини сермаб гапини давом эттириди:

– Никоҳ қайд қилингунча бир ой вақт берилади. Лекин ўғлим истаса бу муддатни қисқартириш йўлини албатта топади. Шунинг учун икки оёғим бир этикка тикилиб бўлди. Ишланг, қидиринг, йўқ бўлса ўйлаб топинг. Лекин нима қилсангиз ҳам бу қизнинг домидан ўғлимни кутқаринг!

Шерзод ҳайрон бўлиб қараб турарди. Бу одам нималарни ўйлаяпти? Ахир Шерзод кўнгилга, айниқса бировнинг кўнгли-

га буйруқ бера олмайди-ку. Тӯғри, шубҳага арзигулик суратни компьютерда ишлаш, овозни ўхшатиб ёзиш мумкинdir. Лекин бу ёлғоннинг умри қисқалиги аник. Шерзод ишлаган сурат қанчалик мукаммал бўлмасин, компьютерни озгина тушунган мактаб боласиям қалбакилигини дарров пайқайди. Буларнинг бари пуч хомхаёллар.

Шерзоднинг ўйланиб қолгани сабабини ўзича тушунган Шавкатбой чўнтағидан аввалдан тайёрлаб қўйилган конвертни чиқариб, стол устига кўйди.

– Мана бу сизнинг яхширок фикрлашингиз ва тӯғри йўл то-пишингизга ёрдам беради. Ҳаммаси кўнгилдагидек битса, бо-шингиздан зар сочаман. Ҳазиллашяпти ёки мактанияпти деманг. Бунга ҳар қандай маънода қудратим етади. Ҳар бири кундан кунга кенгайиб бораётган еттита ишлаб чиқариш корхонам, шаҳарнинг йигирма битта нуқтасида заргарлик дўконларим бор. Олтин илинжи пул топганинг ҳаммасини менинг ҳузу-римга етаклаб келаверади. Лекин бу олтинлар анови мегажинни чорлаётганини ўйласам, ғазабдан титраб кетаман, шунча нарсага келиб-келиб таги зоти номаълум, енгилоёқ бурнини суқадими?!

Шавкатбой столни муштлаб ўрнидан турди.

– Мен сиздан яхши хабарларни кутаман!

Уни кузатиб қўйган Шерзод бошини чанглаб ўйланиб қолди. Бу ишни қандай ҳал қилиш мумкин, наҳотки фирромлика йўл қўйса?!

У стол устидаги конвертни очиб кўрди. Кутганидек юзталик долларлар. Фақат уларнинг сони бу сафар ўттизтага чиқибди. Уч минг долларнинг жавоби бир инсонни ёмонотлиқ қилиши-дир. Энди ҳалоллигини пеш қилиб, бу ишдан бош тортса ҳам ишонишмайди. Чунки дастлабки ишиданоқ ноҳақликка йўл қўйиб бўлган.

Шерзод чукур хўрсинди. Биринчи ишида узоқни кўзлаб шундай йўл тутишга мажбур бўлганди. Ўзи кўзлаган узоқ ман-зилга мана етиб келиб турибди... Энди у нима қиласи? Бирорта йигитни ёллаб, ўша қизни кучтириб расмга тушириб оладими? Фирт беъманилик-ку бу.

Пулга тикилиб турган нигоҳлар жойини топа олмаган қадаҳдаги вискига кўчди. Шиша ҳам кимгадир маҳталдек турар-

ди. Ўзи ҳўплаган қадаҳни шартта кўтарди. Вужудини қизди-раётган ичимлик барибир ечим топишга имкон бермади. Ўта чигал иш бу, ечими бормикан ўзи?

* * *

Энди Маликанинг соғинчи билан Шухратбойваччанинг бўл-мағур иши миясида қоришиб кетди. Бири тўғрисида ўй сурганида ширин бир титроқни ҳис қилар, иккincinnisinи ўйлаганида бошини деворларга уриб юборгудек бўларди.

Маликага нисбатан ҳислар қафасдаги қушдек потирлаётган бир пайтда, иккинчи ишида кескин бурилиш юзага келди. Шерзоднинг жонига оро кирувчи воқеа содир бўлди.

Шухрат кузатувдаги қизни квартирасига қўйдию, ўзи жўнаб кетди. Шерзод яна ҳар кунги ҳолат такрорланиши, қизнинг кириб кетиб қайтиб чиқмаслигини тахмин қилса-да, одатига кўра яна бироз кутди. Бу сафар сабр самарасини берди. Подъезддан қайтиб чиқкан қиз йигити кетганига ишонч ҳосил қилгандай у ёқ-бу ёкка бир қараб олди-да, кўл телефонида ким биландир гаплаша бошлади. Кўп ўтмай чоррача томондан «Тойота» компаниясининг «Авалон» моделидаги ҳашаматли машина чиқиб келди ва айнан қизнинг ёнида тўхтади. Севинч тезгина машинага ўтирди. Шерзод «Матиз»ини буриб улар ёнига яқинлашаётганида «Авалон»ни миниб келган йигит қизнинг бўйнига қўл югуртириб бағрига тортаётган эди. Шерзод машинани қулай жойга қўйди ва шоша-пиша фотоаппаратни олди. Шиқиллатиб суратга тушира бошлади. Шавкатбойнинг гапларида жон борга ўхшайди, бақувват елкалари спортчиларни эслатувчи йигитнинг йўғон кўллари қизнинг елкасида ходадай турад, бу кўлларга арзирлик бармоқлар Севинчнинг соchlарини силарди. Қора қўзойнак тақиб олгани боис йигитнинг кўзларини кўриб бўлмади. Лекин аксарият боксчиларники сингари соchlарини калта қилиб олинган, сергўшт бўйин кенг елкаларга туташиб кетганди. Энг қизиги ва Шерзод учун муҳими, қизнинг бу йигит бағрига сингиб кетишида ҳали Шухрат билан кузатилмаган нозли бир эркаланиш бор эди. Шерзоднинг фотоаппарти ҳар сафар шиқилларкан унинг вазифаси адо этилар, чўнтаги даромадга тўлиб бораарди. Энди бир амаллаб микрофон ўрнатиш йўлини топиш лозим, шунда иш мукаммал бўлади. Шерзоднинг

елкасини босиб турган тоғлар ниҳоят ағдарилади. Бу сафар хато қилиши мумкин эмас!

Овозларини ёзиб олиш ва видеога олиш имконияти иккилари қўлтиқлашиб кўп қаватли уйлар тагида қурилган «Боуллинг» клубга кириб кетгандарида туғилди. Йигит билан Севинч бу ўйинга уста бўлиб кетган эканлар шекилли, қийқирганларича оғир тўпни думалата бошладилар. Айниқса қизнинг тўпи кўпроқ мўлжалга етиб борди ва у завқланиб чапак чалиб қўярди. Шерзод ҳам боуллинг ўйинини яхшигина ўйнар, хориждалигода бу ўйин унинг асосий эрмакларидан бири эди. Бир йўлакни банд қилди ва у ҳам ҳеч гап бўлмагандек тўпни фиддиратиб ўйнай бошлади. Охирги отганида тўп барча устунчаларни йиқитган бўлса-да, Шерзод ўз ютуғига эътибор бермай, ўйин залидан чиқди ва зал биқинидаги қаҳвахона сари йўналди. Уста боуллингчи сифатида у яхши билади – ҳар қандай ҳаваскор ўртача ярим соат, бир соатда ўйиндан зерикади, чарчайди. Уларнинг ўйиндан кейинги кирадиган биринчи жойлари мана шу қаҳвахона бўлиши керак.

Қаҳвахонада саккизта стол ўрнатилган, уларнинг тўрттаси мижозлар томонидан банд қилинганди. Зудлик билан режа тузиб олган Шерзод хизматчи йигитни имлаб чақирди:

– Ўртоқларим келишмоқчи эди, мана шу учта столни банд қилиб турсангиз.

Хизматчи қўлини қўксига қўйди. Шерзод узатган пулнинг кучи билан учта столда «Банд қилинганд» деган лавҳ пайдо бўлди.

Шерзод ўзи банд қилган ўртадаги стол тагига секинлик билан, худди чайналган сақични беркитиб ёпиштириб қўяётган боладек ҳаракат қилиб микрофон ўрнатди. Кейин ёнидаги столга ўтиб, дераза ёнига гугурт қутисидек митти камерани жойлаштирди. Ускуналарнинг барча диққати шу ўртадаги столга жамланганига ишонч ҳосил қилганидан кейин «Банд қилинганд» деган қофозни олиб четдаги столга қўйиб қўйди ва ўзи ҳам шу стол ёнидаги стуллардан бирига ўтирди. Хизматчи йигит унинг бу ҳаракатларига эътибор бермади.

Шерзод стол устига ноутбугини чиқариб мониторни очиб, камера тинклигини созлай бошлади. Ишини охирига етказишига улгурмай Севинч йигит билан қўлтиқлашиб кириб келишди ва худди Шерзод ўйлаганидек ўша ягона бўш стол ёни-

даги стулларга ўтиришди. Хизматчи йигит улардан буюртма ола бошлади. Шерзод уларга кўринмаётган бўлса ҳам эҳтиёт юзасидан монитордаги тасвирни яширди ва қулоғига овоз узатиш мосламасини тақди. Кўп ўтмай бироз шовкин аралаш овозлар етиб кела бошлади. Улар рус тилида сўзлашишарди.

– Маратчик, ҳар доимгидек бугун ҳам ютқаздинг. Мағлуб бўлганингнинг аввалги қарзлариям бўйнингда осилиб ётибди, қачон узасан?

– Менинг ўзим сен ҳаётда топган энг катта ютуқ эмасми?
– Марат деганлари шундай дея Севинчнинг бўйнидан қучиб, ёноғидан енгил бўса олди.

Қиз нозланиб кулди. Монитордаги тасвир қотиб-қотиб қолаётган бўлса-да, ҳар иккilarinинг юзларини қамраб олаётганди. Йигит бир қўлини қизнинг елкасидан олмай иккинчи қўли билан қадаҳларга тиник ичимлик куиди.

– Хўш, бойвачча билан ишлар битяптими?

Қиз қадаҳдан бир хўплади ва жавоб берди:

– Шурикни эсласам қилаётан ишларимдан афсусланиб кетаман, виждоним азоб беради. Бечора шунақаям беғуборки...

– Виждон! Қанақа виждон? – Йигит ҳазил аралаш дўклаб гапирди. – Бизнинг ишимизда виждон деган нарсага ўрин йўқ! Уни хаёлингдан чиқариб ташла.

– Биламан, ўргатмай қўя қол. Ҳозир отажониси менга машина билан квартира совға қилишга тайёр, яна озгина қўштириш имумкин.

– Бунақа майда-чуйдалар учун бошингни ҳам қотириб ўтирма. Бизнинг мўлжалимиз бошқа. Сен у болакай билан қонуний никоҳдан ўтишинг, бу оила ичига кириб боришинг керак. Акциялар! Мана бизнинг мақсадимиз! Отажоннинг бойлиги кўп, улар эртами кечми ўғлига қолади. Бу сен «чол ўлгунча ўша йигит билан яшаб ўтишинг керак», дегани эмас. Муҳими, ўша оила аъзоси бўлсанг бас, қолгани хамирдан қил суургандек битади. Ҳаммасини ўйлаб қўйганман.

– Буни яхши тушунаман. Лекин отаси изимга тушганми, деб кўрқаман. Ҳар бир қадамимни кузатиб юргандек...

– Қўрқма, сенинг тирноғингга ҳам зарар етказишларига йўл қўймайман. Отаси барибир эрка ўғлидан воз кечолмайди, сени қабул қилишга мажбур бўлади. Энг муҳими, чолнинг Москвада-

ги меҳмонхонасини қўлга киритиш. Шундай қилишимиз керакки, у ўз ихтиёри билан меҳмонхонасини қўлимизга топширсин. Бу иккимиз учун бутун умрга етадиган бизнес бўлади. Қарабсанки... – йигит бармоқларини қарсиллатиб «ҳаммаси аъло бўлади» дегандек қилди.

Ким учунлиги ноанигу, лекин бу тасвиirlарнинг ҳаммаси Шерзод учун ҳаммаси аъло бўлаётганини кўрсатарди. Буёғи силлиқ кечди. Бошқа бу мавзуга қайтмаган бўлсалар-да, ҳар дақиқада бир-бирларига эҳтиросларини изхор қилиб овқатланишди. Кейин икковлашиб тун кирганига қарамай уммон тўлқинларидек қалқиб ётган шаҳар қўйнига, ҳашаматли меҳмонхоналардан бирига кириб кетишли.

Шерзодга бу томонга эшик ёпик эди. Лекин у бу вазиятдан кўпам афсусланмади. Бугун ёзиб олганлари Шавкатбойнинг ваъдаси устидан чиқиб, бошидан зар сочишига, Шухратнинг қиздан воз кечиб, дадасининг ўртоғининг қизи билан bemalol оила қураверишига асос бўла оларди.

Ишхонасига қайтиб келганида тун ярмидан оғган, унинг оғиси жойлашган кўп қаватли бинонинг деярли барча деразаларидаги чироклар ўчиб бўлганди. Шерзод барча тасвиirlарни компьютерга кўчирди ва тартибга солиб чиқди. Ҳар эҳтимолга қарши дискка ҳам ёзиб, машинасига ташлаб қўйди. Бир кўнгли Шавкат акага тунда бўлса ҳам қўнғироқ қилиб ҳаммасини топширмоқчи бўлди. Кейин оиласида гап ўрмалашини ўйлаб, ярим кечаси безовта қилиши мумкинлигини фикрлаб бу режасидан воз кечди. Қолаверса Шавкат aka ваъда қилган суюнчиларни олиш учун у билан бафуржга гаплашган маъқул.

Шерзод уйига бориб ўринга чўзилди. Ишидаги ютуқларидан хурсанд бўлса-да, хаёлида Малика чарх ураверди. Наҳот севги деганлари шу бўлса?..

Телефони оқиш нур таратди ва хат келганини майн овозда билдириди. Қўлига олиб очиб қаради: «Нега «Агент 007»дек йўқолиб қолдингиз?» Савол ортидаги жилмайиб турган бўғирсоқ сурати Маликанинг кўзларидек беғубор эди. Хат ёзибди, демак, қиз ҳам учрашувларини, Шерзодни унутмабди!

Бугун ажойиб кун шекилли, ҳақиқатдан ҳам ажойиб! Шоша-пиша жавоб ёзди: «Мен Жеймс Бонд каби ортингиздан кузатиб юрибман, лекин олдингизга боришга журъат қиломаяп-

ман» – узатиш тугмасини босди-ю юраги дукиллаб урганича, экрандан кўз узмай тикилиб турди. Жавоб кўп куттирмади. Ўттиз сониялардан кейин яна экранда сатрлар пайдо бўлди: «Журъат сиздан, кутиш биздан...» Охирги хат бу ҳаяжонли субатга мантикий якун ясади: «Эртага соат 11:00 да ўша жойда кутаман, интизор б-б...»

Қачон тонг отаркин? Эрталаб Шавкат ака билан гаплашади ва күшдек енгил бўлиб учрашувга боради. Нима совға олса экан?..

* * *

У кабинетига кириб кечаги суратлар ва видеотасвиirlарни қайтадан текшириб чиқди. Овозларни эшишиб кўрди, айrim қисмларини кучайтирди. Кейин ҳаммасини бир папкага жойлаб, Шавкат аканинг чўнтак телефонига қўнғироқ қилди. Лекин улана олмади, «абонент аппарати ўчирилган» деган жавоб олди. Ташириф қофозига қараб унинг кабинети рақамини терди. Котибаси олди.

- Шавкат ака керак эди.
- Шавкат Ботирович бугун эрталаб хориж сафарига жўнаб кетдилар.

- Ҳм... Қачон қайтадилар?

- Сиз ким бўласиз, нима масалада қўнғироқ қиляпсиз?

Шерзод индамай гўшакни қўйди. Иш ортга сурилди, кеча қўнғироқ қилаверса бўларкан. Лекин бу иш битиб бўлган. Бу гуннинг энг муҳим масаласи Малика билан учрашув! Бутун вуҷуди билан ўшанга интиляпти.

У папкани сейфга жойлаб, пастга тушди. Кейин кўча қирғоги бўйлаб сочилиб кетган дўконлардан Маликага муносиб совға қидиришга тушди. Қўзлари чақнаб турган момик қуёнча сотиб олди. Қуёнчанинг кўлига тариқдек олмосли узукни кутичаси билан қистириб қўйди. Бу узукни Америкадан олиб келганди. Кўксини ёриб чиққудек потирлаётган юраги бу совғага Маликадан муносиброқ номзод учрамаслигини ҳар уришида таъкидлаб турибди...

* * *

- Нега қўринмай кетдингиз? – тонгги сабодек ёқимли қўзларини ерга тикиб сўради Малика. – Ишларингиз кўп эдими?

Қизнинг оҳиста сўзлаши у ҳам шу кунлар ичида Шерзодни ўйлаб юрганидан далолат берарди гўё. Шерзод ҳали бирор марта бу қадар хаяжонланганини эслай олмайди. Фўлдираб жавоб қайтарди:

– Ҳа... ишларим кўпайиб кетди. Кейин сизнинг ҳам вақтин-гизни олмай деб... Ўзингизда нима гаплар?

– Ҳаммаси жойида. Сизга бир китоб олиб келгандим.

Малика «Алкимёгар» асарининг инглизча вариантини Шерзодга узатди.

– Кеча кечқурун ўқиб тугатдим. Шунчалар таъсиrlандим-ки... Инсон ўзи шунақа, баҳтни узоклардан излайдиу, ёнгина-сида турганини сезмайди ҳам. Ўқиб бўлганимдан кейин сизга хат юбордим...

Шерзод қизариб кетди. у нимани кутяпти? Наҳот Малика севги изхор қилишини кутса?.. Ахир булбулнинг ҳам эркаги сайдайди-ку!

У шоша-пиша пакет ичидаги қуёнчани олди ва Маликага узатди.

– Мен сизга совға қидириб юргандим. Топишм билан олдингизга югурдим.

Малика қуёнчани олиб момик қулоқларини юзларига босди. Кейин қўлига боғлаб қўйилган қутичани олди. Қиз нозик бармоқлари билан қутичани очди. Ингичка узукни олди ва ҳайрат билан Шерзодга тикилди.

Шерзод шундагина иккинчи учрашувдаёқ бундай совға бериш ноқулайлик туғдиришини англаб етди. Лекин фишт қолипдан кўчиб бўлганди. У бор иродасини жамлаб Маликанинг қўзларига нигоҳини қадади:

– Бу ҳам сизга.

– Ахир... Нега бундай қилдингиз?.. Ноқулай...

Қизнинг овозида хижолат билан қоришиб кетган ўзгача бир ўтинг бор эди. Шерзод барибир шу довондан ошиб ўтиши лозимлиги боис бор кучини жамлади:

– Шу кунларда фақат сизни ўйладим... Ҳар дақиқада хаёлан сўзлашдим, ҳар сонияда қўзларингизни қидирдим...

Малика қўзларини узукдан, қўлларини қуёнчанинг қулоқларидан олмади. Унинг унсиз жавоблари Шерзоднинг ҳаёти бутнлай янги босқичга кираётганидан далолат бериб турарди.

Кейинги икки кун ичиде Шерзод баҳт уммонаидә сузіб юрди. Малика билан кунига икки марталаб учрашишди. Мұхабbat уларни қаёққа етакласа, үша томонға кетаверишди. Музқаймокхүрлик, кино деганларидек... Шерзодға энди аввал күрса әнсаси қотадиган тижорат фильмлари ҳам жуда қизиқарлы туялади. Чунки уларда ҳам севги тараннум этилади-да. Шу кунларда у Маликаниң анча яқындан билиб олды. Билғанлари ичиде әнг муҳими Маликаниң қалби ҳали забт этилмаган. Қолаверса, үзининг айтишича, ота-онаси ҳам у танлаганига қаршилик қилишмайди. Ҳозир бу қызыз ҳаётини тасаввур ҳам қила олмайдиган Шерзод икковларининг келажаги тұғрисида үйласа, юраги әнтикади. Энди ота-онасини совчиликка жүннатиш, қиз тарафны рози қилиш, чиройли түй-томоша тұғрисида ҳам үйлаб қўриш лозим.

Шириң хаёллар, осмондек орзуладар ичиде иши ҳақида ҳам үйланиб қолди. Маликага үзини хусусий тадбиркор деб таништирган, бу ҳам нотұғри әмас. Вақти келса очиғини айтади, тушунтириб беради...

Учинчи куни, Малика билан истироҳат боғидаги үриндиқда сұхбатлашиб үтирганларида Шерзоднинг құл телефонига хабар келди: «Сұралған абонент хизмат доирасида». Демак, Шавкат ака ҳам қайтиб келибди. Тезрок учрашиб, барча маълумоттарни топшириб, бойнинг күнглини хотиржам қилиб қўйиш лозим. У бу ҳақда үйлаб, қўнғироқ қилғунича бўлмай телефоны жиринглай бошлади. Афтидан Шавкат акага ҳам Шерзоднинг қўнғироқлари тұғрисида хабар етиб борган, у ҳам шошилиб сим қоқанди. Шерзод үриндиқдан туриб яшил тугмани босди:

- Салом, Шавкат ака.
- Шерзодбек иним, омонмисиз?
- Раҳмат, үзингиз яхшимисиз?
- Шукр. Шошилинч сафарга жўнашга тұғри келди. Москвада эдим. Сўраган экансиз?
- Москвадаги меҳмонхонадан хабар олиб келдингизми?
- Шавкат ака бир муддат жим қолди.
- Москвадаги меҳмонхонамни сиз қаердан биласиз?
- Шерзод ҳамсұхбатига атайлаб эшиттириб кулиб, кейин жавоб қайтарди:

– Биз, ака, ҳамма нарсаны биламиз, ишимиз шунақа.

Лекин унинг ўз наздида қувноқ ҳазили Шавкат акани кулдирмади. Аксинча, Шавкат ака овози титраб жавоб қайтарди.

– Сизда мени қизиқтирадиган маълумотлар борга ўхшайди. Қачон кўришамиз?

– Бир-икки соат ичиди. Ҳозир бир жойда учрашувдаман, бўшашим билан сизга қўнғироқ қиласман.

– Кутаман.

Қизил тугмани босиши билан Шерзоднинг қўй телефони қуввати тугаганидан зорлангандек овоз чиқарди ва бутунлай ўчди. Шерзод Малика билан яна озгина ўтирди. Сухбатлари анча сокин босқичга кирган, энди иккаласи ҳам келажак тўғрисида гаплашишарди:

– Кейинги ҳафтада уйдагиларни жўнатаман, ишқилиб биз, ғарибларни ноумид қайтаришмаса бўлгани.

– Нега унақа дейсиз, ниятни яхши қилинг.

– Шунақа дейсизу, ҳар бир ота-она фарзандининг ҳеч нарсага зориқмай, тўқис ҳаёт кечиришини истайди. Бу табиий ҳол, айби йўқ. Менинг ота-онам эса... оддийгина одамлар. Улар мени улғайтириб, ўқитганлар. Лекин бирор бир айтарлик моддий бойлик қолдиришга имкониятлари бўлмаган. Оила-ларимиз ўртасидаги ана шу тафовутни ўйласам, рости, озгина қўрқиб ҳам кетаман.

Малика унга аразлагандек қаради.

– Наҳотки сиз мени бойликка ўч деб билсангиз? Менинг фикримча, ҳар бир одам ўз ҳаётини ўзи қуриши лозим. Ахир буни иккимиз ҳам яхши биламиз-ку!

Шерзод Маликанинг қўлидан ушлади ва қўзларига тикилиб жавоб берди:

– Сиз менинг ҳаётим давомида топган энг катта бойлигимсиз, сизни баҳтли қилиш учун бор кучимни аямайман.

Малика жилмайиб ерга қаради:

– Сизга ишонаман. Раҳмат...

Кетаётгандаридан Шерзод Шавкат акага хабар бериш учун ён атрофдан телефон қидира бошлади. Малика унга ўз телефонини узатди.

– Мана, меникидан қўнғироқ қила қолинг.

Шерзод қизнинг охирги русумдаги япалоқ телефонини қў-

лига олди ва рақамларни териш учун экранга тикилди. Балки унинг бошига болға билан урганларида бунчалик ҳолга тушмаган бўлар... Қуллари титраб, телефон тушиб кетай деди. Экрандан кўзини узиб, Маликанинг кўзларига саволларга тўлиб кетган нигоҳини қадади:

– Сиз... сиз... Бу одам ким?

Икковлашиб телефон экранига қарашибди. Унда барваста эркак Маликанинг елкасидан қучиб турарди.

Малика ҳайрон бўлиб жавоб берди:

– Ким бўларди, дадамлар!

Шерзоднинг бутун вужудини совук тер босди.

– Сиз Анвар Саломовичнинг қизимисиз?! Аянгизнинг исмлари Гулноза опа, а?!

– Ҳа, сиз ота-онамни танийсизми?

Шерзод ҳолсизланиб ўриндикқа қайта ўтиради. Нега тақдир уни бунчалик ўйинчоқ қиласпти? Ўзи олиб кирган янги соҳада фақат бир тўда одамларнинг ўртасида тепки бўлаётгандек... Ким унга мурожаат қиласин, фақат бир гурух таниш-билишларнинг хизматини қилиб юрибди. Ишига ҳам ачинмайди, лекин топган дуру гавхари, севгилиси Маликанинг Анвар Саломовичнинг қизи бўлиб чиққани ҳаётнинг аччик бир синовими?! Энг ёмони, ҳозир Шерзод Шавкат ака билан учрашади, тайёрлаб қўйган маълумотларини топширади. Шуҳратбойваччанинг йўли очилади. Шу тарзда Шерзод ўз қуллари билан Маликани Шуҳратга топширади. Бундан кўра ўзини жарга улоқтиргани яхши эмасми?!

Малика унинг ранги оқариб кетганини кўриб елкасига кўлини қўйди:

– Сизга нима бўлди, мазангиз бўлмаяптими? Оиламизни қаёқдан танийсиз?

Шерзод қизнинг меҳр ила боқиб турган кўзларига қараб, юраги тилка-пора бўлиб кетди. Нима қилиб бўлса ҳам бу вазиятдан чиқиш лозим.

– Ҳа, бошимга озгина оғриқ кирди. Дадангизнинг компанияси билан бир ошнам олди-берди қилганди, шунда қулогимга чалинган. Юринг, сизни кузатиб кўяман...

Қиз индамай унга эргашди. Малика машинасига ўтириб кетганидан сўнг анча вақт ўрнидан қимиirlамай ўйланиб турди. Кейин ишхонасига йўл олди. Бино тагига етганида машинага

тормоз берди. Шавкат аканинг ҳайдовчиси бошқараётган кора «Жип» эндиғина бино ёнидаги майдончадан чикиб кетаётган эди. Ҳаммаси тушунарли, Шавкат ака унинг қўнғирофини кута-кута, ўзи ҳам боғлана олмай хуноб бўлиб, охири сабри чидамай ўзи кидириб келган. Бунча шошилмаса? Бойнинг иши битган, Шерзоднинг маълумотлари қўлига тегиши билан мақсадига етади. Лекин папка билан Шерзоднинг баҳти ҳам бой берилиши ҳеч гап эмас...

«Жип» узоқлашиб кўринмай кетиши билан Шерзод «Матиз»ини майдончага олиб кириб қўйди ва зинадан юқорига кўтарилди. Кириш жойида турган қўриқлаш хизмати ходими уни кўриб кўзлари чақнаб гапира кетди:

– Битта оқаҳон сизни кутиб-кутиб роса дикқат бўлди. Ҳозиргина кетди-я. Сизга хат ташлаб кетганди, мана.

Шерзод хушламайгина қофозчани олди. Унда шундай сўзлар ёзилганди:

«Бу жуда мухим, соат неча бўлишидан қатъи назар мен билан боғланинг. Шавкат акангиз».

Шерзод учун бу хат мазмуни янгилик эмасди. Ҳозир у икки ўт ўртасида қовуриляпти. Ҳаммасини яхшилаб ўйлаб қўриши лозим... Ичкарига кирдию телефонини электр тармоғига улади, лекин ёқмади. Кейин бошини бармоқлари билан чангаллаб яна ўйга чўмди. Бу вазиятдан чикиш йўли борми? Наҳотки у ўз муҳаббатига эришиш учун ноҳакликка йўл қўйиши шарт бўлса? Бу жуда осон, озгина қизарса-да, Шавкат акага шубҳалари асоссиз эканлигини айтади. Шухрат Севинчдан воз кечмайди. Ўз-ўзидан Малика иккаласининг йўли очилади. Гарчи Анварбой қизини қўшқуллаб тутқазиб қўймаса-да, ҳар қалай шундай вазиятдагина Шерзодда қандайдир имконият туғилиши мумкин.

У папкани очиб суратларга тикилди: Икки четидан ушлаб ииртишга ҷоғланди.

Хона телефони эзилиб жиринглади. Кўтармади. Телефон ҳам қасдма-қасдига узлуксиз жиринглайверди. Бу одам Шерзодни топмаса қўймайди. Иложисизликдан гўшакни қўлига олди. Ўша...

Шавкат аканинг овозига кучли ҳадик қоришиб кетган эди.

– Шерзоджон, иним. Қаерда эдингиз? Сизни анчадан бери кидиряпман!

– Ҳозиргина келдим, телефоним ўчиб қолганди, энди ёқам...

– Ишлар жуда тескарисига кетяпти. Москвадаги меҳмонхонам қўлдан кетиши мумкин. Гап шундаки, мен ўша меҳмонхонани гаровга қўйиб кредит олгандим. Бу қарз айтарли катта эмас, меҳмонхонанинг тўртдан бирига ҳам арзимайди. Кредит ўғлимнинг номидаги фирмага расмийлаштирилган. Бу кредит бўйича барча пуллар вақтида тўланган, тўғрироғи, ўғлим тўлаши учун пулни унинг фирмасига тушириб турганман. Лекин охирги уч ой ичидаги бирор марта пул тўланмабди. Менга жўнатилган огоҳлантириш хатларининг нусхаларини кўрсатишди. Лекин менга бу хатлар етиб келмаган. Пул тўланмагани учун суд ҳам бўлиб ўтибди. Ҳозир суд қонуний асосда меҳмонхонани олиб қўйяпти. Мен буни тасодифан билиб қолдим. Эртага тўловнинг охирги куни. Пулни ҳам топаман, лекин муаммо бошқа жойда. Ўғлим Шухрат эрталабдан буён ерга кириб кетгандек йўқолган. Телефони жавоб бермаяпти, ўртоқлари ҳам қаердалигини билишмайди. Молиявий ишларни бажариш учун ўғлимнинг имзоси керак. Келгунимча ҳам қидиришди, ҳозир ўзим ҳам шаҳарнинг тит-питини чиқариб ташладим. Йўқ ҳеч жойда! Ишончим комил, буларнинг ҳаммаси ўшанинг иши, лекин қўлимда бирорта далилим йўқ. Гапларингизга қараганда сиз ниманидир биласиз шекилли.

Шерзоднинг пешонасидан совук тер чиқиб кетди. Демак, Марат билан қиз кузатилаётгандарини сезишган ва дарҳол изларни йўқотишга киришганлар. Балки ҳозир улар Шерзодга ҳам қасд қилишгандир...

Унинг мияси яшин тезлигига ишлаб кетди. Режаси амалга ошса, сих ҳам куймайди, кабоб ҳам!

* * *

Марат билан Севинчни кузаталаётганида шаҳар четидаги бу уйга икки марта келганди. Тахминича, Шухратни ихтиёрий ёки мажбурий ушлаб туриш учун бундан кулайроқ жой йўқ. Қизнинг эгри қадам ташлаши ва мақсадлари аниқ бўлганидан кейин Шерзод Маратнинг «Авалон» машинаси ортидан шу маҳаллага келганида ишнинг бу даражада мураккаблашиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Ҳозир ўзида журъат топиб

келгани билан аниқ пишган режаси йўқ, ҳаммаси таҳминлар ва таваккалчиликка асосланган. Агар Шуҳратни бу ергача олиб келишган ва икки кундан бўён сақлашаётган бўлишса, демак, ишга жиддий киришганлар. Лекин уларга қандай қилиб ха-лақит бериш мумкин?

Шерзод машинасини ҳовлидан юз одимча нарига қўйди ва салондан чиқмай кузата бошлади. Кузатиш ва кутишнинг ўзига хос бир жиҳати бор: инсон, аввало, диккатини бир жойга жам қилиб туради, кейин минг уринмасин барибир хаёл ҳар томонга югураверади. Ҳозир Шерзоднинг сурадиган хаёллари жуда мўл...

Мұҳаббат уммонаиди қулочкашлаб сузуб юрган сурурли кунларнинг бирида Малика унга ҳазил тарзида бир савол берганди:

– Шерзод, агар мен бошқа бирорвга узатиб юборишса нима қиласиз?

Шерзод аввалига ҳазиллашиб, «Тўйингиз куни күёвингиз билан муштлашаман», демоқчи бўлди-ю ўзини тутди. Савол гап орасида гап сифатида айтилган бўлса-да, унда юракни ўртаб юборувчи, ҳазилдан ҳақиқатга яқинроқ ҳаёт синови борлиги учун ўйга чўмиб қолди. Аслида ҳам у ҳар қанча замонавий ва уддабуррон йигит бўлмасин, бегона, бунинг устига жуда бадавлат оиланинг куёви бўлиш орзууси орзулигича қолиб кетиши хеч гап эмас.

Ўшанда Шерзод қизнинг самимий қўзларига қараб: «Илтинос, мени қийнаманг, ниятни яхши қилайлик», дея гапни қисқа килганди.

Кейинчалик, Малика Анвар Саломовичнинг қизи эканлиги маълум бўлгач, унинг шундок ҳам арзимас имкониятлари янам камайиб кетди. Ким ҳам ўзининг ортидан кузатиб юрган, яна энг нозик сирларини биладиган йигитга қизини берарди?! Лекин энди Шерзод ўз ҳаётини Маликасиз тасаввур ҳам қила олмайдиган даражага етган. Айнан шу ҳислар уни шу жойларга етаклаб келган. Ягона илинжи Маликанинг қатъиятида, отонасини ўз танловига рози қила олишида энди...

Ҳовли дарвозаси тирқишидан машина чироқларининг ёғдуси кўринди. Шерзод шоша-пиша ўзини панага олди. Ҳовлининг пульт ёрдамида бошқариладиган дарвозаси очилди ва Маратнинг «Авалон»и сирғалиб чиқди. Катта йўлга чиқиш ол-

дидан баҳайбат автомобиль Марат оқимга кириб кетиш учун кулагай пайтни топгунича бир неча сонияга тұхтади. Автомобилнинг олд ўриндигида ўтирган аёл Севинчга үшшамасди. Күчадаги автомобиль чирокларининг бир лаҳза ёритиб ўтиши Шерзоднинг аёлни таниб олиши учун кифоя қилди.

Шерзод яна ҳайрат жарига қулади. Буниси энди тасодиф эмас, чунки тасодиф бу даражада бўлмайди!

«Авалон» оқимга қўшилиб кетиши билан Шерзод «Матиз»-ини физиллатганича уларнинг ортидан тушди. Шаҳар марказига қараб интилаётган машина узлуксиз ишлайдиган, ойнаванд деворлари тунги чироқлар кучи билан чароғон бўлиб турган авиакассалардан бири ёнига келиб тұхтади. Улар кириб кетиши билан Шерзод ойна ёнига бориб пойлай бошлади. Марат узатган иккита паспорт хорижники, биттаси яшил рангига қарраганда миллий паспорт эди. Шиқиллатиб суратга олди ва бир четга ўтиб фотоаппартдаги суратни катталаштириб кўрди. Россия фуқароси паспорти. Демак, иккаласи ҳам қаёқкадир учишяпти, лекин қаёққа?

Авиакасса ходими чиптани паспортнинг ичига солиб бергани учун суратга тушириш, аниқлашнинг иложи бўлмади. Марат пулни тўлаб, ортига бурилди. Икковлари машинага ўтириб йўлга тушишди. Шерзод уларнинг ортидан қолмади. Марат йўл-йўлакай уяли телефонда гаплашиб кетди. Тунги кафелардан бири ёнидаги дараҳтзорга бориб тұхташди. Қўп ўтмай Севинч бошқараётган «Ласетти» уларнинг ёнига келиб тұхтади.

Марат машинадан тушди ва Севинчнинг ёнига келди. Икковлари озгина гаплашиб туришди. Шерзод машинасидан тушиб, дараҳтларни оралаб уларнинг ёнига яқынлашди. Севинч машинасининг орқа ўриндигидан кодли дипломатни олди ва Маратга узатди. Марат рақамларни териб, дипломатни қияқилиб очди. Унинг ичидә таҳи бузилмаган доллар ва европалар бор эди. Марат дипломатни тиқиллатиб ёпди ва машинасидаги аёлга узатди. Аёл ҳам уни очиб кўриб ишонч ҳосил қилганидан сўнггина машинадан тушиб Севинчнинг ёнига келди ва русчалаб гапирди:

– Тонгда Москвага учамиз. Пулни ўзим билан олиб кетаман. Сен бориб бойваччадан хабар ол. Шундай қилгинки, эртага тушдан кейингача уйғонмасин. Банклар ёпилганда, биз етиб

борганимиздан кейин ота-онасига телефон қилиб қаерда эканлигини айтасан. Бу пайтда иш битган бўлади.

– Менинг ҳақим нима бўлади?

– Буёғидан хавотир олма, Анвардан ундирилганинг ҳаммаси сенинг ҳисоб рақамингга тушади. Москвага етиб боргандан кейин ҳисоб-китоб қиласиз. Кафолат сифатида эртага банкка ўзинг бор, мана ишончнома, буниси эса ҳисоб рақамимдаги маблағ тўғрисида маълумотнома. Пулни ўзинг кўчирасан, банкдагиларни огохлантириб қўйганман. Бу сенга олинган чипта, индинга кечқурун Москвада, Маратнинг квартирасида кўришамиз.

– Шухратни нима қиласай?

– Нима қиласдинг, бугун охириги марта кўнглини овла, муҳими, эртага тушгача, банкларда иш тўхтагунича сендан ажралмаса бўлгани. Ҳалигиндан кўпроқ бер. Муҳаббати яна бир суткага етса кифоя. Эртага тушдан кейин қаёққа кетса кетаверсин. Кейин ҳеч нарса қила олмайди. Сендан шубҳаланмаяптими?

– Йўқ, аксинча, мендан умуман ажралгиси келмайди.

Аёл жарангдор овозда кулди.

– Ишқилиб ўзингнинг ҳам ишқинг кетиб қолмадими? Бизни олдинда булардан ҳам каттароқ бойваччалар кутиб турибди. Мен ундирадиганимни ундиридим, энди янги ўлжаларни суришираверсам бўлади. Москвада озроқ дам олганингдан кейин Астанага учасан. У ерда яна бир йигит билан танишишинг керак.

Шерзод машинасига миниб қўллари титраганча телефондаги рўйхатни титкилай бошлади. Анвар Саломовичнинг рақамини топиб, яшил тугмани босди. Узун чақириқ товушлари гўё қулоғини тешиб юборгудек бўлар, юраги дукиллаб уради. Олтинчи чақириқдан кейин Анвар Саломович гўшакни кўтарди:

– Эшитаман.

– Анвар ака, бу мен Шерзодман. Сизга муҳим гапим бор.

Анвар ака таниб турган бўлса-да, хотини ёнидалиги учун гапни бурди:

– Иш масаласида эртага қўнғироқ қилинг, ҳозир дам оляпман. Зарур бўлса ўзим боғланаман.

Гўшак кўйилди. Шерзод ўзини қўярга жой топа олмай қолди. Бу пайтда Севинч «Ласетти»га миниб кетаётганди. Шерзод унинг ортидан тушди. Севинч ўн олти қаватли уйлардан бири-

нинг ёнида тўхтади ва подъездга кириб кетди. Шерзод унинг ортидан кирмоқчи бўлганида телефони жиринглади. Анвар Саломович қўнғироқ қилаётган эди. Шерзод ортига қайтиб машинага ўтирди ва гўшакни кўтарди.

– Шерзод укам, тинчликми? Кеннаинг ёнимда эди, гаплаша олмадим.

– Анвар ака, узр, жуда зарур гап чиқиб қолди. Бу иккимиз учун ҳам муҳим. Айтинг-чи, Жасмин хоним билан шу кунларда каттароқ олди-берди қилганмисиз?

– Нима гап ўзи, тинчликми?

– Илтимос, саволимга жавоб беринг, – Шерзод машинанинг олд ойнаси орқали кўп қаватли уйнинг чироқларига бўйини чўзиб тикилганича сўради. Ҳали бу уйдан Севинчнинг изини топиш керак...

– Жасмин хоним билан шахсий муносабатларимиздан ташқари ўзаро бизнесимиз ҳам бор. Шунинг учун олди-берди бўлиши табиий. Куни кеча янги дастгоҳларга буюртма бердим. Бир ой ичидаги етказиб келиши керак.

– Қанча пул бергансиз?

– Бунинг сенга алоқаси йўқ. Менинг бизнес сирларим нега сени қизиқтириб қолди?

– Гап шундаки, Шавкат аканинг ўғли Шуҳратнинг севгилиси ортида ҳам Жасмин хоним турибди.

Анвар аканинг овози жадаллашди:

– Нималар деяпсан?

– Берган пулларингиз қора дипломатда, доллар ва евро аралашмиди?

– Ҳа-ҳа, кўкидан беш юзтага ҳисоблаб, нақд қилиб берганман. Сен буларни қаердан билдинг?!

– Ҳозироқ етиб келмасангиз пулингиздан айриласиз.

Шерзод унга Жасмин хоним ва Марат яшаётган ҳовлининг манзилини тушунтириди. Гўшакни қўйганидан сўнг Севинчни кидириб, у кириб кетган подъездга кирди. Шу подъезднинг ўзида ўттиз иккита квартира бор. Энди уни қандай қилиб топади? Ечим кутилмаганда топилди. Лифтнинг юқорисидаги «б» рақами тагида чироқ ёниб турарди. Демак, охирги марта олтинчи қаватга чиқилган. Шерзод буни тасдиқлаб олиш учун олтинчи қаватга пиёда чиқди ва лифт тугмасини босди. Қўш

тавақали эшик шақиллаб очилди, лифт ҳақиқатдан ҳам шу қаватда чақирикни кутиб турарди. Бу қаватда иккита квартира бор. Шерзод қизил рангга бўялган темир эшикка қулок тутди. Ёш болаларнинг югуриб ўйнаётгани овози эшитилди. Демак, бу хонадон эмас. Оқ эшик ортида эса умуман овоз эшитилмади. Шерзод эшиқдаги қулфга эътибор берди, ўзидағи асбоблар билан бу эшикни очиш ҳеч гап эмасди. Бир кўнгли Шавкат ақани чақириб, унга бор гапни айтиб, эшикни кўрсатиб қўймоқчи ҳам бўлди. Лекин ўзининг режаси чиппакка чиқишини ўйлаб, бу фикридан қайтди. Шерзод Шухратни бу ердан бир ўзи олиб чиқишини, унга бор гапни тушунтириб, Малика иккиларининг муносабатларини ҳам билдириб қўймоқчи эди.

Пастга тушиб ноутбугини ёқди ва клавиатурани тиқиллатганича манзил бўйича уй телефони рақамини қидира бошлади. Топиб, қўнғироқ қилди. Учинчи чақириқдан сўнг гўшак кўтарилди ва Севинчнинг овози эшитилди:

– Алло?

Шерзод олдиндан ўйлаб қўйган гапини айтди:

– Дўкон қоровулиман, «215» рақамли «Ласетти» сизникими, йўлни тўсиб турибди. Юк туширмоқчи эдик, уйнинг нариги ёнидаги стоянкага олиб бориб қўйсангиз.

– Беш дақиқада тушаман.

– Хўп.

Шерзод гўшакни қўйдию тепага қараб югурди. У зинадан чиқиб пойлаб турганида Севинч эшикни очиб чиқди ва ўзи қулфланадиган эшикни итариб ёпиб, лифт томонга кетди. Лифт пастга шўнғиганига ишонч ҳосил қилган Шерзод мушукдек чакқонлик ва эҳтиёткорлик билан эшик ёнига борди. Унинг ихтиёрида кўпи билан ўн дақика вақт бор. Очқични тиқиб бир бурашидаёқ эшик шиқиллаб очилди.

Ичкарига кирди. Икки хонали хонадон жуда шинам эди. Ётоқхонадаги диванда Шухрат ярим яланғоч бўлиб ухлаб ётарди. Шерзод уни туртиб ўйғота бошлади.

– Шухрат, туринг. Тезроқ.

Шухрат кўзларини кия очди. У ниманингдир таъсирида қаттиқ маст эди. Кўзларини очган бўлса-да, вокеликни англаб етмади ва яна юмиб олди. Шерзод унинг қўлидан кўтариб елкасига олди ва судраганича эшик томон йўналди.

Шухрат мастона гапирди:

- Кимсиз?.. Нима истайсиз мендан? Севинч...
- Шухрат, ўзингизни тутинг. Гапимни эшитяпсизми, зудлик билан бу ердан кетишимиз керак!
- Кетмайман, хеч қаёкка боришни истамайман! Сен ҳам дадамнинг юурдаклариданмисан? Қўйвор мени, кўзимдан йўқол, – Шухратнинг овози жуда паст, шивирлаганча аранг гапирав, каршилик қилишга уринар, лекин Шерзоднинг бакувват қўллари уни маҳкам тутиб олганди.

Шерзод йигитни елкасига опичлаб чиқди. Эшикни қулфлаб, зина томон йўналди. Минг азобда пастга тушиб Шухратни машинасига ўтқазди ва подъезд томонга қаради. Севинч калит ўйнатганича подъездга кириб кетаётганида Шерзод машинасини юргизиб кетди.

Ишхонаси ёнига бориб дўкондан муздек сув сотиб олди ва Шухратнинг юзига сепди.

Шухрат сесканиб қўзларини очди. Атрофга аланглаб машинадан тушишга уринди.

- Шошилманг, ўша севгилингизнинг ёнига боришга улгурасиз.
- Кимсиз, нима истайсиз мендан?!
- Беш дақиқа вақт берсангиз ҳаммасини тушунтириб бераман. Аввал мановини эшитинг...

* * *

Анвар Саломович икки йигити билан Шерзод тушунтирган манзил бўйича ўша ҳовлини топиб боришган бир пайтда тун ярмидан оғган, Марат билан Жасмин «Авалон»ни учирганларича шаҳар марказига қараб кетишаётганди.

Шерзод билан сұхбат чоғида кайфи узил-кесил тарқалиб бўлган Шухрат эшитганлари ва ўз наздидаги пок муҳаббатга нисбатан қилинган хиёнат таъсирида бошини чанглаб турарди. Айниқса Марат билан Севинчнинг сұхбатидан кейин асабийлашганича ўрнидан туриб кетди ва Шерзодга деди:

– Ҳаммаси тушунарли... Мен Севинч билан кўришишни истайман. Унинг қўзларига қараб айтадиган икки оғиз гапим бор!

Шерзод яхши билади, хиёнатга учраганлар ўзларига озор берганлар билан юзма-юз кўришиш, ҳаммаси учун ҳисоб бе-

ришни талаб қилишни истайдилар. Гӯё хиёнат қилгувчи оёкла-рига йиқилиб кечирим сўрайди-ю, жабрдийда фурур билан ке-чирмайдигандек... Лекин бу ишни ўзига эп кўрганларга бирор сўз таъсири қилиши даргумон.

– У қизга сизнинг гапларингиз кор қилмайди, буёғини энди дадангизга кўйиб бераверганингиз маъкул.

– Ёрдам бермоқчи бўлсангиз, мен билан юринг! Бўлмаса ўзим кетавераман.

– Шу ахволда-я? Мана буларни кийиб олинг, – Шерзод доим машинасида олиб юрадиган спорт кийимини Шуҳратга узатди.

Икковлашиб йўлга тушишди. Яна ўша оқ эшик олдига боришиди.

– Мен ўзим кириб чиқаман. Илтимос, аралашманг.

Шерзод елкасини қисганича подъездда қолди. Шуҳрат ки-риб борганида Марат Севинчга қараб бақираётган эди.

– Битта сўтакни тутиб туролмадингми?! Қандай қилиб кетиб колиши мумкин!?

– Ўзи кета олмасди, кимдир ёрдам берган бўлса керак...

Улар ишнинг бу даражада тескари кетганидан асабийлашиб турганларида ўзи қайтиб кириб келган Шуҳратни кўриб Се-винч ҳам, Марат ҳам бир лаҳза каловланиб қолишиди. Биринчи булиб қиз ўзига келди:

– Шуҳрат, жоним, мен сизга ҳаммасини тушунтириб бера-ман, бу киши курсдошим Марат.

– Учир овозингни, қанақа курсдошинг эканлигини яхши би-ламан!

Бунақа ҳолатларда нима қилишни яхши биладиган Марат истеҳзо билан гапирди:

– Билсанг жуда яхши. Энди яна бир кунгина ошиклик қилиб тур.

– Сен ўртага суқилма! Мен Севинч билан орани очиқ қилга-ни келдим.

Шуҳрат «Ласетти»нинг стол устида турган қалитини олди ва чўнтағига тиқди.

– Машинани сенга янги ўйнашинг олиб берсин. Бўйнингда-ги исминг ўйиб ёзилган олмосни ҳам еч, ҳайф сенга бундай совға, – Шуҳрат шахд билан кўлларини олдинга чўзиб Севинч-га яқинлашди. Лекин етиб бора олмади. Маратнинг мушти уни

ерга қулатди. Шұхрат ерга йиқилганида лабидан қон сизиб чиқди. Алам билан оғриқ таъсирида бўралаб сўқинди. Кейин ўрнидан туриб Маратга ташланди. Лекин Марат учун Шұхрат билан олишиш суваракни чертиб учирив юбориш билан тенг эди. Елкасига тушган зарбадан Шұхрат бу сафар Севинчнинг оёклари тагига йиқилди. Қиз эгилиб уни ўрнидан турғизишига уринмагани етмагандек заҳарли жилмайиб кўйди ва Маратга деди:

– Ўзининг бир муштлик ҳоли бору димофи осмонда-я! Бўлди қил, ўлиб қолса уволига қолмайлик. Энди буни эртагача боғлаб қўйиш керак.

– Отасига хабар берганлиги аник, ҳали замон югурдаклари билан етиб келади. Буни энди бошқа жойга олиб бориш керак. Агар эртага кечгача қўлдан чиқиб кетса, иш пачава бўлади.

Шұхрат бу гапларни эшлитиб турган бўлса-да, бирор қаршилик қилишга ожиз, лабидан сирқираб оқаётган қон оғзини таҳир қилиб ташлаган эди. Марат унинг елкасидан кўтариб қўлларини қайирди.

– Ўзингни бос, бойвачча. Менга сенинг жонинг керакмас. Лекин типирчилайверсанг ўз жонингга ўзинг қасд қилган бўласан! Севинч, кетдик бу ердан.

Шерзод хонага отилиб кирганида ҳали нима қилишини ўзи ҳам билмас, муҳими, Шұхратга ҳозир ёрдам бермаса бўлмаслигини тушунган эди. У югуриб келиб Маратнинг кўкрагини мўлжаллаб тепди. Кутимаган зарбадан Марат гандираклаб кетса-да, йиқилмади. Унинг қўлидаги Шұхрат гурсиллаб полга қулади. Марат ўзини ўнглаб олгунича Шерзод унинг юзини мўлжаллаб мушт урди. Лекин Марат чап берди ва Шерзоднинг қўлини қайриб, тирсаги билан юзига қаттиқ туртди. Кейин оёғини чалиб йиқитмоқчи бўлди. Шерзод ҳам анойилардан эмасди. Мункиб кетаётганида Маратнинг болдирига тепди. Оғриқнинг зўридан Марат тиззалаб ўтириб қолди ва русчалаб сўкина кетди.

Эшик очилиб Жасмин хоним кириб келди. Шерзод унга қараётганида бир лаҳза хаёли қочди. Марат айнан шу пайтдан фойдаланди ва сакраб туриб елкаси билан Шерзодни уриб йиқитди. Кучнинг зўридан Шұхратнинг ёнига юмалаб тушган Шерзод устма-уст тушаётган тепкилардан ҳимояланиш учун

юзини муштлари билан тўсиб олди. Кўксига тушган пошнанинг зарбидан кейин дунё чирпирак бўлиб кетгандек бўлди. Кўз олдида чақнаган чақин нигоҳини қамаштириб ташлади.

Туман тарқалгандек очилаётган манзарада аввал Шавкат ака билан Анвар Саломович, кейин тўртта барзанги йигит, уларнинг ортидан оғзи ва кўзларига қараганда чинқириб ўзи томон отилаётган Маликани кўрди...

* * *

У тушлик қилиш учун кирган чоғида телефони жиринглади. Шуҳрат қўнғироқ қилаётган эди:

– Шерзод, қаердасиз?
– Анҳор бўйидаман. Қориннинг кўнглини овлаш учун тамадди қилишга киргандим.
– Ҳозир етиб бораман.

Икковлашиб чақчақлашганча овқатланишди. Кейин Шуҳрат мақсадга кўчди:

– Ҳозир нотариусга борамиз.
– Тинчликми?
– Боргандга биласиз.

Бордилар. Шерзодга шартнома тутқазишди. Унда Шуҳратга тегишли «Ласетти» автомобили Шерзодга ҳадя қилинаётгани ёзилган эди. Шерзод имзо чекмай Шуҳратнинг кўзларига тикилди.

– Фақат йўқ деманг, хафа бўламан, – эътиrozга ўрин қолдирмади Шуҳрат.

Шерзод жилмайиб қўйди.

– Йўқ деб, аклимни ебманми? Бу машина аввал бошқа бирорвга совға қилинганди-ку, қандай қилиб расмийлаштирајпсиз, деб сўрамоқчи эдим.

– Шу жойида аклим ишлаб кетиб, факат ишончнома орқали бергандим. Ўша ишончномани ҳозиргина йиртиб ташладим. Машина энди сизники, куллук бўлсин. Тўйда хизматнинг каттасини ўзимга юклайсиз.

Шерзод эндиликда қалин дўстига айланган Шуҳратнинг елкасидан кучди.

Ташқарига чиқканларида Анвар Саломович билан Шавкат ака етиб келишди. Анвар Саломович унинг қўлига бир даста қофоз узатди.

– Бу ерда уч юзта таклифнома. Қариндош-уругларингга тарқатарсан. Етмаса яна бераман.

– Етади. Энди бир саволимга жавоб беринг. Биринчи учрашувимииздаёқ қандай қилиб менинг изимга тушгандингиз?

Анвар Саломович ёйилиб кулди:

– Эсингдами, келинойингдан олдин ёнингга бир қиз борганди...

Шерзод пешонасини ушлаб қолди. Ҳа-а... Йигитини кузатишни илтимос қилган қиз... Стол остига телефонини тушириб юборгандек қилганди. Демак, микрофон ўрнатиб кетган экан-да...

Анвар Саломович айёрлик билан кулиб турарди:

– Топдинг, келинойинг сенга телефон қилганини тасодифан эшитиб қолиб, ундан олдинроқ ўша қизни жўнатгандим. Хуллас, ўша шўхликларнинг ҳаммаси сал қолди бошимга етишига, яхшики хушёрлик қилибсан, бўлмаса ҳам пулдан, ҳам обўдан айрилардим. Буёгини эшит, гап мундок, энди сен менинг куёвимсан. Шу кунгача нима иш билан шуғулланганингни Малика-га айтмай яхши қилибсан. Бу ишлар бизга ярашмайди. Бундан буён янги корхонани бошқарасан. Мен эса бошқа ножӯя қадам босмайман, оиласамга садоқатли бўламан.

Шавкат ака гапга аралашди.

– Биз энди Анваржон билан дам оламиз. Ҳаммаси сиз, ёшларнинг қўлингизга ўтади. Энди Шухрат дўстингизга ҳам айтинг, бирортанинг қулогини тишлисан.

Шухрат қизариб жавоб берди:

– Хорижга ўқишга кетаман. Бирорта негр олиб келмасамми...

Ҳаммалари шарақлаб кулиб юборишиди.

Адабий-бадиий нашр

Аброр Зоҳидов

ХИЁНАТ

Детектив-саргузашт қиссалар

Мұхаррир: Анвар НАМОЗОВ

Мусахих: Наврұз БЕКМУРОДОВ

Бадиий мұхаррир: Фирдавс ДҮСТМАТОВ

Техник мұхаррир: Алимардон АҚИЛОВ

Нашриёт лицензияси: AI № 255, 31.12.2014.

Теришга берилди: 03.03.2017 й.

Босишига рухсат этилди: 18.04.2017 й.

Газета қофози. Қоғоз бичими: 84x108 1/32.

Ариал гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 5,65. Шартли б.т.: 6,72.

Адади: 1000 нұсха.

Буюртма № 119.

«Янги китоб» нашриётида нашрга тайёрланды.

100138, Тошкент шаҳри Учтепа тумани

Чилонзор даҳаси 13-мавзе 45-үй

Тел.: (+99891) 132-36-64, (+99890) 992-35-01

e.mail: yangikitob@mail.ru

**«Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.
100097, Тошкент ш., Бунёдкор шохжӯчаси, 44.**



Аброр Зоҳидов 1979 йилда Асакада туғилган. Асл касби шифокор. Лекин ижодга бўлган қизиқиши устунлик қилиб, кўп йиллардан бери етакчи газеталарда раҳбарлик қиласди. Унинг асарлари айнан шу нашрлар оркали ўз ўкувчисини топган десак адашмаймиз.

Кўлингиздаги «Хиёнат» – Аброр Зоҳидов қаламига мансуб иккинчи китоб.

Мен Аброр Зоҳидовнинг ижоди билан ўн беш йилдан буён танишман. Аброржон қўлга қалам олиш ва қизиқарли воқеаларнинг баёнини ёзишинигина мақсад қилмайди. Адиб учун энг муҳими китобхонни шу воқеаларга алоқадор қаҳрамонлар руҳий оламига олиб кириш, қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини ҳис этиб, уларнинг дардига шерик бўлишига даъват этишибир. Бунга эриша олган ёзувчи ўзини баҳтили ҳис қилиши мумкин. Аброржон шу баҳтга эришганлардан бири.

Муҳтарам ўқувчи мазкур китобни ўқиб, бизнинг фикримизни тасдиқлади, деган умиддамиз.

Тоҳир Малик,
Ўзбекистон халқ ёзувчisi

ISBN 978-9943-4804-9-0



9 789943 480490